Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси

Бахтиёр Абдушукуров

# «Қисаси Рабғузий» лексикаси

«Akademiya»
Тошкент – 2008

www.ziyouz.com kutubxonasi

**Масъул муҳаррир:** филология фанлари доктори,
профессор Ҳ. ДАДАБОЕВ
**Тақризчилар:** филология фанлари доктори Н. ҲУСАНОВ,
филология фанлари номзоди, доцент Қ. ОМОНОВ

**Б. Абдушукуров. «Қисаси Рабғузий» лексикаси.** –Т.: «Akademiya» нашриёти, 2008.

Монографияда XIV аср обидаси бўлган «Қисаси Рабғузий» асари лексикаси статистик, мавзуий гуруҳлар, тарихий-этимологик, сўз ясалиши, лексик-семантик нуқтаи назардан тадқиқ этилган. Шунингдек, қисса тил хусусиятлари кўп асрлик тарихга эга бўлган қардош туркий тиллар лексикаси, хусусан, ўзбек адабий тили тараққиёт қонуниятларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этиши ёритиб берилган.

Монография олий ўқув юртларининг филология факультети талабалари, магистрлар, аспирантлар, тадқиқотчиларга мўлжалланган.

ISBN 978-9943-300-42-2 © «Akademiya» нашриёти, Тошкент, 2008.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# СЎЗ БОШИ

Истиқлол шарофати билан халқимизнинг улкан маънавий мероси, бой тарихини холисона ўрганиш учун кенг йўл очилди, кеча эслашимиз мумкин бўлмаган маънавий қадриятларимизни нафақат хотирлаш, керак бўлса, қайта тиклаш имкониятига эга бўлдик. Зеро, Перезидент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир[1] ». Шу маънода, қардош туркий тилларнинг, хусусан, ўзбек тилининг тарихий лексикасини қўлёзма манбаларда акс эттан бой фактик материаллар ёрдамида ҳар томонлама чуқур ва илмий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳозирги кунда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалардан биридир.

Сир эмаски, кўҳна ёзма манбаларда халқимизнинг турмуш тарзи, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳволи, урф-одати, анъаналари акс этади. Демак, жамият ва тил тарихидан бохабар бўлишда ёзма ёдгорликлар катта роль ўйнайди. Чунки тил жамият талабларига мувофиқ такомиллашиб боради ва ҳар бир даврда кишиларнинг ўзаро алоқа воситаси бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, “Қисаси Рабғузий” асари луғат таркибини тадқиқ этиш нафақат ўзбек халқининг узоқ ўтмишини илмий асосда ёритиш, шунингдек, ўзбек тили ва адабиёти тарихини ўрганиш нуқтаи назаридан ҳам ғоят муҳимдир.

---

[1] Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б. 30-31.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Туркийшунослик фанида XIII-XIV асрга тегишли туркий обидалар тил хусусиятларини тадқиқ қилиш борасида қатор жиддий ишлар амалга оширилганлиги илм аҳлига, айниқса, тил тарихи мутахассисларига яхши аён[2]. Эски туркий тилнинг асосий соҳаларидан бири ҳисобланмиш сўз бойлигини атрофлича таҳлил қилишда лексиколог олимлардан А.Боровков, С.Муталлибов, Ғ.Абдураҳмонов, А.Нажиб, Э.Фозилов, Қ.Маҳмудов, Қ.Каримов, Ҳ.Дадабоев, Қ.Содиқовларнинг[3] роли катта бўлганлиги эътироф этилган. Тадқиқотни ёзиш жараёнида номлари қайд этилган олимларнинг назарий фикр-мулоҳазалари инобатта олиниб, улардаги фактик материаллар зарурий ўринларда ишга жалб қилинди.

---

[2] Бу ҳақда қаранг: XIII-XIV аср туркий ёдгорликлар тили. Морфология .-Т.: Фан, 1986. -Б. 4-6.

[3] Боровков А. Лексика Среднеазиатского тефсира XII-XIII вв. - М: Изд-во восточной лит-ры, 1963; Маҳмуд Кошғарий, Девону луғотит турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов I-III. -Т.: Фан, 1960-1963; Девону луғотит турк. Индекс-луғат, Ғ.Абдураҳмонов ва С.Муталлибов иштироки ҳамда таҳрири остида. -Т.: Фан, 1967; Наджип Э. Тюркоязычный памятник XIV века «Гулистан» Сейфи Сараи и его язык. – Алма-Ата: Наука, 1975; Историко-сравнительный словарь тюркских языков XIV века: на материале «Хосрау и Ширин» Кутба. – М.: Наука, 1979; Фазылов Э. Староузбекский язык: Хорезмийские памятники XIV века. Т. I-II. -Т.: Фан, 1966-1971; Маҳмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари ҳақида: кириш, фонетика, морфология, матн, транскрипция, шарҳ, луғат. –Т.: Фан,1972; Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг (Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тафсиф. Нашрга тайёрловчи Қ.Каримов. –Т.: Фан, 1971; Дадабоев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. –Т.: Ёзувчи, 1991; Содиқов Қ. XI-XV аср уйғур ёзувли туркий ёдгорликларнинг график–фонетик хусусиятлари. Филол. фан. д-ри дисс-яси. –Т.: 1992.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзбек адабиётининг илк насрий асарларидан ҳисобланган "Қисаси Рабғузий"да халқ хўжалигининг турли жабҳалари, яъни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, ҳарбий, маданий, диний, маиший, касб-ҳунар, жуғрофий соҳаларга оид лексик бирликлар қўлланилган. Ёднома луғат таркибининг асоси туркий сўзлардан иборат бўлиб, ўз қатлам туб ва ясама лексикалардан ташкил топган. Шунингдек, ўзлашма қатлам сўзлари ҳам туркий тилдаги аффикслар ёрдамида лексемалар ясашда, қолаверса, маънодош, шаклдош ва зид маъноли сўзларга доир лексик-семантик жараёнларда фаол иштирок этган. Асар тилида талайгина кўп маъноли бирликлар истифода этилган. Айни пайтда, моносемантик сўзлар ҳам манбада ўз ўрнига эга.

Қисса сўз бойлигини диахрон аспектда тадқиқ этиш ўша давр ҳамда ёдгорликнинг ўзига хос тил хусусиятларини ёритишда, ўзбек адабий тили луғат таркибининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнини кузатишда, тилдан ташқари бўлган экстралингвистик омилларни тўғри белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, ўзбек адабий тили лексикаси ва терминологияси тарихини ёзишда, тарихий этимологик, изоҳли луғатлар тузиш ҳамда қиёсий лексикологик ишларни амалга оширишда катта ёрдам беради.

## "Қисаси Рабғузий" асарининг ўрганилиши

Ҳозирги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар мустақилликни мустаҳкамлаш, халқнинг онгини аста-секин янги замонга қараб ўзгартириш негизида давом этмоқда. Миллий ўзликни англаш, миллий ҳамжиҳатлик, маънавий қадриятларни тиклаш соҳасида кўпгина ишлар амалга оширилди. Айтиш жоизки, ватанимиз қиёфаси истиқлол йилларида тубдан ўзгарди. Улуғ аждодларимиз номи оқланиб,



www.ziyouz.com kutubxonasi

уларнинг тарихий, маънавий мероси ҳар томонлама чуқур ўрганилмоқда. Ислом дини эътиқодимиз рамзи сифатида қайта тикланди, ўзбек тили давлат тили мақомини олди. Улар замирида халқимиз қалбида ўз ўтмиши, буюк Ватани билан фахрланиш туйғуси шаклланмоқда. Миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуси ватан тараққиёти, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун кураш туйғуси билан уйғунлашиб, маънавиятимиз асосини белгиламоқда. Маънавий меросимизнинг ана шундай ажойиб дурдоналаридан бири, азалдан севиб ўқилиб, қиссахонлардан эшитилиб келинган " Қисаси Рабғузий" асаридир. Мазкур обида работўғузлик қози Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий томонидан Работи ўғузнинг беги, ислом динини қабул қилган, мўғул бекларидан бўлган Носируддин Тўқбуғабекнинг илтимосига биноан ҳижрий 709-710 (1309-1310) йилларда, яъни бир йил ичида битилган. Муаллиф бу ҳақда асар хотимасида шундай ёзади:

Ӧш битидим бу китабны эй эрӓнлӓр эр бозы,
Бир йыл ичрӓ кэчти аның йайы қыш йаз=у кузи.
...Йэтти йӱз он эрди йылғаким битилди бу китāб,
Туғмыш эрди ул оғурда ҳут саāдат йулдузы (249v1;14).

Ўзбек халқи учун муқаддас замин бўлган Работўғуз харобалари қадимги Хоразмнинг сон-саноқсиз археологик ёдгорликлари орасидан топилганига бир неча йил бўлди. Лекин дастлабки тахмин тарих ҳақиқатига айланиши учун воҳадаги жуда кўп қалъа, қўрғон қолдиқларини кўриб чиқиш, улардан топилган ашёвий далилларни текширишга тўғри келди. Энди қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, ўша Тўқбуға беклик қилган қалъа - Работўғуз ҳозирги давр ёдгорликлари рўйхатида Тўққалъа номи билан қайд этилган.[1] Бун-

[1] Зоҳидов П. Кун туғардин кун ботарға сўзи етган зот//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2002 йил 22 февраль. -Б. 2.



www.ziyouz.com kutubxonasi

дан кўринадики, Носируддин Бурҳониддин ўғли Хоразм (ҳозирги Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани)нинг ўғузлар маскан тутган Работўғуз - Тўққалъа деган жойидан бўлиб, XIII аср охири - XIV аср бошларида яшаган. Шунингдек, унинг Рабғузий тахаллусини олиши ҳам туғилиб ўсган жойи номи билан боғлиқ. Бироқ алломанинг ҳаёти ҳамда ижодий фаолияти ҳақида жуда кам маълумот сақланиб қолган ва бизгача унинг "Қисаси Рабғузий" асаригина етиб келган. Туркий халқлар ўртасида «Қисасул-анбиё» номи билан машҳур бўлган мазкур ёдномада қайд этилган пайғамбарлар ҳақидаги қиссалар, ҳикоятлар ва ривоятларнинг аксарияти Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф ва бошқа диний манбалар асосида яратилган. Бир сўз билан айтганда, бу асар чингизийлар ҳукмронлиги давом этаётган бўлса ҳам Волга бўйларидан то Хитой чегараларигача чўзилган улкан ҳудудларда мўғуллар қандай туркийлашаётгани ва ислом таълимотини туркий тилда "ўқимоққа кераклик, ўрганмакка яроғлик" китоблар орқали қабул қилиб мусулмон бўлаётганини кўрсатувчи тарихий далилдир"[5].

Ёдноманинг турли даврларда кўчирилган бир неча қўлёзма нусхалари мавжуд бўлиб, улар дунёнинг турли кутубхона ва қўлёзма фондларида сақланмоқда. Мавжуд қўлёзмаларнинг дастлабкиси XV асрда кўчирилган бўлиб, ҳозир Британия (Лондон) музейида сақланади. Эски қўлёзмалардан яна бири Россия ФА Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида С-245 рақами остида сақланаётган нусха бўлиб, у XV-XVI асрларга мансуб дея тахмин қилинади[6]. Асарнинг бошқа қўлёзмалари кейинги даврлар-

---

[5] Қодиров П. Тил ва эл. –Т.: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2005. –Б. 40-41.

[6] Boeshoten H.E. The Leningrad Manuscripts of Rabghuz is Aisas/ /Turk Dillari Arastirmalari, Ankara, 1991. –S. 47-49.



www.ziyouz.com kutubxonasi

га оид ҳисобланиб, матн тили давр тақозосига кўра ўзгаришларга учраган. Исвач,[7] Париж,[8] Боку,[9] Тошкент нусхалари шулар жумласидандир. Т. Ғофуржонованинг ёзишича, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида қиссанинг еттита қўлёзма ва ўн учта босма нусхаси сақланади[10].

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX асрнинг бошларида асар Тошкент ва Қозон шаҳарларида литография асосида бир неча марта нашр қилинган. Асарнинг Санкт-Петербург ва Қозон нусхалари асосидаги тўла матни биринчи марта рус туркийшунос олими Н.И. Илминский томонидан 1859 йилда Қозон шаҳрида эълон қилинган.[11] Бу нашр нисбатан кейинроқ кўчирилган нусхага асослангани учун ҳам тил жиҳатдан анча янгиланган. Кейинги нашрларда эса, қисса тили оригиналдан анча узоқлашган.

XIX аср охирлари - XX аср бошларида обидадан айрим парчалар русча таржимаси ва баъзи лингвистик шарҳлар билан бир қатор олимлар томонидан китобхонлар ҳукмига ҳавола этилган. Хусусан, Н.Остроумов[12] ёдномадаги Муҳаммад (с.а.в.), Н.Катанов[13] Исо пайғамбар ва Марям, П.Мелиоранский[14] Солиҳ

---

[7] Zarring G. Studien zu einer ostturkische Lautehre. Lund, 1933. –S. 20.

[8] Blochet E. Catalogie des manuscripts turs. Bd. II. Paris, 1933. –S. 138.

[9] Ҳажиева Н. Рабғузийни «Қисасул-анбийа» асарини Баку ёзмаси. ТД, 1994. –Б. 292-296.

[10] Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томли. 1-том. –Т.: Фан, 1977. –Б. 179.

[11] Илминский Н. Кисас-и Рабгузий. –Казан, 1859.

[12] Остроумов Н. Критический разбор Мухаммедского учения о пророках. –Казан, 1974.

[13] Катанов Н. Мусульманские легенды. Тексты и переводы//Записки императорской академии наук XXV. –Петербург, 1895. -С. 1-44.

[14] Мелиоранский Р. Сказание пророка Салиха//Сборник статей учеников проф. Барона, В.Р.Розена. –Петербург, 1897. –С. 279-308.



www.ziyouz.com kutubxonasi

йалавач қиссалари тўғрисида тадқиқотлар олиб борган. Ғулом Ҳасан Орифнинг[15] нашри (1916-1917) Тошкент тошбосмасига асосланган бўлса, Фитратнинг "Ўзбек адабиёти намуналари"[16] китобида Юсуф қиссаси ва Нуҳ тўфони билан боғлиқ парчалар ўрин олган. С.Е.Малов[17] Рус академияси Осиё музейи кутубхонасидаги нусха билан Давлат халқ кутубхонасида сақланаётган нусхани солиштирган ҳолда асардаги Исмоил пайғамбар, Каъбанинг барпо этилиши ва Исҳоқ пайғамбар ўғиллари ҳақида тўхталиб ўтган. Шунингдек, олимнинг "Памятники древнетюркской писменности" китобида ҳам обиданинг бош қисми русча таржимаси, асар ҳақида қисқача маълумот ва баъзи лингвистик изоҳлар билан келтирилади[18].

Даниялик машҳур матншунос К.Гронбек 1948 йилда Копенгагенда ёдноманинг энг қадимий қўлёзмаси саналган Лондон нусхаси факсимилини нашр эттиради[19]. Турк олими С. Чагатайнинг "Турк лаҳжалари ўрнаклари"[20] китобида С.Е. Малов ва Фитратнинг Исмоил ва Юсуф қиссаларидан намуналар қайд этилган. Й.Шинкевич[21] Лондон нусхаси билан бошқа нусхаларни қиёслаб, асарнинг синтаксиси бўйича, А.Абражеев[22] ёдгорликдаги қўшма сўзлар тўғрисида илмий

[15] Hasurud din bin Burhanud-din Rabguzi. Kisasul enbia. –Ankara, 1997. –S. 21.

[16] Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. –Т., 1928. –Б. 104-112.

[17] Малов С. Мусульманские сказания о пророках по Рабгузи// Записки коллегии востоковедов –М., –Л., 1930. –С. 507-524.

[18] Малов С. Памятники древнетюркский письменности. Тексты и исследования. –М.-Л.: 1951. –С.323-341.

[19] Grohbech K. Rabguzi Narrationes de Prophetis. Cod. Mys. Brit. Add. Kopenhagen, 1948.

[20] Cagatay S. Türk Lehceleri Örneklelri. Ankara, 1950. –S. 141-151.

[21] Schinkewitsch Y. Rabguzis Syntax. MSOS II. 1926. -S. 130-172.

[22] Абражеев А. Сложные предложения (гипотаксис) в прозе Кисасул-анбия Рабгузии – писателя XIV века. Труды Узбекского государственного университета.–Самарканд, 1957. Вип. –С. 125-140.



www.ziyouz.com kutubxonasi

изланишлар олиб борган. 1969 йилда Ў.Мирзакаримова Санкт-Петербург нусхаси асосида асарнинг морфологик хусусиятлари бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаган[23]. Шунингдек, ўзбек, татар ва турк адабиёти тарихига оид асарларда ҳам қисса ва унинг муаллифи ҳақида маълумотлар берилган ҳамда фикр-мулоҳазалар билдирилган[24].

Асарнинг Лондон нусхаси асосида 1990-1991 йилларда ЎзРФА Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтининг бир гуруҳ олимлари "Қисаси Рабғузий"ни кирилл алифбосида китобхонлар ҳукмига ҳавола этди[25]. Икки жилддан иборат ушбу нашрнинг сўнгида Қуръони Карим оятлари, Ҳадиси Шариф ва шеърларнинг таржимаси, луғат ва изоҳлар, киши исмлари ўрин олган. Мазкур нусхага таянган ҳолда 1993 йилда И.Останақулов "Қисас ар-Рабғузий – адабий асар"[26] номли номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Айни пайтда, ёдноманинг 1997 йил Анқарада доктор Айсу Ота эълон қилган икки жилдли туркча босмаси ҳам асл нусхага таянган[27]. Бу нашрнинг биринчи жил-

---

[23] Мирзакаримова У. Морфологические особенности «Кисаси Рабгузи». АКД. –Т., 1969.

[24] Ўзбек адабиёти тарихи. Тўрт жилдли. I жилд. –Т.: Фан, 1959. –Б. 70-79; Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдли. 1-жилд. –Т.: Фан, 1977. –Б. 179-185; Ўзбек насри тарихидан. –Т.: Фан, 1982. –Б. 17-27; Татар эдебияты тарихы. Алты томда. 1-том. Казан: Татаристан китап нашрияты, 1984. –Б. 166; Кўпрулу Ф. Турк адабийати тарихи. –Истанбул, 1986. –Б. 286-287

[25] Носириддин Бурҳониддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Биринчи китоб. –Т.: Ёзувчи, 1990. -240 б.; Иккинчи китоб. –Т.: Ёзувчи, 1991. -272 б.

[26] Останақулов И. Қисас-ар-Рабғузий – адабий асар. Филол.-фан.ном.дисс. автореф. –Т., 1993. -24 б.

[27] Nasirüd-din bin Bürhanud-din Rabguzi. Kisasül –enbiya. I жилд. Анкара, 1997. -616 б; II жилд. –Анкара, 1997. -820 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

дида кириш, туркча ҳамда туркий матнлар берилган бўлса, иккинчи жилдида эса асарнинг сўз бойлиги (луғати) ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, Ҳ.Боесчотен ва В.Даммеларнинг "Қисаси Рабғузий" асари бўйича бир нечта мақолалари мавжуд[28].

Маълумки, пайғамбарлар қиссаларидан иборат ушбу обида мазмун-моҳиятига кўра, ислом маърифатига мансуб бўлганлиги боис, шўролар даврида уни чоп этиш ва ўрганиш юзасидан дурустроқ тадқиқотлар амалга оширилмади. Истиқлол йилларида бу борадаги ишлар бирмунча жонланди. Жумладан, филология фанлари доктори, профессор Ҳ.Дадабоев томонидан қиссадаги ижтимоий-сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий терминлар тадқиқ этилди[29], ёднома лексикаси бўйича бир қатор мақолалар эълон қилинди[30]. Филология фанлари доктори Н.Ҳусанов

---

[28] Boeschoten H. Iskandar-Dhylkarnain un den Qisas-i Rabguzi// De Turcicis Aliisque Rebus, Utrecht Turcological series. №3. Utrecht, 1992; Vokalquantiat in rabguzis Poesie. CAI, V.34. №3-4. Wiesbaden, 1990; Boeschoten M. Damme M. The Differents Copyists in the London Ms of the Qisas-Rabghuzi. Utrecht Papers on Central Asia, 1985; The Poetry in Rabghuzis Qusas. Paper Presented at the 3rd European cemihap Central Asian Studies. Paris, 1989.

[29] Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIVвв. –Т.: Ёзувчи, 1991. -168 с.

[30] Дадабоев Ҳ. "Қисаси Рабғузий"нинг лексик хусусиятлари ҳақида//Марказий Осиё олимларининг ўрта аср илмларига қўшган ҳиссаси. –Т., 1999. –Б. 17-23; "Қисаси Рабғузий"даги аёл семали лексемалар хусусида//Филология фани: янги аср муаммолари. –Т., 2003. –Б. 125-128; "Қисаси Рабғузий" тилидаги туркий лексемалар семантикаси//Второй международный тюркологический конгресс. Современная тюркология: теория, практика и перспективы. I. Болим. Туркестан, 2006. –Б. 90-93; "Қисаси Рабғузий"да қўлланган сал= феълининг семалари хусусида//Ўзбек тилшунослиги масалалари. –Т.: 2006. –Б. 22-25.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қисса тилида истифода этилган фаришталар, пайғамбарлар ва уларнинг қариндошлари, оила аъзолари, халифалар, авлиёлар номини англатувчи антропонимлар хусусида илмий изланиш олиб борган[31]. П.Зоҳидовнинг[32] "Қисаси Рабғузий" асари ёзилиши тарихи, тили ва унинг муаллифи насл-насаби, туғилиб ўсган жойи билан боғлиқ маълумотлар акс этган мақолалари ўқувчиларга тақдим этилган. Шунингдек, мустақиллик даврида ёдгорлик муҳим филологик манба сифатида дарслик ва ўқув қўлланмаларга киритилди[33]. Бироқ ҳозирга қадар "Қисаси Рабғузий асари " лексикаси махсус тадқиқот объекти бўлганича йўқ. Биз мазкур илмий изланишимиз орқали ўзбек адабий тили тарихий лексикасидаги зикр этилган бўшлиқни тўлдиришга ҳамда ёдномада қўлланилган лексик бирликларни статистик, мавзу, генеалогик ва лексик-семантик жиҳатдан таҳлил этишга ҳаракат қилдик. Зеро, асар тил хусусиятларини ўрганиш кўп асрлик тарихга эга бўлган туркий тилларни, қолаверса, ўзбек адабий тилининг тараққиёт босқичларини аниқлашда бениҳоя қимматлидир. Ушбу тадқиқот обиданинг Лондон нусхаси асосида амалга оширилди, шунингдек, асардан олинган мисоллар тил тарихи мутахассислари томонидан қабул қилинган транскрипция қоидалари асосида берилди.

---

[31] Ҳусанов Н. XV аср ўзбек адабий ёдгорликларидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. Филол.фан.док-ри дисс. –Т., 2000. – 243 б.

[32] Зоҳидов П. Кун туғардин кун ботарға сўзи етган зот//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 22 фераль 2002 йил. –Б. 2; Рабғузий саодати//Тафаккур. №1. 2008. –Б. 74-81.

[33] Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1995. –Б. 84-86; Мухторов А., Санақулов У. Ўзбек адабий тили тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1995. –Б. 72-75; Аҳмедов С., Қўчқоров Р., Ризаев Ш. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик-мажмуа. –Т.: Маънавият, 2005. –Б. 199-220; Йўлдошев Қ., Қодиров В., Йўлдошбеков Ж. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфи учун дарслик-мажмуа. –Т.: Yangiyöl Poligraf Servise, 2006. –Б. 45-48.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# I БОБ. «ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ» АСАРИ ЛЕКСИКАСИНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

Тил ва жамият тарихини ўрганишда, унинг шаклланиши тараққиёт босқичларини аниқлашда ёзма обидаларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Чунки тил жамият ва халқ тарихи билан боғлиқ равишда ривожланиб боради, жамиятда рўй берган ўзгаришлар ўша давр ёзма манбаларида ўз аксини топади. Шу нуқтаи назардан, тил лексикаси тарихини ўрганиш, бир томондан, ҳар бир сўзнинг тадрижий тараққиёт йўлларини очиб берса, иккинчидан, у тилнинг айрим даврлардаги сўз бойлиги ва муайян фонетик, морфологик, синтактик хусусиятларини ёритишга ёрдам беради. Бинобарин, лексика тарихини ўрганиш, умуман, тил тарихини тадқиқ этиш учун ҳам муҳимдир[1].

Ўрта Осиё, Дашти Қипчоқ, Волгабўйидаги туркий халқлар адабий тилларининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини атрофлича тадқиқ этишда XI-XIV аср ёзма ёдгорликлари тилини лингвистик нуқтаи назардан таҳлил қилиш, унинг ҳудудий диалектлар билан муносабатлари, шунингдек, ички ва экстралингвистик омилларнинг ўзаро таъсири жараёнида тил структурасининг турли даражалари тараққиётини фарқловчи дифференциал белгиларни ўрганиш алоҳида ўрин тутади[2].

Маълумки, XIII-XIV асрлар туркий халқлар ҳамда туркий тиллар тарихида мураккаб даврни ташкил этади. Бу пайтда Ўрта Осиё ва Олтин Ўрда музофотида тил хусусиятлари жиҳатидан бир-биридан фарқ

---

[1] Муталлибов С.М. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк. –Т.: Фан, 1959. –Б. 134.

[2] Ходжанды. Латафат-наме. Книга о красоте/Введение, транскрипция текста, перевод, глоссарий, грамматический указатель. Фазылов Э.И. –Т.: Фан, 1976. -С. 3.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қилувчи нодир асарлар яратилдики, уларнинг барчасида туркий тилларнинг ўғуз-қипчоқ, қарлуқ-уйғур гуруҳларига хос бўлган фонетик, лексик ва морфологик хусусиятлар акс этган. Мазкур ёдномаларнинг кўпчилиги эски ўзбек адабий тилининг шаклланишида замин вазифасини ўтаган[3]. Ушбу манбалар сирасига Ўрта Осиёда яшовчи барча туркий халқлар учун бирдек қимматли бўлган Носруддин Бурҳонуддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” обидасини ҳам киритиш мумкин. Бу ёдгорлик инсоният жамияти тараққиёти тарихини илк бора туркий тилда баён этиб берган, туркий халқларни жаҳон диний-маърифий қадриятларидан баҳраманд этишга бундан етти аср аввалроқ хизмат қила олган маънавий бойликлардан бири саналади[4]. Бир сўз билан айтганда, мазкур қисса қадимги туркий тил билан эски ўзбек тили ўртасидаги ўтиш даврини акс эттириш баробарида, бир томондан, Шарқий Туркистон тили характерини кўрсатиб берса, иккинчидан, унда XIV асрдан сўнг яратилган асарларнинг тил хусусиятлари ўз ифодасини топган. Обиданинг ўзи эса қарлуқ тиллари заминида юзага келган бўлиб, унда ўғуз тили унсурлари ҳам мавжуд.[5]

Сўнгги йилларда компьютер технологиялари ривожланиши ва уларнинг имкониятлари ортиши муносабати билан тилшунослар статистик усул – лингвостатистикага тобора кўпроқ мурожаат қилмоқдалар.

---

[3] Рабғузий Носируддин Бурҳонуддин. “Қисаси Рабғузий” (масъул муҳаррир Н.А.Асилова; сўз боши Э.Фозиловники). К. I. – Т.: Ёзувчи, 1990. –240 б.

[4] Останақулов И. Қисас ар-Рабғузий – адабий асар. Филол. фан. ном. дис. автореф. –Т.: 1993. –Б. 19.

[5] Мирзакаримова Ў. “Қисаси Рабғузий” тилининг морфологик хусусиятлари//Ўзбек тили ва адабиёти. –Т.: 1969. №1. –Б. 67-70.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Филологияда статистик усулни қўллашдан мақсад бирон-бир матн ёки асарда қанча феъл, унинг шакллари, равиш, сифат, олмош ва ҳоказо сўз туркумларига оид сўзларнинг неча марта учраганини шунчаки қайд этиш эмас, уларни таҳлил этиш, бошқа муаллифдаги натижалар билан қиёслаш ва шу орқали ўша матнга хос хусусиятларни, муаллифнинг объектив борлиқни англаши билан боғлиқ қонуниятларни ўрганишдан иборатдир[6].

Тил бирликларига статистик қарашга қуйидаги ҳолатлар сабаб бўлиши мумкин: тил баёнининг оммавий характердалиги; баён қилиш жараёнида тил бирликларининг такрорланиш хусусиятига эга эканлиги ва ниҳоят, шу жараёнда ўша тил бирликларининг қўлланилиши (такрорланиши) ёки тушиб қолишининг тасодифий йўналишда бўлишидир[7]. Туркология ва ўзбек тилшунослиги фанида ёзма манбалар, ёзувчи, шоирлар асарлари лексикасини статистик усулда ўрганиш бўйича маълум тажрибалар тўпланган. Жумладан, Абай асарларида 6000 та[8], Насимий ижодида 3338 та[9], Абдулла Тўқай асарларида 14000 та[10], Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асарида 5004 та[11], Навоий асарлари тилида 26035 та[12], "Девони Мунис" да 5500

---

[6] Иброҳимов А. Бобур "Девон"и тилидаги ўзлашма лексика. – Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2006. –Б. 6-7.

[7] Ризаев С.А. Ўзбек тилшунослигида лингвостатистика муаммолари. –Т.: Фан, 2005. –Б. 7.

[8] Исаков А. Абай тили сўздиги. – Алмати, 1968.

[9] Гаҳриманов Ж. Насим диванынинг лексикасы. – Бакы, 1970.

[10] Амиров Г.С. Словарь языка Тукая. – Веб: Тюркская лексикология и лексикография. –М., 1971. –С. 189-190.

[11] Ҳамидов З. Лексико-семантическое и лингвопоэтическое исследование языка «Лисан ат-тайр» Алишера Навои. АКД. – Т., 1982. –С. 3.

[12] Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. –Т.:Фан, 1983. –Б. 19.



www.ziyouz.com kutubxonasi

атрофида[13], Бобурнинг «Мубаййин» асарида 2616 та, «Аруз» асарида 2230 та, «Девон»ида 3304 та[14] сўз қўлланилганлиги, шунингдек, "Бобурнома" лексикасининг умумий ҳажми 65 мингга яқин сўздан иборат бўлиб, шундан 27970 тасини лексемалар ташкил этиши[15] олимлар томонидан ҳисоблаб чиқилган. Мазкур анъаналарга содиқ қолган ҳолда "Қисаси Рабғузий" асари лексикасини статистик жиҳатдан таҳлил қилишни лозим топдик. Ёднома тилида жами 5511 та лексема ишлатилган бўлиб, шундан 2943 тасини туркий, 2155 тасини араб, 330 тасини форс-тожик, 55 тасини қадимий яҳудий, 11 тасини юнон, 6 тасини хитой, 5 тасини санскрит, 6 тасини суғд тилидан ўзлашган сўзлар ташкил этади.

Ҳар бир тилдаги сўзлар ўзининг граматик белгиларига ва семантик хусусиятларига қараб турли гуруҳларга бўлинади. Шу хилда ажратилган гуруҳлар сўз туркумлари саналади. Туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида ҳам сўзларни туркумларга ажратишда морфологик белги, айниқса, сўзнинг лексик маъноси ва синтактик хусусиятлари асос қилиб олинади[16]. Илм аҳлига, айниқса, тил тарихи мутахассисларига яхши аёнки, ўзбек тилидаги сўз туркумлари асрлар мобайнида шаклланиб, такомиллашиб келди. Профессор Ш. Шукуров бу тарихий тараққиётни уч босқичга ажратади:

Биринчи босқич XIV асрнинг охиригача бўлган даврни ташкил этади. Бу давр эски ўзбек адабий тилининг шаклланиш арафаси бўлиб, унда қадимги тур-

---

[13] Абдулхайров М. "Девони Мунис" тилининг лексик қатламлари. КД. –Т., 1996. –Б. 23.

[14] Иброҳимов А. Бобур асарлари лексикасининг лингвостатистик, семантик ва генетик тадқиқи. ("Девон", "Мубаййин", "Аруз"). Филол. фан. д-ри... дис. автореф. –Т., 2008. –Б. 16.

[15] Холмонова З. "Бобурнома" лексикаси. –Т.: Фан, 2007. –Б. 20-21.

[16] Азизов О. Тилшуносликка кириш. –Т.: Ўқитувчи, 1996. –Б. 108-110.


www.ziyouz.com kutubxonasi

кий тилга оид кўпгина лексик бирликлар янги шакллар билан параллел равишда қўлланиб келган ҳамда ёзма ёдгорликларда диалектал ҳодисалар кўплаб акс этган. Шунингдек, бошқа туркий тилларга доир сўз шакллари ҳам истеъмолда бўлган.

Иккинчи босқич XIV асрнинг охиридан XIX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда эски ўзбек адабий тили вужудга келди ва унинг грамматик қурилиши, хусусан, морфологик структураси маълум даражада меъёрлашди.

Учинчи босқич XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланади. Унинг характерли хусусияти шундаки, адабиётда демократик оқим пайдо бўлди, вақтли матбуотнинг вужудга келиши, ўзбек тилида газета, журнал ва китобларнинг чоп этилиши натижасида адабий тил билан халқ жонли сўзлашув тили яқинлаша борди. Шу тариқа, ўзбек адабий тили халқ жонли сўзлашув тили ҳисобига бойиди[17].

Дарҳақиқат, умумхалқ тилининг ажойиб намуналари асосида ёзилган «Қисаси Рабғузий»да сўз туркумларининг мустақил сўзлар (от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш), ёрдамчи (боғловчи, кўмакчи, юклама), модал, ундов сўзлар каби гуруҳларига доир лексемалар келтирилганки, қуйида уларнинг ҳар бири тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтамиз.

## 1.1. Мустақил сўз туркумлари

Мустақил сўзлар борлиқдаги турли ҳодисаларни билдиради (предмет, белги, ҳаракат в.б.), демак, ҳар бир мустақил сўзнинг ўз луғавий маъноси бор; гапнинг бирор бўлаги вазифасида қўлланади; айрим ҳол-

[17] Абдураҳмонов Ғ. Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1973. –Б. 27-28.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ларда бир мустақил сўзнинг ўзи бир гапни ҳосил қилади; ясалиш, турланиш, тусланиш каби хусусиятларга эга[18]. Бинобарин, мустақил сўзлар лексик ва грамматик маъноларга эга бўлиб, матнда ишлатилиш ўрнига қараб ўзгариб туради.

### 1.1.1. От

Сўз туркумлари орасида от категорияси ўзининг семантик, морфологик ва синтактик хусусиятлари билан тил қурилишида катта ўрин тутади. Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги от сўз туркумига оид сўзлар узоқ тарихга эга. Улар жамият тараққиёти ва турмушдаги ўзгаришларга мос равишда тилнинг ички имкониятлари ёрдамида ривожланган. Буни кўҳна обидалар тил хусусиятларини кузатиш чоғида кўриш мумкин[19]. Қиссанинг луғат таркибида жами 3067 та от сўз туркумига оид лексема қўлланган бўлиб, унинг 2517 таси турдош от, 550 таси атоқли от ҳисобланади. 2517 та турдош отдан 2252 тасини туб сўзлар, 265 тасини ясама лексемалар, 550 та ономастик терминдан 402 тасини антропонимлар, 83 тасини топонимлар, 33 тасини астропонимлар, 19 тасини зоонимлар (ҳайвонларга қўйилган махсус исм), 13 тасини бут-санам номлари ташкил этади. Шунингдек, ёдгорликда 29 та изофали бирикма ишлатилган. Асарда қайд этилган отлар ифодалаган маъноларига кўра қуйидагича:

**Турдош отлар**: бармақ-«бармоқ», баш-«бош, калла», арслан-«шер», инӓк-«сигир», битиг-«ёзув», эл-«эл, мамлакат», йығач-«дарахт», миллат-«миллат»,

---

[18] Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Ўқитувчи, 1980. –Б. 212.
[19] Муталлибов С.М. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк. –Т.: Фан, 1959. –Б. 17.



www.ziyouz.com kutubxonasi

йурт-«юрт», сарай-«сарой», тамға-«тамға, белги», қазы-«қози», буйруқ-«фармон», ав-«ов» ва ҳ.к..

**Ономастика**[20]. Қиссадаги атоқли отлар ўз навбатида қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

1. Антропонимлар[21]: Āдам – "Одам Ато", Атика – "ҳазрати Умарнинг хотини", Айаз – "Исҳоқ пайғамбарнинг қизи", Асмаҳа – "Йаман ҳукмдори", Āзар – "Иброҳим пайғамбарнинг отаси", Ҳамāн – "Фиръавннинг вазири", Укāша – "саҳобалардан бири", Қāсим – "пайғамбаримизнинг тўнғич ўғли", Кисрā – "Эрон шоҳи Ануширвон", Искандар – "Александр Македонский".

2. Топонимлар[22]: Бағдāд, Басра, Хитāй, Искандарийа, Ка'ба, Куфа, Ирāқ, Ҳижāз, Ҳиндустāн, Исфаҳāн, Хурāсāн, Сабā, Макка, Мадина, Йаман.

3. Астропонимлар[23]: Арзу - "Уторуд юлдузи", Кӧрўд - «Марс», Сэвит – «Зуҳра юлдузи», Сäкäндиз – «Сатурн», Оңай – «Муштарий» (Юпитер), Йашық – «Қуёш», Йалчық – «Ой», Кӧнäк – «Далв бурҗи»,

---

[20] Ёқубов Ш. Навоий асарлари ономастикаси. Филол. фан. ном. дис. –Т.: 1994; Турдибеков М. Абулғозий Баҳодирхоннинг "Шажарайи турк" асари ономастикаси. Филол. фан. н-ди... дис. – Т., 2001; Нуритдинова Р. Ўзбек ономастикаси терминларининг лисоний таҳлили. Филол. фан. ном. дис. -Т., 2006.

[21] Бегматов Э. Антропонимика узбекского языка. АКД. –Т.: 1965; Хусанов Н. XV аср ўзбек адабий ёдгорликларидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. Филол. фан. д-ри... дис. –Т.: Фан, 2000. 243 б.

[22] Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. –240 б.; Эназаров Т. Ўзбекистон топонимлари: луғавий асослари ва этимологик тадқиқи йўллари. Филол. фан. д-ри... дис. –Т., 2006.

[23] Дадабоев Ҳ. Астрономик терминлар тарихидан//Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт истиқболлари. –Т.: 1986. – Б. 94-96; Астрономические наименования в старотюркских письменных памятниках XI-XIV вв.// Историко-лингвистический анализ старописьменных памятников. –Т.: Фан, 1994. -С. 32-43.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Буғдай башы – «Сунбула бурҗи», Қучық – «Саратон», Ўлғў – «Мезон».

4. Зоонимлар (ҳайвонларга қўйилган махсус исмлар)[24] : Бурāқ – «Муҳаммад (с.а.в.) кўкка миниб чиққан учар от», Дулдул – «Миср малики пайғамбаримизга ҳадя қилган от», Арҳам – «Сулаймон пайғамбар узугини ютган балиқ», Ҳазун – «от номи», Айнул Хитāн – «балиқ номи», Ассаба – «Сулаймон пайғамбар ҳудҳуди билан сўзлашган қуш».

## 1.1. 2. Сифат

Туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида сифат тарихан махсус морфологик кўрсаткичга эга бўлмаган. Мутахассисларнинг фикрича, сифат даставвал мустақил сўз туркуми сифатида мавжуд бўлмаган, у кейинроқ от туркумидан ўсиб чиққан ва ривожланган. Э.В.Севортяннинг таъкидлашича, сифатнинг отдан дифференциациялaниши анча илгариги даврларда бошланган. V-VIII асрларга келиб, бу жараён анча кенг тус олган. Сифатнинг жамланиши аста-секинлик билан турли даврларда пайдо бўлган хилма-хил шакллар ҳисобига юз берган. Ушбу лексемаларнинг баъзилари қадимдаёқ каммаҳсул бўлган, айримлари эса ўз сермаҳсуллигини ҳозирги кунгача сақлаб қолган ва ҳатто янада кенгайтирган. Муайян шакллар от ва сифат учун муштарак ҳисобланган, яна бошқа бирлари фақат сифатгагина тегишли бўлиб, кейинги даврларда тараққий этмаган.[25]

Туркий тиллар тараққиёт босқичининг қадим даврларидан бошланган сифатнинг отдан ажралиб чиқи-

[24] Базарова Д., Шарипова К. Развитие лексики тюркских языков Средней Азии и Казахстана. –Т.: Фан, 1990.

[25] Севортян Э.В. Из истории прилагательных в тюркских языках//Тюркологические исследования. –М.-Л.: 1963. –С. 58.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ши узлуксиз ҳодиса бўлиб, бу жараён давом этмоқда. Бундан ҳамма сифат отдан ажралиб чиққан, деган фикрга келмаслик керак. Чунки сифат мустақил категория сифатида шаклланганидан сўнг бу туркум таркибига янгидан қўшилган белги ифодаловчи бир қатор туб ва ясама сўзлар, ясовчи аффикслар мавжудки, уларнинг этимологияси ҳозирча аниқланган эмас.[26]

Сифатлар нарсанинг белги-хусусиятини турли нуқтаи назардан англатади. Ушбу белгилар бевосита инсонга ёки борлиқдаги жонли ва жонсиз нарсаларга тегишли бўлиши мумкин[27]. Мазкур хусусиятларига кўра, ёдгорликда учровчи сифатларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ:

а) нарсанинг рангини, тусини билдирувчи сифатлар: ақ-«оқ», ал-«қизил», кӧк-«кўк», қызил-«қизил», сарығ-«сариқ», йашыл-«яшил», ӱрӱң – «оқ», қара-«қора»;

б) нарсанинг хусусиятини англатувчи сифатлар: йахшы-«яхши», йавуз-«ёвуз», йаман-«ёмон», бахил-«бахил», жудий – «сахий», ағын – «ёмон», бағырсақ – «меҳрибон», кāҳил – «дангаса», тӯлäк – «камтар», эссиз – «ёвуз»;

в) нарсанинг шакл кўринишини, ҳажм – ўлчовини ифодаловчи сифатлар: äдиз – «улуғ», кичик-«кичик», бӯзӯрг – «буюк», кэң-«кенг», тар-«тор», аруқ-«озғин», кабира -«катта», ағыр-«оғир», узун-«узун», йасси-«ясси», қалын-«қалин», йуфқа-«юпқа», бӱтӱн-«бутун», йарым-«ярим», қысқа-«қисқа»;

г) нарсанинг ҳолатини билдирувчи сифатлар: исығ-«иссиқ», ҳӧл-«ҳўл», қуруғ-«қуруқ», савуқ-«совуқ»,

[26] XV-XIX асрлар морфологияси. –Т.: Фан, 1990. –Б. 55.

[27] Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б. 280; Қаранг: Пардаев З. Ўзбек тилида сифатларнинг семантик услубий хусусиятлари. Филол. фан. ном. дисс. автореф. -Самарқанд, 2004. 22 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

йаңи-«янги», эски-«эски», кӧрклӳг – «чиройли, гӯзал», хошнуд-«хурсанд»;

д) нарсанинг таъмини, мазасини ифодаловчи сифатлар: ачиғ-«аччиқ», сӯчӯк-«чучук», татлығ-«тотли», ширин-«ширин»;

е) нарсанинг ҳидини билдирувчи сифатлар: сассық-«сассиқ», анбар– «хушбӯй».

Тадқиқ этилаётган манбада келтирилган 521 та сифатдан 258 таси туб, 253 таси эса ясама лексемалардан иборат.

### 1.1.3. Сон

Тил системасида маълум бир гуруҳ сӯзлар борки, улар абстракт сонни, миқдорни, саноқни, тӯғрироғи, предметнинг санаш, жойлашиш, бажарилиш тартибини билдиради. Шуни қайд этиш жоизки, туркий тилларда сон системаси, ҳар қайси халқ тилида бӯлгани каби бирданига эмас, аста-секин шаклланиб, ӯзгариб келган[28]. Бунга кӯҳна манбалар тилини тадқиқ этиш жараёнида амин бӯлиш мумкин. Зеро, мазкур ёзма обидаларда сонларнинг бир неча турлари қӯлланган. Бу эса, биринчидан, сонларни имло ва талаффуз меъёрларини аниқлашга, иккинчидан, уларнинг этимологиясини ёритишга кӯмаклашади.

Қисса луғат таркибида учраган 169 та сон туркумига оид лексеманинг 143 таси ясама, 26 таси туб сонлар ҳисобланади. Асарда сонларнинг маъно хусусияти ва грамматик белгиларига кӯра қуйидаги турлари истифода этилган:

1. Саноқ сонлар: бир-«бир», ики//икки-«икки», он-«ӯн», сӓкиз//сӓккиз-«саккиз», отуз-«ӯттиз», тӧрт-

[28] Фозилов Э. Ӯзбек тилининг тарихий морфологияси. –Т.: Фан, 1965. –Б. 68. Қаранг: Комилова Ҳ. Ӯзбек тилида сон ва олмош. –Т.: Фан, 1953. 28 б.; Низомиддинова С. Ҳозирги замон ӯзбек тилида сон. –Т.: Фан, 1963. – 96 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

«тўрт», уч-«уч», эллик-«эллик», қырқ-«қирқ», олты йўз-«олти юз».

2. Дона сонлар саноқ сонга эгалик аффикси қўшиш ҳамда айрим саноқ сонларнинг такрорланиб келиши орқали ифодаланган: алтысы-«олтитаси», бириси-«бириси», икки-икки.

3. Жамловчи сонлар саноқ сонларга –ағу/äгў, -ла/лä, -ала/äлä, -äсы/аси аффикслари қўшилиши орқали ифодаланган: алтағу – «олтовлон», онағу – «ўнтаси биргаликда», бэшäгў – «бешавлон», икäгў – «икковлон», тöртäгў – «тўртовлон», йэтäгў – «еттовлон», ўчäлä-«учов», онула-«ўнтаси», иккäлäси-«иккаласи», онласы-«ўнтаси».

4. Нумеративлар[29]: дана-«дона», баш-«бош», аршун – «ўлчов бирлиги», қары – «қўл учидан тирсаккача бўлган ўлчов бирлиги», йығач – «6 км. ли масофа», мисқāл – «оғирлик ўлчови», бāтмāн – «оғирлик ўлчови», авуч – «ҳовуч», бöлäк-«бўлак, қисм», аср-«юз йил», кэсäк – «парча».

5. Тартиб сонлар -нч, -ынч/-инч, -унч/-ўнч, -унчы/-ўнчи, -нчы/-нчи, -ынчы/-инчи, -нди, -нду, -ндўк қўшимчалари асосида ҳосил қилинган: ўчўнч//ўчўнчи-«учинчи», тöртўнч//тöртўнчи-«тўртинчи», он йэтинч-«ўн еттинчи», он ўчўнчи-«ўн учинчи», бэшинч//бэшинчи-«бешинчи», онунч//онунчы-«ўнинчи», қырқынч-«қирқинчи», он биринч//он биринчи-«ўн биринчи», икинди-«иккинчи», икиндўк-«иккинчи».

---

[29] Ҳамдамов П. Нумеративы в современном узбекском языке. АКД. –Самарканд, 1967. 31 с.; Хинц В. Мусульманские меры веса с переводом в метрическую систему (перевод с немецкого Ю.Э.Брегеля). –М.: Наука, 1970. 74 с.; Давидович Е.А. Материалы по метрологии средневековой Средней Азии. –М.: Наука, 1970. 131 с.; Жиянов Н. «Бобурнома»даги нумеративларнинг маъно хусусиятлари. Филол. фан. ном. дис. –Т.: 2000. 135 б..



www.ziyouz.com kutubxonasi

6. Чама сонлар саноқ сонларнинг жуфт ҳолда келиши ёрдамида ясалган: бир-икки.

7. Тақсим сонлар саноқ сонларга –ар/-äр, -рар/-рäр, -шар/-шäр аффиксини (баъзан такрорланиб ҳам келади) қўшиш орқали ифодаланган: бирäр, онар-онар, алтырар, йэтишäр, иккишäр, иккишäр-иккишäр.

8. Каср сонлар: уч улушдын бири-«учдан бири», бэшдин бири-«бешдан бири», онда бири-«ўндан бири», қырқдын бири-«қирқдан бири», уч йарым-«уч ярим», тöртдä ўчи-«тўртдан учи».

## 1.1.4. Олмош

Олмошлар семантик ва грамматик хусусиятлари билан бошқа сўз туркумларидан фарқ қилади. Олмош от, сифат, сон ва баъзан бошқа сўз туркумлари ўрнида қўлланиб, предмет ва унга хос бўлган белгининг мавжудлигини кўрсатади. Олмош предметликни ёки унинг белгисини доимий эмас, балки муайян ўринларда ифода қилади. Шу жиҳатдан олмош мустақил сўз туркуми ҳисобланса-да, конкрет маънога эга бўлмайди[30]. Олмошнинг асосий маъноси ва қайси сўз туркумлари ўрнида ишлатилиши матн ичида ойдинлашади.

Текширилаётган манба тилида 65 та олмош мавжуд бўлиб, улар англатган маъноларига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

а) кишилик олмошлари[31]: мэн, сэн, ул, биз, сиз, улар, наҳну – «биз»;

б) ўзлик олмошлари: кэндӯ – «ўз», öз-«ўз», худ - «ўз»;

---

[30] Аширбоев С., Азимов И. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси (ўқув-услубий қўлланма). –Т.: Тошкент давлат педагогика университети, 2002. –Б. 47.

[31] Қаранг: Ҳакимов Д. Сиз ва сен омошларининг лексик-семантик хусусиятлари// Ўзбек тили ва адабиёти. –Т.: 2003. №5. –Б. 77-79.



www.ziyouz.com kutubxonasi

в) кўрсатиш олмошлари[32]: бу, муны, ул, ушбу, аны, му, мундағ, андағ, анда, муңар;

г) сўроқ олмошлари: ким, нэ, нэни, нэдин, нэтäк, нäлўк, нэчä, қайда, мунча, қайдын, нэчўн, қайу, қачан;

д) белгилаш олмошлари: ҳар, ҳар қачан, тэкмä – «ҳар қайси», барча, бары, қамуғ, бўтўн, жумла, жами;

е) гумон олмошлари: кимэрсä, нэмäрсä, нээрсä, бирäгў, бирäв, фалāн, нэрсä;

ё) бўлишсизлик олмошлари: ҳэч, ҳэч нимä, ҳэч кимэрсä.

### 1.1.5. Феъл

Феъл бошқа барча сўз туркумларига нисбатан энг амалий, энг мураккаб ва айни вақтда семантик жиҳатдан ранг-баранг грамматик категориядир. Феъл синтактик конструкцияларда марказий ўринни эгаллайди, гап структурасини белгилайди, унинг қандай маъноли сўзлардан таркиб топишини билдириш имконига ҳам эга бўлади[33]. Демак, феъл морфологияда муҳим ўрин тутади. Сўз туркумлари ичида асосий ўринни отлар ва феъллар ташкил қилиши эътиборга олинса, унинг кенг соҳа эканлиги англашилади.

Туркология ва ўзбек тилшунослигида феъл сўз туркуми бўйича бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган[34].

---

[32] Қаранг: Юсупов Б. Эски ўзбек тилида кўрсатиш олмошлари (XV-XVI асрлар)//Ўзбек тили ва адабиёти. –Т.: 1986. №3. –Б. 20-24.

[33] Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. –Т.: Фан, 1989. –Б. 3.

[34] Тенишев Э. Глаголы движения в тюркских языках//Историческое развитие лексики тюркских языков. –М.: 1961. –С. 232-293; Нигматов Х. Морфология тюркского глагола по материалам словаря Махмуда Кашгарского. АКД. –Л.: 1970; Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл майлларининг тараққиёти. –Т.: Фан, 1980; Щербак А. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (глагол) –Л.: 1981; Расулов Р. Ўзбек тили феълларининг семантик структураси. –Т.: Фан, 1991; Содиқова М. Ҳозирги ўзбек адабий тилида феъл стилистикаси (семантик аспектда). Филол. фан. д-ри... дис. –Т.: 1991. 288 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Қисаси Рабғузий»да 991 та феъл-лексемалар қўлланган бўлиб, шундан 976 тасини соф туркийча, 4 тасини арабча, 11 тасини эса форс-тожик тилига оид ўзлашмалардан ясалган феъл-лексемалар ташкил этади. Уларни семантик ва грамматик белгиларига кўра, қуйидаги мавзуий гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ:

I. Нутқ феъллари. Мазкур феъллар ўз навбатида кичик гуруҳларга тақсимланади:

1) дэ=/тэ= – «демоқ, «айтмоқ» феъли;

2) сўзлов феъллари: сöзлä=-«сўзламоқ»; тэдўр=– «сўзлатмоқ», арсық=- «алданмоқ», алда=-«алдамоқ», йалға= – «ёлғон гапирмоқ», сана=-«санамоқ»;

3) талаффуз феъллари: бақыр= - «бақирмоқ», йығ= – «йиғламоқ», қычқыр=-«қичқирмоқ», қығыр= – «бақирмоқ», чақыр= - «чақирмоқ»;

4) хабар феъллари: айт= - «айтмоқ», билдўр= - «билдирмоқ», йэткўр= – «етказмоқ»;

5) симметрик нутқ феъллари: сöзлäш= - «сўзлашмоқ», айтыш= -«баҳслашмоқ», тартыш= - «тортишмоқ», кэңäш= - «кенгашмоқ», тэйиш= – «сўзлашмоқ, гаплашмоқ»;

6) нутқий алоқа феъллари: сора= - «сўрамоқ», қол= – «илтимос қилмоқ, сўрамоқ», кöндўр= – «кўндирмоқ», тан= - «тонмоқ, инкор қилмоқ», уна= – «унамоқ, рози бўлмоқ»;

7) нутқий баҳо феъллари: öг= – мақтамоқ; қарға= - «қарғамоқ», сöк= -«сўкмоқ», йэр=–«айбламоқ», йаманла=-«ёмонламоқ», йавузла=– «ёмонламоқ»;

8) нутқий даъват феъллари: буйур= - «буюрмоқ», öтўн= – «ўтинмоқ», йалбар= - «ёлвормоқ», чарла= - «чорламоқ», öгит= - «насиҳат қилмоқ», фармäнла= – «буйруқ бермоқ»[1].

---

[1] Кучкартаев И. Семантика глаголов речи в узбекском языке. АДД. –Т.: 1978. 40 С.


www.ziyouz.com kutubxonasi

II. Ҳолат феъллари[36]. Ушбу мавзуий гуруҳлар ҳам айни пайтда бир қанча кичик гуруҳларга бўлинади:

а) давомли ҳолат феъллари: йат= - «ётмоқ», йаша= - «яшамоқ», тур=-«турмоқ», қал=-«қолмоқ», тўнä= – «тунамоқ», олтур= – «ўтирмоқ», орна= – «ўрнашмоқ»;

б) ҳаракат натижаси бўлган ҳолат феъллари: тын=- «тинмоқ», тоқта=-«тўқтамоқ», тол=-«тўлмоқ», туташ=-«туташмоқ», сав/wу=-«совимоқ», эскир=-«эскирмоқ», қон=-«қўнмоқ», қан= – «қонмоқ, тўймоқ», йапуш=-«ёпишмоқ», йару= – «ёришмоқ», йағу// йаву= – «яқинлашмоқ», қарар= – «қораймоқ»;

в) ижро ҳолати феъллари: асра=-«асрамоқ», қоры= - «қўримоқ», сақла=-«сақламоқ», йашур=-«яширмоқ», тўзäт= - «тузатмоқ», кизлä= – «яширмоқ», оңат= – «тузатмоқ»;

г) ҳаракатнинг ҳолати феъллари: аз=–«адашмоқ», болал= – «кўпаймоқ», арыт= – «тозаламоқ», кўпäл= – «кўпаймоқ», йығ= – «енгиллашмоқ»;

д) малака ҳолати феъллари: öгрäн=//öргäн= – «ўрганмоқ», инан= - «ишонмоқ», тапун= – «сиғинмоқ»;

е) образли ҳаёт феъллари: йална=–«оловланмоқ, алангаланмоқ», йан= - «ёнмоқ», йашна= – «яшнамоқ, ялтирамоқ», балқы= – «порламоқ», сол= – «сўлмоқ», бэзä= - «безамоқ»;

ё) биологик ҳолат феъллари: қары=-«қаримоқ», йықыл=-«йиқилмоқ», ачық=–«қорни очмоқ», чэчäклäн= – «очилмоқ, гулламоқ», чўри= – «чиримоқ», йазыл= – «очилмоқ», сувса= - «сувсамоқ», улғар= – «улғаймоқ», йашар=-«яшармоқ», той= – «тўймоқ»;

ж) физиологик ҳолат феъллари: ар= – «чарчамоқ», ағры= – «касал бўлмоқ», эгил= - «эгилмоқ», öл= – «вафот этмоқ», эмгäн= – «қийналмоқ, машақ-

[36] Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. –Т.: Фан, 1989. 141 б.


www.ziyouz.com kutubxonasi

қат тортмоқ», сэмўр= – «семирмоқ», тэрла= - «терламоқ», тўзäл= - «тузалмоқ», уйуқла= – «ухламоқ», иглäн= – «хасталанмоқ», амрул= – «тинчланмоқ»;

з) руҳий ҳолат феъллари: увтан= – «уялмоқ», ачығлан=-«аччиғланмоқ», бушуқ= – «асабийлашмоқ», хушлан= – «хурсанд бўлмоқ», кўл= - «кулмоқ», қорқ= - «қўрқмоқ», öв(w)кäлä=–«хафа бўлмоқ», öкўн=-«ўкунмоқ», қуван=-«қувонмоқ», сэв(w)ўн=-«севинмоқ», авун= -«овунмоқ», чыда= -«чидамоқ».

III. Ҳаракат феъллари. Қисса тилида истифода этилган ушбу лексемаларни қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин[37]:

1) йўналма ҳаракат феъллари: ызала= – «юбормоқ», йору= – «юрмоқ», чап= - «чопмоқ», кир= - «кирмоқ», чық= - «чиқмоқ», ақ= - «оқмоқ», қач= - «қочмоқ», кэл= - «келмоқ», бар= - «бормоқ», кöч= - «кўчмоқ», излä= - «изламоқ», кэч= - «кечмоқ», сус= – «сузмоқ»;

2) тик ҳаракат феъллари: тўш= - «тушмоқ», ин= – «тушмоқ», сал= - «солмоқ», йағ= - «ёғмоқ», қаз=-«қазмоқ», батур= - «ботирмоқ», там= – «томчиламоқ», ташла= - «ташламоқ», аш= - «ошмоқ», сäкрä= - «сакрамоқ»;

3) айланма ҳаракат феъллари: эгир= – «айлантирмоқ», эврўл= – «бурилмоқ, айланмоқ», ағна= – «ағанамоқ», кэз= - «кезмоқ», йумалан= – «юмаланмоқ»;

4) тебранма ҳаракат феъллари: ырға= – «ирғамоқ, тебратмоқ», қумрул= – «қимилламоқ», силкин= - «силкинмоқ», тэбрäн= - «тебранмоқ», йэлпи= - «елпимоқ»;

---

[37] Муҳамедова С. Ўзбек тилидаги ҳаракат феълларининг семантик таснифи//Ўзбек тили ва адабиёти. –Т.: 2004. -№1. –Б. 54-59; Ўзбек тилидаги ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари. Филол.фан.док.дисс.автореф. –Т.: 2007. 48 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5) фаолият натижаси бўлган ҳаракат феъллари: бағла= - «боғламоқ», ула= - «уламоқ», ануқла= – «тайёрламоқ», анут= – «ҳозирламоқ», қундақла= – «йўргакламоқ», йап= - «ёпмоқ», артар= – «бузмоқ», қапа// қаба= – «ёпмоқ», қат= – «қўшмоқ, аралаштирмоқ»; занжирла= – «занжирламоқ»; таң = – «боғламоқ»;

6) жисмоний таъсир ҳаракати феъллари: тэп= - «тепмоқ»; тэл= – «тешмоқ, қазмоқ»; эмлä= – «даволамоқ»; санч= - «санчмоқ»; бас= - «босмоқ»; эз= - «эзмоқ»; ал= - «олмоқ»; йамур= – «йиқитмоқ», тайақла= - «таёқламоқ»; ур= - «урмоқ»; алыш= – «олишмоқ», тоқуш= – «урушмоқ»; тэпўн=-«ҳужум, ҳамла қилмоқ»;

7) оғиз бўшлиғида амалга оширилувчи ҳаракатларни ифодаловчи феъллар: тўwкўр= – «туфламоқ»; сор= – «сўрмоқ»; ўр= – «пуфламоқ»; тишлä=– тишламоқ; оқы= - «ўқимоқ»; чайна= - «чайнамоқ»; эм= - «эммоқ»; ич= - «ичмоқ»; йут= - «ютмоқ»; отла= – «ўтламоқ»; аша= – «овқатланмоқ»;

8) адрессив ҳаракат феъллари: бэр= - «бермоқ»; ат= - «отмоқ»; сат= - «сотмоқ»; узат= - «узатмоқ»; улаш= – «улашмоқ»; сач= - «сочмоқ»; бöл= – «бўлмоқ, қисмларга ажратмоқ», савур= – «совурмоқ, сочмоқ».

IV. Юмуш феъллари сирасига кирувчи лексик бирликлар[38]: тэр= - «термоқ»; тöк= - «тўкмоқ», тик=- «тикмоқ», сағ= - «соғмоқ»; суwа= - «сувамоқ»; сўпўр= - «супурмоқ»; сўрт=-«суртмоқ»; сой=–«сўймоқ», тоқы=-«тўқимоқ»; ишла= - «ишламоқ»; қақ=- «қоқмоқ», қырқ=-«қирқмоқ», йўклä= - «юкламоқ», қур=-«қурмоқ»; эк=- «экмоқ»;

V. Сезги феъллари гуруҳига тегишли феъллар[39]: ачыт= - «ачитмоқ», бур=–«ҳидланмоқ»; ыслан= –

---

[38] Шарипова Ў. Ўзбек тилида юмуш феълларининг маъно валентликлари Филол. фан.ном.дисс.автореф. –Т.: 1996. 19 б.

[39] Мусаев Т. Ўзбек тилида сезги феъллари. Филол.фан.ном. дисс. –Т.: 1992. 116 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

«исланмоқ, ҳидланмоқ»; ириглӓн= – «бўртмоқ, пишмоқ»; қанат= – «қонатмоқ»; сэз= – «сезмоқ»; шиш= – «шишмоқ».

VI. Кўрув феъллари[40]: бақ= – «қарамоқ»; тэлмўр= – «телмурмоқ»; қара= - «қарамоқ»; кӧр= – «кўрмоқ»; кӧрсӓт= – кўрсатмоқ; кӧрўн= – «кўринмоқ»; тикил= – «тикилмоқ»; йўзлӓн= – «юзланмоқ, қарамоқ».

VII. Тақлид асосида вужудга келган феъллар[41]: иңрӓн= - «инграмоқ», мўңлӓ= – «сиқилмоқ, қайғурмоқ», мўңлӓн= – «қайғуга ботмоқ», чирлӓ= – «чириллламоқ», урла= – «улимоқ, бақирмоқ»; титрӓ= – «титрамоқ».

VIII. Эшитиш феъллари: эшит=//ишит= – «эшитмоқ»; эшитил=//ишитил= – «эшитилмоқ»; таңла= – «ҳайрон қолмоқ»; таңлан= – «ажабланмоқ»; тиңлӓ= – «тингламоқ».

### 1.1.6. Равиш

Равишлар сифатлар каби турловчи ва тусловчи аффиксларни қабул қилмайди, яъни бу туркумдаги сўзлар ўзгармайди, ўзлари боғланган лексемалар билан мослашмайди, уларни бошқармайди; равишлар бу сўзларга битишув йўли билан боғланади[42].

Туркий тиллардаги, шу жумладан, ўзбек тилидаги равишларнинг бир гуруҳини бошқа сўз туркумларидан ажралиб чиққан сўзлар ташкил этади. Бундай равишларнинг кўпчилиги исмлар, айримлари феъллар асосида шаклланган. Равишларнинг бошқа сўз туркумларидан

---

[40] Сиддиқов З. Ўзбек ва турк тилларида кўрув лексемалари семантикаси. Филол.фан.ном. дисс. –Т.: 2000.

[41] Эгамова Ш. Алишер Навоий асарлари тилидаги қадимги туркий лексика тадқиқи. Филол.фан.ном. дисс.автореф. –Т.: 2007. – 26 б.

[42] Ҳозирги ўзбек адабий тили. К.I. Фонетика, лексикология, морфология. –Т.: Фан, 1966. –Б. 198.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ажраб чиқиши маълум тарихий даврларда ҳар хил йўллар билан юзага келган[13]. Шунингдек, равиш сўз туркумига оид лексемалар таркиби бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар ҳисобига бойиб, кенгайиб борган. Шунинг учун ҳам равиш тузилиши ва таркибига кўра ранг-барангдир. Шу ўринда қайд этиш жоизки, «Қисаси Рабғузий» тилида ўз қатламга доир равишлар билан бир қаторда, араб ва форс-тожик тилларига оид равишлар ҳам ифодаланган. Жумладан, асарда қўлланишда бўлган 52 та равиш сўз туркумига доир лексеманинг 33 таси туркийча, 11 таси форсча-тожикча, 8 таси арабча лексик бирликдан иборат. Ёдномада равишлар иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги турли ҳолатларни, ҳолат ва белгининг белгисини билдиришда қўлланган бўлиб, уларнинг маъно нуқтаи назаридан бир неча турлари мавжуд:

1. Ҳолат равишлари: ақру – «секин», тэз-«тез», дарҳāл, бāт – «тез», тäрк – «тез», āсāн – «қулай», равāн-«тез».

2. Пайт равишлари: кэзин – «кейин», соңра-«сўнгра», эртä-«барвақт», кэч-«керак вақтдан кейин», ашну – «аввал», нāгāҳ-«кутилмаганда», ҳаргиз-«бутунлай», ҳамиша-«доим», энди-«энди».

3. Миқдор-даража равишлари: ўкўш – «кўп», кўп-«кöп», тэлим – «кўп», кам-«оз», аз-«оз», бисйāр – «кўп», эң -«жуда», öтä-«ўта», ғāйат-«ғоят, жуда».

## 1.2. Ёрдамчи сўзлар

Ёрдамчи сўзлар луғавий маъно англатмайди, лексеманинг фақат грамматик маъносини билдириб, морфологик ўзгариш тизими, ясалиш хусусиятига эга эмас, гап бўлаги бўлиб кела олмайди. Улар сўз ва

---

[13] Абдураҳмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1973. –Б. 189; Қаранг: Фузаилов С. Ўзбек тилида равишлар. –Т.: Фан, 1953. 109 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

гапларни ўзаро боғлаш, уларга қўшимча маъно юклаш, сўзларни бир-бирига тобелаш каби турли муносабатларни англатади[44]. Тадқиқот объекти қилиб олинган манбада қуйидаги ёрдамчи сўзлар истифода этилган.

### 1.2.1. Кўмакчилар

Гапда от ёки отлашган сўзлардан кейин келиб, восита, мақсад, сабаб, вақт, макон каби синтактик муносабатларни ифодалаш учун қўлланади[45]. Туркий тилларда кўмакчилар мустақил сўз туркумларидан ривожланган. Лекин бу жараён узоқ даврлар давомида кечган. Бундай сўзлар дастлаб ўз маъносида қўлланиш билан бирга, кўмакчи вазифасини ҳам бажарган. Даврлар ўтиши билан улар ўзининг мустақил лексик маъносини йўқотиб, кўмакчилар туркумига ўтади.

Ҳозирги туркий тилларда мавжуд бўлган кўмакчиларнинг мустақил сўз туркумларидан ажраб чиқиши нисбатан кейинги даврларга тўғри келади. Бу ҳол ёзма ёдгорликлар тилида ҳам муайян даражада акс этган. Ёзма манбалардан маълум бўлишича, XII-XIII асрлардан бошлаб туркий тилларда, шу жумладан, ўзбек тилида ҳам кўмакчилар сони кўпайиб борган[46]. Асарда ишлатилган 38 та кўмакчидан 14 таси соф кўмакчи, 12 таси от кўмакчи, 8 таси равиш кўмакчи, 4 таси сифат кўмакчи ҳисобланиб, улар икки гуруҳга бўлинади:

1) соф кўмакчилар[47]: **ӱчӱн, бирлӓ//бирлӓн//билӓ,** ичрӓ, сары, таба– «томонга», **тэги–** «қадар», **тэгрӱ** – «қадар», сайын, ӱзрӓ, **йаңлы//йаңлығ;**

---

[44] Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Ilmi ziyo, 2004. –Б. 90.
[45] Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси., 2003. –Б. 180.
[46] Абдураҳмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1973. –Б. 199.
[47] Рустамов Т. Соф кўмакчилар. –Т.: Фан, 1991. –124 б.; Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. –Т.: Фан, 1966.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2) вазифадош кўмакчилар ўз навбатида қуйидаги гуруҳларга ажралади:

а) от кўмакчилар: башыда//башында, ичигä// ичиндä, қатыда//қатында, қашыға, қашыдын, астыда//астында, арасыда//арасында, оңыда//оңында, ортасыға, ортасында, йўзидä// йўзиндä, тараф;

б) равиш кўмакчилар: бурун, ашну, кэзин, соң, бэрў, илгäрў//илгäри, ӧтрў, ташқары//ташқару;

в) сифат кўмакчилар: ӧзгä, башқа, азын- "бошқа".

### 1.2.2. Боғловчилар

Боғловчилар ҳам бошқа ёрдамчи сўзлар каби тарихан мустақил сўз туркумлари асосида шаклланган бўлиб, сўз ва гапларни бир-бирига боғлашга хизмат қилади. Лекин бундай боғловчилар туркий тилларда кам сонли ҳисобланади. Ёзма ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича, ҳозирги туркий тилларда истеъмолда бўлган боғловчиларнинг аксарияти тараққиётнинг маълум даврларида эрон тилларидан ёки араб тилидан ўзлашган бўлиб, улар XIII-XIV асрлардан фаол қўлланила бошлаган[48]. Шу боис, обида тилида ўз ҳамда ўзлашган қатламга доир боғловчилар кўзга ташланади ва уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1) тенг боғловчилар. Мазкур боғловчилар вазифаси ва маъносига кўра, навбатдаги гуруҳларга бўлинади:

а) бириктирув боғловчилари: ва, ҳам, -у (-йу, -ву), тақы//дағы, ма//мэ, йэмä, йана;

б) айирув боғловчилари: йа, йāҳуд, гāҳ, ба'зи;

в) зидлов боғловчилари: аммā, валэкин, валэ;

г) инкор боғловчиси: нэ.

2) эргаштирувчи боғловчилар: ким, äгäр, ки, чўн, äгäрчä, тā, тэб, гар, тэйў.

Шу тариқа, обида лексикасида 27 та боғловчи истифода этилган бўлиб, унинг 18 тасини тенг боғловчилар, 8 тасини эргаштирувчи боғловчилар ташкил этади.

---

[48] Абдураҳмонов Ғ., Шукуров Ш. Кўрсатилган асар. –Б. 215-216.



www.ziyouz.com kutubxonasi

### 1.2.3. Юкламалар

XIII-XIV асрларга оид ёдномалар тилида истеъмолда бўлган юкламалар шаклий ифодаси, қўлланиши, маъно хусусияти жиҳатидан бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга.[49] Шу нуқтаи назардан, асарда жами 5 та юклама келтирилган бўлиб, улар жумлага ёки унинг маълум қисмига қўшимча маъно юклаш вазифасини бажарган. Қисса тилидаги юкламалар сирасига қуйидагилар киради: -му/мў//-мы//-ми, ла//-лä, -қына/-кинä//-ғына/-гинä; -оқ/-ўк, ма.

## 1.3. Модал сўзлар

Маълумки, модал сўзлар сўзловчининг айтилаётган фикрга муносабатини англатиб, унинг аниқлиги, ростлиги, гумонли ёки шартлилигини ифодалаш учун хизмат қилиб, асосан, кириш сўз вазифасида келади. Улар бутун фикрга ёки унинг бирор қисмига тааллуқли бўлиб, шаклан ўзгармаслиги, гап бўлаги вазифасида келмаслиги, гапнинг бошқа бўлаклари билан синтактик алоқага киришмаслиги билан характерланади. Ёдномада 9 та модал сўз кузатилади: магар, балки, бар, йоқ, кэрäк, кāшки, шāйат, иллā, нэст.

## 1.4. Ундовлар

Ушбу сўзлар фонетик шаклланиши, морфологик бутунлиги, экспрессивлиги ва махсус оҳанги, келишик, эгалик, шахс, замон каби грамматик маъноларни англатмаслиги билан бошқа сўз туркумларидан фарқ қилади[50]. Ундовлар гап бўлаги вазифасида қўллан-

---

[49] XIII-XIV асрлар туркий адабий ёдгорликлар тили. –Т.: **Фан,** 1986. –Б. 264.

[50] Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги **ўзбек** адабий тили. –Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б. 391. Қаранг: Усмонов С. Ўзбек тилида ундовлар. –Т.: Фан, 1953.



www.ziyouz.com kutubxonasi

майди, улар билан грамматик жиҳатдан боғланмайди. Улар матнда якка ва такрор ҳолда келиши мумкин. Ёдгорликда ундовлар жуда кам қўлланилган, улар ҳаяжон, ҳис-туйғу, кишининг турли кечинмаларини англатиш учун хизмат қилган. Қиссада қайд этилган 6 та ундовнинг айримлари сўзловчининг тингловчига мурожаати, хитоб қилиш, фикрни жалб этиш каби маъноларни ифодалайди: эй, йā, ҳай.

Асарда яна бир гуруҳ ундовлар учрайдики, улар сўзловчининг ҳис-ҳаяжони, таажжубланиши, ифодаланиши сингари маъноларни билдиради: āҳ, вāй, йā.

Ҳар қандай тил ўз ривожланиши мобайнида турли босқичларни босиб ўтади. Бунинг оқибатида тилнинг луғат таркиби ва грамматик қурилишида муайян ўзгаришлар юзага келади. Ҳар бир давр учун асос лексика, грамматик воситалар, адабий меъёрлар мавжуд бўлади. Халқ тарихининг ҳамма босқичларини ўзида акс эттирадиган соҳа лексикадир. Чунки тилнинг ҳаракатчан қисми лексика саналади. Шу нуқтаи назардан, “Қисаси Рабғузий” лексикасини статистик жиҳатдан ўрганиш натижалари асарда барча сўз туркумларига хос атамалар қўлланилганлигини кўрсатди. Бундан ташқари, ёдгорликда истеъмолда бўлган лексемаларнинг аксариятини туркий сўзлар ташкил этиб, шунингдек, араб, форс-тожик, қадимги яҳудий, юнон, санскрит, хитой, суғд тилларидан ўзлашган сўзлар ҳам маълум ўринни эгаллаган. Бу эса, ўз навбатида, сўз туркумларининг қадимийлигидан дарак бериш билан бирга, ёдnoма тилининг ранг-баранглигини таъминлаган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# II БОБ. «ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ» АСАРИ ЛЕКСИКАСИНИНГ МАВЗУИЙ ГУРУҲЛАР БЎЙИЧА ТАДҚИҚИ

Тил кишиларнинг турли фаолияти, жамият тараққиёти билан бевосита алоқадорлиги учун ҳам унинг луғат таркиби узлуксиз ўзгариб туради. Чунки кишиларнинг муҳим алоқа воситаси ҳисобланган тил янги сўзлар билан бойиб турмаса, жамиятдаги ўзгаришлар ва янгиланишларни акс эттиролмай қолади. Шундай экан, ҳар бир тилнинг лексик состави шундай хазинадирки, унда шу халқ тарихига оид қимматбаҳо маълумотлар сақланади. Халқнинг келиб чиқиши, ҳаёти ва маданияти, моддий-маънавий бойликлари, умуминсоний маданиятни такомиллаштиришдаги роли лексикада ўз ифодасини топади[1].

Маълумки, ўзбек тили лексикаси ўзига хос тарихий босқичларни босиб ўтган. Ҳозир тилимизда қўлланаётган ҳар бир сўз пайдо бўлиш вақти, турли вазифаларни бажариши, хилма-хил ўзгариш ва янгиликларни қабул қилиш хусусиятига кўра муайян тарихга эга. Ушбу сўзларнинг бир қисми қадимда турмуш талабларига мувофиқ, янги сўзлар ясашга замин бўлган. Маълум қисми эса, анча кейин юзага келган ва тилда муқим ўрин тутган[2].

Бу эса, ўз навбатида, лексикани тарихий (диахрон), яъни ёзма ёдгорликлар асосида ўрганиш зарурлигини кўрсатади. Зеро, ҳар бир адабий тилнинг ҳозирги ҳолатини тўғри белгилаш ва унинг тараққиёт йўлларини аниқлашда тил тарихини атрофлича тадқиқ этиш катта аҳамият касб этади.

---

[1] Турсунова Т. Ўзбек тили амалий санъат лексикаси. –Т.: Фан, 1978. –Б. 3.

[2] Муталлибов С. Морофология ва лексика тарихидан қисқача очерк. –Т.: Фан, 1959. –Б. 133-134.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёзма манбалар тилини ўрганиш лексикологиянинг назарий қоидаларини асослашга ёрдам беради, мазкур тилда сўзлашувчи халқнинг бошқа халқлар билан ўзаро алоқа, муносабатларини белгилаш ва баҳолашда муҳим воситалардан бири саналади. Лексика тилнинг бошқа соҳаларига нисбатан турли ички ва ташқи таъсирларни ўзида мужассам этгани боис, халқнинг маданий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгариш ва ўсишни аниқлашга кўмаклашади[3]. Шу маънода, тилнинг тарихий ривожланиш жараёни ва луғат бойлигини ўрганишнинг кенг тарқалган усулларидан бири тилдаги сўзларни мавзуий гуруҳларга ажратиб таҳлил қилишдир. Манбаларда истифода этилган сўзларнинг қайси соҳа тармоқларига оидлигини аниқлаш нафақат тилшунослик, балки бошқа фанлар учун ҳам қимматли маълумот беради. Шунингдек, ёзма ёдномалар тилидаги лексемаларни мавзуий жиҳатдан гуруҳлаштириш асар яратилган давр халқларининг маънавияти, ҳуқуқий савияси, қўшни ва қардош халқлар билан олиб борган ҳамкорлик муносабатлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имкониятини беради[4].

Сўзларни мавзуий гуруҳларга жамлаш тилнинг ички қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда эмас, кўпроқ ташқи белгилари орқали амалга оширилади. Бунда сўзнинг маъносини белгилашда унинг қайси туркумдаги предметга алоқадорлиги етакчи ўрин тутади. Бу жиҳатдан сўзларни мавзуий гуруҳларга ажратиш лексемаларни лексик-семантик гуруҳларга

---

[3] Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. –Т.: Фан, 1983. –Б. 3.

[4] Абдулхайров М. "Девони Мунис" тилининг лексик қатламлари. Филол. фан. ном. диссер. автореф.–Т.: 1996. –Б. 16.



www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб ўрганиш усулидан фарқ қилади ва у ўзида тилнинг специфик муносабатларини гавдалантирмайди.[5]

Сўзларни мавзуий гуруҳларга ажратиш муайян халқ тилида қайси соҳаларга оид лексиканинг бой ёки камбағаллигини белгилашга ёрдамлашади. Ўз ва ўзлашган қатлам лексикасини мавзуий гуруҳларга бўлиш ва уларни қиёсий ўрганиш тилимизнинг ўз қатламида қандай соҳаларга оид сўзлар сақланиб турганини, қайси соҳаларга доир лексемалар тарихан истеъмолдан чиқиб кетгани ва улар ўрнини ўзлашган сўзлар эгаллаганини аниқлашга йўл очади. Айни пайтда, халқнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, маданий турмуши, диний қарашларига оид маълумотлар сўзнинг мавзуий гуруҳларида ўзининг яққол ифодасини топади. Демак, лексемаларни мавзуий гуруҳларга ажратиб тадқиқ этиш тилнинг халқ ҳаёти билан боғлиқ томонларини ёритиш учун хизмат қилади.[6]

Туркология ва ўзбек тилшунослигида туркий тиллар лексикасини мавзуий гуруҳларга бўлиб таҳлил қилиш борасида Ф.Исхаков, И.Исмоилов, Ц.Номинханов, Д.Бозорова, Б.Бафоев, Э.Бегматов, И.Носиров, Ҳ.Дадабоев, М.Абдулхайров, З.Холмонова сингари турколог ва тилшунослар томонидан турли тадқиқотлар амалга оширилган[7]. Мавжуд тажрибага таянган

---

[5] Гольдин В.Е. Об одном аспекте изучения тематических групп слов. В сб.: Язык и общество. Вып. 2. –М.: 1970. –С. 163.

[6] Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Т.: Фан, 1985. –Б. 121.

[7] Исхаков Ф. Наблюдения по лексике в области прилагательных в тюркских языках. –В сб.: Историческое развитие лексики тюркских языков. –М.: 1961; Исмоилов И. Туркий тилларда қавм-қариндошлик терминлари. –Т.: Фан, 196 6. –150б.; Номинханов Ц. Исследования по тюркским и монгольским языкам. АДД. –Алма-Ата, 1966; Базарова Д. История формирования и развития зоологической терминологии узбекского



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳолда «Қисаси Рабғузий» лексикасини мавзуий гуруҳлар бўйича ўрганишга ҳаракат қилдик. Кузатишларимиз обида тилида қуйидаги мавзуий гуруҳлар қайд этилганлигини кўрсатди.

**I. Антропонимлар**[8]. Ёдномада мазкур гуруҳга кирувчи антропонимлар, ўз навбатида, лексик-семантик хусусиятларига кўра қуйидаги гуруҳларга тақсимланади:

*1. Диний антропонимлар:*

а) Тангри ва унинг сифатларини ифодаловчи сўзлар: Аллāҳ, Тāңри, Худā, Уған, Изи, Мавлā, Раб, Илāҳ;

б) Аллоҳнинг исмлари: Хāлиқ – «Яратувчи», Жаббāр – «Ислоҳ этувчи», Самад – «Ҳожатбарор», Алийм – «Билувчи», Аҳад – «Ягона», Жалāл– «Улуғ», Раҳмāн-«Раҳмли»;

в) илоҳий китоблар номи: Калāмуллāҳ, Қур'āн, Фурқāн, Мусҳаф, Инжил, Таврāт, Забур.

г) пайғамбарлар исми: Шис, Нуҳ, Ибрāҳим, Исā, Мусā, Зулкифл, Йунус, Йусуф, Закариййā;

---

языка. –Т.: Фан, 1978. – 223 с.; Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. –Т.: Фан, 1983. –157 б.; Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Т.: Фан, 1985. –200 б.; Насыров И. Лексики «Маджалис ан-нафаис» Алишера Навои//Проблемы лексики староузбекского языка. –Т.: Фан, 1990. –С. 87-140; Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. –Т.: Ёзувчи, 1991. –186 с.; Абдулхайров М. «Девони Мунис» тилининг лексик қатламлари. Филол. фан. ном. дис. -Т.: 1996. –122 б.; Холмонова З. «Бобурнома» лексикаси. –Т.: Фан, 2007. – 176 б.ва ҳ.к.

[8] Ҳусанов Н. XV аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. I китоб. –Т.: Ёзувчи, 1996. –125 б.; II китоб. –Т.: Ёзувчи, 1997. –134 б.; Бегматов Э. Ўзбек исмлари маъноси. –Т.: Ўзбек миллий энциклопедияси. 2007. – 608 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

д) пайғамбарларнинг авлод-аждодлари исми: Қā̄бил, Йāфас, Сāм, Ҳāм, Сāра, Ҳāжар, Āзар, Марйам;

е) пайғамбар (С.А.В.) авлод-аждодлари исми: Абдуллāҳ, Амина, Фāтима, Зайнаб, Āйша, Абу Тāлиб, Ҳамза, Ибрāҳим, Ҳадича;

ё) халифалар исми: Абу Бакр, Али, Умар, Усмāн, Ҳасан, Ҳусайн;

ж) авлиёлар исми: Хизр, Луқмāни ҳаким;

з) фариштaлар исми: Азрāил, Жабрāил, Мэкāил, Исрāфил, Сарсабил;

и) саҳобалар исми: Абу Айуб Ансāрий, Абу Дардā, Абу Зарр Ғаффāрий, Ҳузайфа ал-Йаманий, Ибн Аббāс, Имāм Қатāда;

й) муфассирлар исми: Са'ид ибн Жубайр, Мужāҳид, Мавлāнā Мажидуддин Андагāний, Имāм Муқāтил;

к) муҳаддислар исми: Суфйāн, Ша'бий, Абу Ҳурайрā, Муҳаммад ибн Исҳāқ.

*2. Тарихий шахслар исми:*

а) ҳукмдорлар исми: Абдуллāҳ Зийāд – «Куфа ҳокими», Бухти Наср – «Бобил ҳукмдори», Дāдбāна – «Шом вилоятининг ҳокими», Дақиāнус – «юнонлик бутпараст шоҳ», Ҳанда Ибн Умар – «Ҳижоз ҳукмдори»;

б) саркарда, лашкарбошилар исми: Хāлид Ибн Валид – «Машҳур лашкарбоши», Абраҳа ибн Исрам ибн Абраҳа Сабāҳ – «Яман ҳукмдори Асмонинг қўмондони», Суфйāн ибн Ҳарб – «салама қабиласига мансуб лашкарбоши», Ҳарр ибн Йазид ар-Райāҳин – Абдуллāҳ – «Зиёднинг лашкарбошиси»;

в) савдогарлар исми: Абдураҳмāн ибн Авф, Абу Суфйāн, Мāлик ибн За'р, Са'д ибн Ваққāс;

г) оддий халқ вакиллари исми: Ҳалима – «Пайғамбаримизни боққан аёл», Қанбар – «Алининг қули»,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳилāл Ибн Нāри' – «Ҳусайннинг сафдоши», Мубашшара – «Яъқуб пайғамбарнинг хизматкори»;

д) маънавият ихлосмандлари, ижод аҳли исми: Шайх Сақиқ, Абу Исҳāқ Нишāпурий, Нāсир Рабғузий, Имāм Калбий.

*3. Сифат, лақаб ва тахаллуслар:* Забиҳуллāҳ – «Исмоил пайғамбарнинг сифати», Āтиқ – «Абу Бакрнинг тахаллуси», Абу Салама – «Мас'уд ас-Сақафий номли саҳобанинг лақаби», Ҳайдар – «Али ибн Абу Толибнинг лақаби», Ҳибатуллāҳ – «Шис пайғамбарнинг сифати».

*4. Ҳайвонларга қўйилган махсус исмлар:* Қитмир – «ит номи», Мандар – «чумоли номи», Ра'да – «Лут пайғамбар туяси», Қāваш – «дев номи», Вайна – «Лут пайғамбарнинг кўппаги».

*5. Бутлар номи:* Лāт – «Маккадаги бут номи», Машҳур – "муътафикот қавмининг бути", Саржāн – "асҳабул фил қиссасида қайд этилган бут", Ҳабул– «Каъбадаги бут номи», Йабад – «муътафикот қавмининг бути».

**II. Шахс тушунчасини ифодаловчи сўзлар:** адам-«инсон», киши-«одам», ким-«ким», дост-«дўст», йар – «дўст», душман-«ғаним», ким эрсă-«кимдир», ортақ-«ўртоқ».

**III. Инсон ва унинг тана аъзолари номлари:** эрин – «лаб», айа – «кафт», бэл-«бел», эӊ – «ёноқ», эрнăк – «бармоқ», эйăгў – «қовурға суяги», қафа – «бош», ил//илиг – «қўл», қарақ – «кўз қорачиғи», қары//қарыш-«қарич».

**IV. Қавм-қариндошлик, яқинлик маъноларини англатувчи сўзлар ўз навбатида кичик мавзуий гуруҳларга тақсимланади**[9]**:**

---

[9] Покровская Л.А. Термины родства в тюркских языках//Историческое развитие лексики тюркских языков. –М.: 1961. –С. 4-35.; Исмоилов И. Туркий тилларда қавм-қариндошлик терминлари. –Т.: Фан, 1966. –150 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1) умумий тарзда «қариндош» тушунчасини билдирувчи лексемалар: қардаш//қарындаш, қавм – «уруғ, аймоқ», қайаш – «қариндош», насл-«авлод», уруғ-«уруғ», оғуш – «қариндош»;

2) қариндошлик тушунчасини индивудуал тарзда ифодаловчи сўзлар: āбā – «ота», аға - «ака», амму-зāда – «амакининг ўғли», ана-«она», амма-«амма», ини-«ука», хāла-«хола», жади – «бобо»;

3) яқинлик тушунчасини билдирувчи лексемалар: дāйа – «энага», эмикдаш-«эмикдош», энäгä-«доя»;

**V. Ёш тушунчаси билан алоқадор лексемалар:** йаш-«ёш», йигит-«йигит», абушқа – «кекса, қари», қарт – «кекса», қары-«кекса», қуртға-«кампир».

**VI. Жинсий тафовут тушунчаларини англатувчи сўзлар:** эр-«эркак», эвлўк – «хотин», қыз-«қиз», оғул-«ўғил», айғыр-«айғир», бийа-«бия», эчки-«эчки», тäкä-«така».

**VII. Инсон қўли билан яратилган нарса-предметлар номи:** а) асбоб-ускуналар номи: балта-«болта», бычақ – «пичоқ», игнä-«игна», йып – «ип», қазуқ-«қозиқ», қамчы-«қамчи», орғақ – «ўроқ», тайақ-«таёқ»;

б) кийим-кечак, газлама, зебу зийнатлар ва улар билан боғлиқ тушунчалар: чаруқ – «чориқ, оёқ кийими», кöңлäк – «кўйлак», этäк-«этак», тон-«тўн, кийим», йақа-«ёқа», ысырға – «сирға», йўзўк – «узук», этўк – «этик», ағы – «ипак мато», қала – «газлама номи»;

в) инсон фаолияти маҳсули бўлган бошқа хил предметлар номи: бойағ-«бўёқ», йипäк – «ипак», йол-«йўл», кэмä-«кема», кöпрўг – «кўприк», қузуғ – «қудуқ», тэгирмäн-«тегирмон»;

г) уй-рўзғор буюмлари номи[10]: бэшик-«бешик»,

---

Исмоилов И. ва бошқалар. Ўрта Осиё ва Қозоғистон туркий тиллар лексикасидан (полиз экинлари, мевали дарахт номлари ва уй-рўзғор буюмлари лексикаси материаллари асосида). –Т.: Фан, 1990. – 258 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қазан-«қозон», идиш-«идиш», пийала-«пиёла», йастуқ-«ёстиқ», кийиз-«кигиз», көзгӯ – «ойна», отун-«ўтин», арғамчы – «арқон»;

д) уй-жой тушунчаси билан алоқадор лексемалар: эшик-«эшик», эв –«уй», отағ – «ўтов, чодир», тахта-«тахта», там-«том», дарвāза-«дарвоза», āҳак-«оҳак», бинā-«бино», кäрпич – «ғишт», айвāн-«айвон».

**VIII. Озиқ-овқат ва ичимликлар номи:** эт – «гўшт», этмäк – «нон», аш -«овқат», чағыр – «шароб», сув-«сув», хамр – «шароб», сут-«сут», шарāб-«шароб», кöмäч – «чўғда пиширилган нон», ун-«ун».

**IX. Касб-ҳунар номлари**[11]**:** авчы-«овчи», зындāнчы-«зиндонбон», ашчы– «ошпаз», балықчы-«балиқчи», йығаччы – «дурадгор», этмäкчи – «новвой», тэмӯрчи-«темирчи», бöзчи – «тўқувчи», қойчы – «чўпон».

**X. Этнонимлар**[12]**:** исрāил – «Яъқуб пайғамбар қавми», араб-«араб», жуҳуд-«яҳудий», сурйāний-«сурияликларга оид», моғул-«муғул», тāжик-«тожик», тӯрк-«турк», хавāзн – «араб қабиласи», қурайш – «қабила номи», сарт – «ўтроқ аҳоли».

**XI. Тиббиётга оид тушунчалар ва нуқсонларни ифодалайдиган сўзлар**[13]**:** отачы-«табиб», табиб-«доктор», ақсақ-«оқсоқ», заҳм-«яра, жароҳат», йара-«яра», тэлб(w)ä-«телба», васваса-«васваса», баш – «яра», хунаса-«хунаса», ағын – «сақов, гунг», қарағу – «сўқир».

**XII. Мусиқа асбоблари ва куй билан боғлиқ лексемалар:** даф – «доира», кӯмрӯт//кӯврӯт – «ноғора», табл –

---

[11] Ибрагимов С. Профессиональная лексика узбекского языка (на материалах ферганских говоров) АДД. –Л.: 1961.

[12] Қаранг: Кармышева Б.Х. Следы средневековых этнонимов и антропонимов в узбекских теологиях//Ономастика Средней Азии. Фрунзе. 1978. –С. 18-28.

[13] Қаранг: Ҳусанов А. Названия болезней и их симптомов в узбекском языке. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Т.: 1982. –16 с.



www.ziyouz.com kutubxonasi

«ноғора», сур – «сурнай», нафир – «карнай», най-«най», нāғāра-«ноғора», нāла-«хониш», танбур-«танбур».

**XIII. Мавҳум тушунчалар:** йазуқ-«гуноҳ», гунāҳ-«гуноҳ», ҳунар-«ҳунар», тўш-«туш», āброй-«обрў», āрзу-«орзу», мэҳр-«меҳр», қаҳр-«қаҳр», бахт-«бахт», эс-«ақл».

**XIV. Ижтимоий-сиёсий лексемалар[14]:**

1) маъмурий-ҳудудий бўлинишни ифодаловчи сўзлар: мамлакат-«мамлакат», вилāйат-«вилоят», кэнт-«шаҳар», эл-«эл», мулк-«давлат», шаҳар-«шаҳар», бозун – «халқ», миллат-«миллат», шаҳристāн-«катта шаҳар», эл кўн– «халқ»;

2) маъмурий-сиёсий тартиб тушунчасини билдирувчи лексемалар: сарай-«сарой», кэңāш-«машварат», йарлығ – «буйруқ», фармāн-«фармон», ҳукм-«ҳукм», муҳр-«муҳр», тамға-«тамға», нишāн-«нишон»;

3) жиноят ва уларга чора кўриш билан боғлиқ сўзлар: қазы-«қози», фитна-«фитна», оғры-«ўғри», фāсық-«фосиқ», фасāд-«фасод», қын – «жазо», жазā-«жазо», қисāс – «ўч», öч-«ўч», зиндāн-«зиндон», йарғу – «ажрим, қарор», йарғучы – «судья»;

4) мансаб-мартабани билдирувчи лексемалар:

а) давлат ҳокимиятидаги мансаблар: малик-«подшо», пāдшāҳ-«подшо», шāҳ-«шоҳ», султāн-«султон», хан-«хон», ҳāжиб-«эшик оғаси», ынағ-«маслаҳатчи», вāлий – «ҳоким», вазир-«вазир»;

б) диний мансаблар: имāм-«имом», шайх-«шайх», хатиб-«хутба айтувчи», имāматлық-«имоматлик», халифа-«халифа», кāҳин-«сеҳргар», нāиб-«ўринбосар», муаззин-«азон айтувчи».

5) мулкдорлар ва оддий табақа вакилларини анг-

---

[14] Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. –Т.: Ёзувчи, 1991. –168 с.



www.ziyouz.com kutubxonasi

латувчи сўзлар: бай-«бой», мāллығ-«мулкдор», чығай – «камбағал», мāлсыз – «камбағал», фақир-«фақир», тилāнчи-«тиланчи», тапуғчы – «хизматкор», қарабаш – «жория», мискин-«камбағал», қырқын – «чўри».

б) инъом-эҳсон тушунчасини ифодаловчи лексемалар: сойурғал-«совға», ҳадийа-«ҳадя», ата-«бағишлаш», бöлāк – «ҳадя», садақа-«садақа», исāр – «инъом».

**XV. Савдо ва пул муносабатлари билан алоқадор тушунчалар:**

а) савдо карвонлари ва улар билан боғлиқ сўзлар: арқыш – «карвон», карāвāн-«карвон», қāфила – «савдо карвони», рабāт-«карвонсарой»;

б) турли савдо ва молия амалиёти номи: сатығ-«савдо», тижāрат-«савдогарлик», савдā-«савдо», асығ – «фойда», фāйда-«фойда», зийāн-«зиён», бöрч – «қарз», аманат-«омонат», зарар-«зарар»;

в) савдо идоралари ва жойлари ҳамда улар билан алоқадор лексемалар: тавар-«товар», мāл-«мол,товар», бāзāр-«бозор», баҳā-«баҳо», нарх-«нарх», ағыр – «қиммат», анбāр – «омбор», докāн-«дўкон», учуз – «арзон»;

г) савдо билан шуғулланувчи шахсларни билдирувчи лексемалар: сатығчы – «сотувчи, савдогар», бāзиргāн-«савдогар», шэрик-«ҳамкор», алғучы – «харидор», даллāл-«даллол»;

д) пул бирликлари ва тўлов турларини ифодаловчи лексемалар: йармақ– «пул», бақыр – «мис», дирам-«кумуш танга», пул-«пул», алтун-«олтин», кўмўш-«кумуш», ағры – «дирҳам, ақча».

**XVI. Дипломатик лексика:** элчи-«элчи», қāсид – «чопар, хабарчи», мунāди – «жарчи, удайчи», савчы-«элчи, хабарчи», сав – «сўз», сулҳ-«сулҳ», хабар-«хабар», сöз-«сўз», йанут – «жавоб», жавāб-«жавоб».

**XVII. Солиқ ва бож тушунчаларини англатувчи сўзлар:** харāж-«хирож», закāт-«закот», жизйа-«солиқ тури», улуш-«улуш», насиб – «улуш», ушр-«ўндан бир».



www.ziyouz.com kutubxonasi

**XVIII. Ҳарбий лексика**[15]:

а) ҳарбий ҳаракатларда иштирок этувчи шахс тушунчасини билдирувчи терминлар: бэк-«бек», амирал му'минин-«мусулмонлар амири», башлық-«бошлиқ», сақчы-«соқчи» қаравул-«айғоқчи», қапуғчы – «дарвозабон», қулавуз – «йўл бошловчи», башчы – «бошлиқ», сақлағувчы – «соқчи»;

б) қўшин турлари, ҳарбий қисм, бўлинмаларни билдирувчи сўзлар: чэрик – «қўшин», лашкар-«қўшин», атлығ – «суворий», йайағ – «пиёда», йағы– «душман», душман-«ғаним», уруш-«жанг», мухāлиф-«ғаним, душман», ҳарб-«жанг», тоқуш-«уруш», санчыш-«уруш»;

в) қурол-яроғ тушунчасини англатувчи лексемалар: сипāҳ – «қуролланган қўшин», йарағ//йарақ – «қурол», қалқан-«қалқон», қылыч-«қилич», ханжар-«ханжар», сўңў –«найза», оқ-«ўқ», тоқмақ-«тўқмоқ», йарық– «совут»;

г) ҳарбий иншоотлар номини ифодаловчи сўзлар: қорған-«қўрғон», қал'а-«қалъа», кўңўрä – «қубба», сарҳ – «қаср», бусуғ – «пистирма».

**XIX. Китобатчилик терминлари**[16]:

1) қўлёзма турларини ифодаловчи лексемалар: китāб-«китоб», китāбат-«кўчириб ёзиш», битик-«ёзув», тафсир-«шарҳ», нāма-«мактуб», насх-«арабча ёзув тури», дафтар-«дафтар», хат-«мактуб»;

2) ёзув ашёларини билдирувчи терминлар: қағаз – «қоғоз», қалам-«қалам», хāма – «қалам», давāт – «ёзиш учун сиёҳ солинадиган идиш»;

---

[15] Дадабаев Х. Военная лексика в староузбекском языке//Дадабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы староузбекского языка. –Т.: Фан, 1990. –С. 7-80.

[16] Йўлдошев И. Ўзбек китобатчилик терминологияси. –Т.: Фан, -212 б./.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3) китобатчилик билан шуғулланувчи шахслар номи ва уларнинг фаолиятига доир сўзлар: битигчи – «котиб», лавҳа-«ёзув тахтаси», наққāш-«наққош».

**XX. Географик объект тушунчасини ифодаловчи лексемалар**[17]: сол-«чап», оң-«ўнг», мағриб-«ғарб», машрық-«шарқ», жануб-«жануб», шимāл-«шимол», кўн батар – «ғарб», кўн туғар – «шарқ», отлақ-«ўтлоқ», дара-«жарлик», қузуғ//қубуғ – «қудуқ», тағ-«тоғ», арық-«ариқ», чашма-«булоқ», кӧл-«кўл».

**XXI. Топонимлар**[18]:

*1) макротопонимлар:*

а) мамлакат номлари: Хитāй, Ҳиндустāн, Ирāқ, Йаман, Фаластин;

б) вилоят номлари: Ма'риб – «Сабодаги вилоятлардан бири», Бāрс – «вилоят номи»;

в) шаҳар номлари: Басра – «Ироқдаги шаҳар», Балх-«Хуросондаги шаҳар», Антāкийа – «Суриянинг шимолидаги шаҳар», Куфа—«Ироқдаги шаҳар», Саба-«Жанубий Арабистондаги шаҳар», Байт ул-Муқаддас – «Фаластиндаги шаҳар»;

*2) микротопонимлар:*

а) оронимлар: Арафāт – «Маккадаги тоғ», Жидда – «Арабистондаги тоғ», Тур–«Фаластиндаги тоғ», Уҳуд – «Мадинадаги тоғ», Сарандиб – «Ҳиндистондаги тоғ»;

б) гидронимлар: Кавсар – «жаннатдаги ҳовуз», Арума – «қудуқ номи», Нил – «Мисрдаги дарё», Тар-Баҳриййа – «денгиз номи», Замзам – « жаннатдаги қудуқ номи»;

---

[17] Машрапов Р., Қораев С. Ўзбек географик терминологиясининг манбалари//Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари. –Т.: Фан, 1986. –Б. 93-94.

[18] Қараев С. Опыт изучения топонимов Узбекистана. АКД. –Т.: 1969; Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. Ўзбекистоннинг жанубий районлари. –Т.: Ўқитувчи, 1988. –290 б.; Холмуминов Х. Бойсун ноҳияси ва унинг атроф ҳудудлари микротопонимлари. Филол. фан. ном. дис. –Т.: 1993. –186 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

в) дромонимлар: Даҳна – «Арабистондаги чўл», Тих – «чўл номи», Ҳудайбиййа – «водий номи», Карбалā – «Ироқдаги дашт номи», Ҳайбар – «воҳа номи»;

г) масжид номлари: Масжидул Ҳарāм-«Маккадаги Каъба ибодатхонаси», Масжиди Муаззам-«Каъбаи шариф», Масжиди Ақсā-«Қуддус шаҳридаги масжид».

**XXII. Фитонимлар**[19]**:**

1) полиз экинлари: нахуд – «нўхат», қағун – «қовун», харпуз – «тарвуз», соған – «пиёз».

2) донли экинлар номи: буғдай-«буғдой», тарық – «тариқ, дон», арпа-«арпа», боғуз – «дон».

3) дарахтлар номи: алма-«олма», армуд – «нок», бāдāм-«бодом», айва – «беҳи», хурмā-«хурмо», тэрäк-«терак», тут-«тут», ўзўм-«узум», тал-«тол»;

4) ўсимликлар номи: чэчак-«гул», қамыш-«қамич», от-«ўт», тикäн-«тикон», йулғун-«юлғун», йасмуқ – «дуккакли ўсимлик», набāт-«ўсимлик».

**XXIII. Зоонимлар**[20]**:**

а) йиртқич ҳайвонлар номи: мўшўк-«мушук», ит-«ит», арслан-«шер», барс-«барс», бöри-«бўри», қаплан-«қоплон», ас – «сувсар», шағал – «чиябўри»;

б) туёқли ҳайвонлар номи: ат-«от», боғра – «эркак туя», қой-«қўй», қысрақ – «урғочи от», сағлық – «совлиқ», уз//уй-«сигир»;

в) кемирувчи ҳайвонлар номи: сычған-«сичқон», тийиӊ-«олмахон», тавушқан-«қуён»;

---

[19] Неъматова Г. Ўзбек тилида ўсимлик номлари лексемалари: тизими ва қўлланилиши. Филол. фан. ном. дис. автореф. –Т., 1998. -21 б.

[20] Щербак А. Названия домашних и диких животных в тюркских языках//Историческое развитие лексики тюркских языков. –М.: Акад. наук. СССР, 1961. –С. 82-150; Абдушукуров Б. XI-XIV аср туркий ёзма манбалар тилидаги зоонимлар. Филол. фан. ном. дис. –Т.: 1998. – 207 б.


www.ziyouz.com kutubxonasi

г) қушлар номи: булбул-«булбул», чыпчуқ – «чумчуқ», қарға-«қарға», қарлуғач – «қалдирғоч», қаз – «ғоз», кабутар-«каптар», қырғавул-«қирғовул»;

д) ҳашаротлар номи: ары-«асалари», қарынча – «чумоли», қумурсқа-«қумурсқа», сиңäк-«пашша», чибин-«чибин», кäлäбäк-«капалак», кўйä-«куя», чэкўргä-«чигиртка»;

е) судралиб юрувчи ва ўргимчаксимонларга мансуб жониворлар номи: йылан-«илон», кäлäз – «калтакесак», öрўмчäк-«ўргимчак», чызан – «чаён»;

ё) сувда яшовчи жониворлар номи: балық-«балиқ», қундуз-«сув ити», бақа-«бақа».

**XXIV. Теонимлар**[21] **:**

1) «фаришта» тушунчаси билан алоқадор лексемалар: малак-«фаришта», фаришта-«фаришта», фаришталик-«фаришталик», малāик-«фаришталар», малакут-«фаришталар олами»;

2) «пайғамбар» тушунчасини англатувчи сўзлар: йалавач-«пайғамбар», савчы-«пайғамбар», пайғамбар-«элчи», мурсал-«пайғамбар», набий-«элчи», расул-«пайғамбар», нубувват-«пайғамбарлик», йалавачлық–«пайғамбарлик»;

3) исломда фарз қилинган амаллар номи: намāз-«намоз», роза-«рўза», закāт-«закот», ҳаж-«ҳаж», таҳāрат-«таҳорат»;

4) намоз номи ва у билан боғлиқ сўзлар: таң намāзы – «бомдод номози», экиндў намāзы – «пешин намози», намāз-и дигар – «аср намози», улан намāзы – «шом намози», йатсық намāзы – «ҳуфтон намози», āдина намāзы – «жума намози», қибла-«Макка шаҳри томон», руку'-« намозда бош эгиб, икки букилиш», салāт-«ибодат», сажда-«намозда бир бор эгилиш»;

---

[21] Содиқов Қ. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. –Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2006. –Б. 207.


www.ziyouz.com kutubxonasi

5) ибодат ва у билан шуғулланувчи шахс тушунчаларини ифодаловчи терминлар: тапуғ – «ибодат», тāат-«итоат қилиш», ибāдат-«топиниш», āбид-«ибодат қилувчи», қул-«итоаткор», банда-«қул», му'мин-«эътиқод қилувчи» мусулмāн – «ислом динидаги киши»;

6) жаннат, дўзах ҳамда улар билан алоқадор тушунчаларни билдирувчи лексемалар: учмах – «жаннат», биҳишт – «жаннат», жаннат-«жаннат», тамуғ – «дўзах», дозах-«дўзах», ҳур – «жаннат қизлари», ғилмāн – «жаннатдаги эркак қуллар», руҳ-«руҳ»;

7) Қуръони Карим суралари номи: сура-« Қуръоннинг боби», суратул= аср-«аср сураси», суратул=бақара-«бақара сураси», суратул=анфāл-«анфол сураси», суратул =ихлāс-«ихлос сураси», суратул= ан'āм-«анъом сураси»;

8) «тақдир» ва «қиёмат» тушунчаларини англатувчи теонимлар: тақдир-«пешонадан кўриш», қазā-«бирор воқеанинг юзага келиши», уқбā-«охират», āхират-«нариги дунё», қийāмат-«қайта тирилиш куни», āхираз-замāн-«дунёнинг тугаши»;

9) Пайғамбаримизнинг кўрсатмалари, амаллари ва яқинларини ифодаловчи терминлар: ҳадис – «Пайғамбаримизнинг сўзлари, айтганлари», суннат-«Пайғамбаримиз тутган йўл», саййид-«Пайғамбаримизнинг авлоди», саҳāба-«Пайғамбаримизнинг сафдоши», ансāрий-«исломни қабул қилган мадиналик»;

10) исломда қайтарилган амаллар ҳамда адашган шахс тушунчасини англатувчи лексемалар: ҳарāм-«шариатда тақиқланган нарса», кāфир-«ғайридин», бид'ат – «динга кейин қўшилган одат», ислāмсыз – «кофир», э'тиқāдсыз – «имонсиз», имāнсыз-«имонсиз», шайтāн-«иблис», мушрик-«шерик қилувчи», габр – «оташпараст».


www.ziyouz.com kutubxonasi

**XXV. Астропонимлар**[22]**:**

а) сайёралар номи: Йэр-«Ер», Кӧк-«Осмон», Оңай – «Муштарий», Кӧрӯд – «Марс», Йалчық – «Ой», Сӓкӓндиз – «Сатурн», Арзу – «Уторуд юлдузи», Нāҳид – «Зуҳра юлдузи», Йашық – «Қуёш», Сэвит-«Зуҳра юлдузи»;

б) юлдузлар номи: кавкаб – «юлдуз», нужум – «юлдузлар», вассаб-«Юсуф пайғамбарга тушида сажда қилган ўн бир юлдуздан бири», риāл-«Юсуф пайғамбарга тушида сажда қилган ўн бир юлдуздан бири» мусаббаҳ– «Юсуф пайғамбарга тушида сажда қилган ўн бир юлдуздан бири»;

в) буржлар номи: бурж-«бурж», Чайан – «Ақраб буржи», Қозы-«Ҳамал буржи», Кӧнӓк – «Далв буржи», Қучық – «Саратон буржи», Буғдай башы – «Сунбула буржи», укӓк – «бурж», Ӯлгӯ – «Тарози буржи», Балық – «Ҳут буржи», Оғлақ-«Жадий буржи».

**XXVI. Урф-одат ва байрамга доир тушунчалар номи:** той-«тўй», расм-«расм», тӧрӓ – «одат», āдат-«одат», Навроз-«наврўз», ийд-«байрам», дастур – «расм, одат», қāида-«қоида».

**XXVII. Жинслар, маъданлар номи:** таш-«тош», қурғашун-«қўрғошин», кӧмӯр-«кўмир», нэфт-«нефть», тэмӯр-«темир», тӯч – «бронза», рухāм – «мармар тош».

**XXVIII. Қимматбаҳо тошлар:** гавҳар-«қимматбаҳо тош», зумуруд-«зумрад», жавāҳир-«қимматбаҳо гавҳарлар», йақут-«ёқут», ақиқ – «қизил рангли қимматбаҳо тош».

---

[22] Дадабаев Х. Астрономические наименования в старотюркских письменных памятниках XI-XIV вв.//Историко-лингвистический анализ лексики старописьменных памятников. –Т.: Фан, 1994. –С. 32-43; Ҳамидов З. «Садди Искандарий» лексикасида самовий тимсоллар//Тилшуносликнинг долзарб масалалари. –Т.: Университет, 2002. –Б. 86-89.


www.ziyouz.com kutubxonasi

**XXIX. Табиат ҳодисалари номи:** булут-«булут», қар-«қор», йағмур-«ёмғир», йашин-«яшин», йаз – «баҳор», йай – «ёз», кўз-«куз», қыш-«қиш», йэл – «шамол».

**XXX. Вақт, замон тушунчаларини ифодаловчи сўзлар:** ай-«ой», йыл-«йил», кўн-«кун», душанба-«душанба», сэшанба-«сешанба», чаҳāршанба-«чоршанба», кэчä-«кеча», кўндўз-«кундуз», ағур – «замон, вақт», тўн-«тун», баҳман – «шамс йили ҳисобидаги ойларнинг ўн биринчиси».

**XXXI. Таълим ва тарбия билан алоқадор сўзлар:** та'лим-«таълим», тарбиййат-«тарбия», мактаб-«мактаб», устāд-«устоз», шāгирд-«шогирд», адаб– «тарбия».

**XXXII. Адабий терминлар:** ғазал-«ғазал», шэ'р-«шеър», шāир-«шоир», вазн-«вазн», байт-«икки мисра», қисса-«қисса», ҳикāйат-«ҳикоя».

**XXXIII. Хусусият ва белгини билдирувчи лексемалар:**

а) ижодий хусусият англатувчи сўзлар: кöни – «тўғри», эзгў-«яхши», йахшы-«яхши», тоғры-«тўғри», тинч-«тинч», āсāн – «қулай», рафи' – «юксак, буюк», тўлäк – «камтар»;

б) салбий хусусиятни ифодаловчи лексемалар: йавуз-«ёмон», йалған-«ёлғон», ағын – «ёмон», эссиз – «ёвуз», навкиса – «нокас», қайд – «макр», āдий – «ёмон киши», кāҳил – «дангаса»;

в) нарсанинг таъмини ифодаловчи терминлар: ачығ-«аччиқ», сўчўк-«чучук», татлығ-«тотли», ширин-«мазали», малиҳ – «ширин»;

г) нарсанинг ҳидини билдирувчи сўзлар: ис-«ҳид», сассық-«сассиқ», анбар – «хушбўй», йызығ – «ёмон ҳид», йызығлығ – «бадбўй»;

д) ранг-тусни англатувчи лексемалар: ал – «қизил», қула – «заъфарон», кöк-«кўк», сарығ-«сариқ», ўрўң – «оқ», йашыл-яшил;


www.ziyouz.com kutubxonasi

е) ҳароратни ифодаловчи сўзлар: ысығ-«иссиқ», савуқ-«совуқ», замҳарир – «совуқ»;

ё) тезликни англатувчи лексемалар: йорға-«йўрға», ақру – «секин», бāт – «тез», тäрк – «тез», дарҳäл-«дарров», тез-«тез»;

ж) ҳажм, ўлчов, жамликни билдирувчи сўзлар: кичик-«кичик», äдиз – «улуғ», андāза-«қолип, намуна», кэҥ,-«кенг» тар-«тор» йарым-«ярим», қалын-«қалин», йуфқа-«юпқа», бўтўн-«бутун»;

з) масофа хусусиятини ифодаловчи терминлар: йақын-«яқин», йавуқ-«яқин», узақ-«узоқ», йырақ-«узоқ», узун-«узун», қысқа-«қисқа», айрақ – «йироқ»;

и) ёруғлик, равшанлик хусусиятини билдирувчи сўзлар: йаруқ-«ёруғ», айдын-«ойдин», рушан-«равшан, ёруғ»;

й) муайян ҳолатни англатувчи лексемалар: йўҥўл – «енгил», ағыр-«оғир», йалғыз-«ёлғиз», аруқ-«ориқ», сэмўз-«семиз», қуруғ-«қуруқ», ҳöл-«ҳўл», йарунсы – «ёрти», йашурун-«яширин»,ағлағу – «нозик, юмшоқ».

**XXXIV. Рақамлар, миқдор ва ўлчовни ифодаловчи терминлар:** тоқуз-«тўққиз», тоқсан-«тўқсон», йэти йўз-«етти юз», тўмäн – «ўн минг», авуч – «ҳовуч», аршун – «ўлчов бирлиги», уч улушдын бири-«учдан бири», ситтун – «олтмиш», бир-ики, бирäр-бирäр, икäгу-«икковлон», онунч-«ўнинчи».

**XXXV. Ҳаракат ва фаолият, унинг хусусиятларини англатувчи лексемалар:**

а) объектив-нейтрал ҳаракат номлари: арт=-«артмоқ», бэр=-«бермоқ», бил=-«билмоқ», бар=-«бормоқ», бас=-«босмоқ», қол=-«илтижо қилмоқ», сал=-«салмоқ», эз=-«эзмоқ», излä=-«изламоқ», ишлä=-«ишламоқ»;

б) ижобий ҳаракат номларини билдирувчи сўзлар: бэзä=-«безамоқ», кўл=-«кулмоқ», сэв=-севмоқ, хуш-


www.ziyouz.com kutubxonasi

лан=-«хурсанд бўлмоқ», кэңӓш=-«маслаҳатлашмоқ», қуч=-«қучоқламоқ», öп=-«ўпмоқ», кӯвӓн=-«қувонмоқ»;

в) салбий ҳаракат англатувчи лексемалар: алда=-«алдамоқ», буз=-«бузмоқ», сол=-«сўлмоқ», қарға=-«қарғамоқ», сöк=-«сўкмоқ», йаманла=-«ёмонламоқ», булға=-«булғамоқ» йэр=-«айбламоқ», йалға=-«ёлғон гапирмоқ»;

г) руҳий ҳолат ва жараёнлар номи: бақыр=-«бақирмоқ», иңрӓ=-«инграмоқ», йығла=-«йиғламоқ», қорқ=-«қўрқмоқ», авун=-«овунмоқ», увтан=- «уялмоқ», ачығлан=-«жаҳли чиқмоқ», бушуқ= – «асабийлашмоқ».

Дарҳақиқат, тил сўз бойлигини диахрон аспектда ўрганиш нафақат тил фактларининг тараққий этиш усулларини аниқлаш, айни пайтда, уни яратган халқ тарихини тадқиқ қилиш учун ҳам алоҳида эътиборга молик. Демак, ҳар бир тилнинг тарихи шу тилга мансуб халқ ўтмиши билан боғлиқ. Халқ тарихида нимаики юз берса, у тилга озми-кўпми ўз таъсирини ўтказади. Бу, энг аввало, тилнинг луғат бойлигида намоён бўлади. Шу маънода, «Қисаси Рабғузий» асари лексикасини мавзуий гуруҳлар бўйича таҳлил қилиш натижасида обида тилида ўша давр халқининг турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий тараққиёти ўз аксини топганлиги аён бўлди. Қиссада ҳаётнинг деярли барча соҳаларига оид нарса-предмет, воқеа-ҳодисаларни ифодаловчи лексемалар учрайди. Бинобарин, сўзларни мавзуий гуруҳларга ажратиш тил лексикасини тизимли ўрганишнинг қулай усулларидан ҳисобланиб, лексемаларнинг келиб чиқишини аниқлашга, тилнинг тарихий ва замонавий ҳолатини баҳолашга, қолаверса, халқ тарихини атрофлича ёритишга кўмаклашади.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# III БОБ. «ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ» АСАРИ ЛЕКСИКАСИНИНГ ГЕНЕАЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Умумхалқ тилининг ривожланиши ҳамма вақт унинг бошқа тиллар билан ўзаро алоқаларининг кенгайиши билан боғлиқ ҳолда давом этади. Маълумки, бошқа чет тил унсурларининг кириб, ўзлашиб қолиши тарихий ва қонуний ҳодиса ҳисобланади. Мамлакатлар ва халқлар ўртасида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг яхшиланиши, айниқса, бир-бирига қўшни халқларнинг маданий алоқалари натижасида янги ғоялар, фикрлар, тушунчалар қабул қилинади. Бу тарихий жараён муайян халқ ёки тилнинг ўзига хос тараққий этишига, тил луғат таркибининг бойишига олиб келади[1]. Зеро, ўзаро алоқада бўлган халқларнинг тиллари бир-бирларига таъсир этиши, бир-бирини бойитиши учун хизмат қилиши, бундай ўзаро таъсир лексикада самарали кечиши маълум факт. Халқларнинг ўзаро алоқалари, тилларнинг бир-бирига таъсири турли давр ва шароитларда ўзига хос кўринишга эга бўлади. Бундай ўзаро таъсир айрим даврларда кучсиз даражада бўлса, бошқа бир даврда сезиларли ва самарали кечади. Шу билан бирга, баъзи вақтларда мазкур жараён стихияли тарзда рўй берса, уни маълум қонун-қоидалар асосида йўлга солиш, унга инсониятнинг фаол аралашуви талаб этилади[2].

Маълумки, тилнинг луғат таркиби мураккаб ривожланиш босқичларини босиб ўтган. Шу боис, тил

---

[1] Мухторов А., Санақулов У. Ўзбек адабий тили тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1995. –Б. 89-90.

[2] Ўзбек адабий тилининг тараққиёти. 3-жилд. Лексика. –Т.: Фан, 1991. –Б. 152.



www.ziyouz.com kutubxonasi

лексикасининг тарихий шаклланиш ва ривожланиш хусусиятларини билиш учун луғат таркибидаги сўзларни тарихий-этимологик нуқтаи назардан ўрганиш, уларни этимологик қатламларга ажратиш зарур. Бу, албатта, тил луғат таркибини илмий тушуниш, илмий таҳлил қилиш орқали амалга оширилади. Тил луғат таркибини тарихий-этимологик жиҳатдан, яъни сўзларнинг генетик манбаларига кўра тадқиқ этиш ўзбек тилининг қандай қардош ва ноқардош чет тиллар билан алоқада бўлгани, мазкур тилда қайси тилларнинг таъсири мавжудлигини аниқлашга кўмаклашади. Пировардида, бундай изланишлар ўзбек тили сўз бойлиги, грамматик қурилишининг тарихий йўлларини англашда ниҳоятда муҳимдир[3]. Бинобарин, тилнинг лексик таркибини генеологик манбаларига мувофиқ гуруҳлаш, илмий жиҳатдан таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга. Зеро, тилдаги лексик қатламларни лингвистик тадқиқ этиш лексик-семантик тараққиёт қонуниятларини белгилашда жуда муҳимдир. Зотан, лексика тарих, маданият, фан ва халқ ижтимоий-иқтисодий тараққиёти каби соҳалар билан ўзаро боғлиқ бўлиб, илмий таҳлилда уларни ҳисобга олмасдан туриб, сўз маъноларининг ўзгариш манбалари ва сабабларини аниқлаш мушкул[4].

Ўзбек тилшунослигида лексик қатламлар юзасидан бир неча илмий изланишлар олиб борилган бўлсада[5], «Қисаси Рабғузий» асари лексикаси генеологик жиҳатдан махсус ўрганилганича йўқ. Шунинг учун

---

[3] Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Т.: Фан, 1985. –Б. 54.

[4] Уфимцева А. Опыт изучения лексики как системы. –М.: Изд-во АН СССР, 1962. –С. 17.

[5] Мамажонова Г. Ўзбек тили лексикаси тараққиётининг баъзи



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам тадқиқотимизнинг ушбу бобида обида сўз бойлигининг генеалогик хусусиятларини ёритишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

## 3.1. Ўз қатлам

Тилнинг ўз қатлами ҳар бир тилнинг шаклланиш ва тараққиёт босқичларида ўз ички имкониятлари асосида юзага келган сўзлардан ташкил топади. Тилшуносликда лексиканинг ички имкониятлар ёрдамида ривожланишида қуйидаги ҳодисалар асосий омил саналади: 1) ички манбалар орқали сўз ясаш йўли билан лексиканинг бойиши; 2) эскирган, тарихий ва умуман эски обидаларда бўлган луғавий бирликлар асосида лексиканинг бойиши; 3) адабий тил лексикасининг диалектик сўзлар ҳисобига бойиши[6].

Ўз қатлам деганда аслан шу тилга тегишли бўлган лексемалар ва шулар асосидаги ясалишлар, шунингдек, ўз аффикс ёрдамида бошқа тиллардаги сўзлардан ҳосил қилинган лексемалар тушунилади[7]. Шунга кўра, «Қисаси Рабғузий»да қўлланилган ўз қатламга

---

масалалари. –Т.: Фан, 1978. 87 б; Б Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. –Т.: Фан, 1983. 157 б; Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Т.: Фан, 1985. 198 б.; Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. –Т.: Ёзувчи, 1991. 186 с.; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Қайта ишланган, тўлдирилган учинчи нашри. –Т.: Ўзбекистон, 1992. 399 б.; Холмонова З. «Бобурнома» лексикаси. –Т.: Фан, 2007. 175 б.

[6] Ўзбек адабий тилининг тараққиёти. Уч жилдли. –Т.: Фан, 1991. –Б. 128.

[7] Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б. 173.



www.ziyouz.com kutubxonasi

доир сўзларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин: а) туб туркий сўзлар; б) туб туркий сўзлар орқали ясалган лексемалар; в) ўзлашмалардан туркий қўшимчалар ёрдамида ҳосил қилинган сўзлар. Ёднома тилида жами 2943 та туркий лексема қўлланган бўлиб, шундан 2788 тасини соф туркча, 108 тасини арабча, 47 тасини форс-тожикча ўзлашмалардан туркий аффикслар орқали ясалган сўзлар ташкил этади.

### 3.1.1. Туб туркий сўзлар

Ўзбек тили генетик жиҳатдан туркий тиллар оиласига киради ва бу тил учун туркий тилларнинг негиз лексикаси қадимий асос ҳисобланади. Шу сабабли ҳам ўзбек тили сўз бойлигининг қадимий ўз негизи аслида туркий тилларнинг ўзиники бўлган туб туркий сўзлардан иборат. Кўринадики, туб сўзни белгиловчи асосий мезон, биринчидан, бу сўзнинг генетик жиҳатдан ўша тилники эканлиги, иккинчидан, унинг қадимий даврларга оидлигидир[8].

Маълумки, обида тилида истеъмолда бўлган туб туркий сўзларнинг тарихи кўҳна ёзма манбаларга бориб тақалади. Зеро, мазкур ёдномалар умумхалқ тилининг муҳим хусусиятларини ўзида мужассам этган бўлиб, халқнинг қадимги маданиятини акс эттирган. Улар орқали халқимиз тарихи ва тилимиз тараққиётига оид кўпгина қимматли маълумотларга эга бўламиз[9]. Шу нуқтаи назардан, қисса сўз бойлигини қадимги туркий тил ва эски туркий тилнинг дастлабки ёдгорликларида қайд этилган лексик бирликлар билан

[8] Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Т.: Фан, 1985. –Б. 135.

[9] Алиев А., Содиқов Қ. Ўзбек адабий тили тарихидан. –Т.: Ўзбекистон, 1994. –Б. 115.


www.ziyouz.com kutubxonasi

қиёсий ўрганиш асардаги архаик ҳамда XIV аср учун характерли бўлган сўзларни аниқлашга ёрдам беради.

Тил тизим сифатида узлуксиз ҳаракатда, ривожланишда бўлиб туради, бу унинг ижтимоий моҳиятидан келиб чиқади: тил ва жамият, тил ва онг, тил ва тафаккур ўртасидаги икки томонлама алоқадорлик уларнинг бир-бирига таъсирини белгилайди – жамиятда юз берадиган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, илмий-техникавий тараққиёт, иқтисодий ва маърифий соҳалардаги ислоҳотлар тилнинг луғат бойлигида янги-янги сўз ва атамаларнинг вужудга келишини, айни пайтда, маълум лексемаларнинг эскириб, тарихий категорияга айланишини тақозо қилади[10].

Сўз турмушдаги янгиликларни, кишилар фаолиятини, воқеа-ҳодисаларни ифодаловчи воситадир. Шунинг учун ҳам сўз тилда ўзига хос хусусиятлар, ўзгариш ва тараққиётларга бой алоҳида бўлимдир. Тилда ҳаёт учун зарур турли янги сўзлар пайдо бўла борганидек, турмуш учун кераксиз сўзлар истеъмолдан чиқиб кетади. Эскирганлиги, яроқсизлиги туфайли истеъмолдан чиққан сўз ва иборалар лингвистикада архаизм деб аталади[11].

Кузатишларимиз «Қисаси Рабғузий» тилида қуйидаги эскирган сўзлар, яъни архаизмлар[12] қўлланишда бўлганлигини кўрсатади: азақ – «оёқ», азақ – «қадаҳ», ӑдиз – «улуғ, буюк», ай= - «айтмоқ», айа – «кафт», алын – «пешона», ал – «ҳийла», арығ –

[10] Жамолхонов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-қисм. –Т.: Тошкент давлат педагогика университети, 2004. –Б. 67.

[11] Муталлибов С. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк. -Т.: Фан, 1959. –Б. 180.

[12] Қаранг: Наджип Э. Историко-сравнительный словарь тюркских языков XIV века: по материалам «Хосрау и Ширин» Кутба. –М.: Наука, 1979. -479 С.; Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2002. 431 б.


www.ziyouz.com kutubxonasi

«тоза», асығ – «фойда», анут= - «тайёрламоқ», азын – «бошқа», арқыш – «карвон», ашну – «бурун», азыр= - «айирмоқ», азрыл= - «айрилмоқ», авуч – «ҳовуч», ағ – «тўр», ағлақ – «овлоқ, холи жой», ағ= - «ошмоқ, чиқмоқ», бақыр – «мис», бэг-«бек, амир»», боз – «бўй», бозун – «халқ», чағыр//чақыр – «шароб», эв – «уй», чығай – «камбағал», чизан – «чаён», эзгў – «яхши», эмгä= - «заҳмат чекмоқ», эмгäт= - «азият етказмоқ», эш – «ўртоқ», ичрä-«ичкарига», из= - «жўнатмоқ», изи – «соҳиб, эга», ывуқ – «кийик», дағы//тақы-«яна», қазғу – «қайғу», қазғур=-«қайғурмоқ», қар=- «аралаштирмоқ», қаршу-«қарши», қапуғ – «эшик», кäз= - «киймоқ», кäзик – «ёввойи ҳайвон», кэзим – «кийим», кэзин – «кейин», қыр-«қир, тепа», қын – «жория», қоч – «қўчқор», қол= - «сўрамоқ, илтимос қилмоқ», қопар= - «қўпормоқ», кўзäгў – «куёв», кўң – «жория», қонуқ//қонақ – «меҳмон, мусофир», кўв/wäнч – “қувонч”, қузуғ – «қудуқ», қамуғ – «ҳамма», мэңиз – «юз», ӧг – «ақл», ӧкўш – «кўп», ӧв/wкä – «ғазаб, нафрат», оғур – «вақт, замон», сычан – «сичқон», сақын= - «ўйламоқ», сиңäк – «пашша», сӧкўл – «хаста», суйурға= - «ҳадя қилмоқ», таң= - «боғламоқ», тапуғ – «хизмат», «ибодат», ташра – «ташқарига», тэгрў – «қадар», тэлим – «кўп», таw/вар -“тавар, мол”; тўз – «тўғри, текис», оғра= - «бир ишга уринмоқ», Уған – «Аллоҳ», ўчўнч -“учинчи”, ужуз – «арзон», уwтан= - «уялмоқ», уз – «сигир», узи= - «ухламоқ», тӧрä – «одат», йағы – «душман», йағуқ//йавуқ – «яқин», йан= - «қайтмоқ», йаған – «фил», йапурғақ – «япроқ», йыз – «ҳид», йығач - «дарахт», йызығ – «ҳид», йыт= - «йўқолмоқ», йазы – «саҳро», қаз – «ғоз», қузруқ – «қуйруқ», қоз= - «рухсат бермоқ», «қўймоқ».

Зикр этилган мисоллардан аёнки, архаизмлар тил тарихи билан ўзаро алоқадор бўлиб, унинг ички тараққиёти мобайнида турли шаклларда кўзга ташла-


www.ziyouz.com kutubxonasi

нади. Демак, эски сўзларни тадқиқ этиш ўша даврдаги уруғ, қабила ва халқларнинг ўзаро муносабатини ўрганиш, лексемаларнинг келиб чиқишини аниқлашга ёрдам беради.

### 3.1.2. Туб туркий сўзлар орқали ясалган лексемалар

Тилшуносликда муайян тилга хос сўз ясаш усуллари билан сўз ясовчи воситалар ёрдамида янги сўзлар ҳосил қилиш тил лексикасининг бойишидаги энг етакчи йўллардан бири сифатида талқин қилинади. Ички ресурслар асосида сўз ясаш, асосан, тилнинг ўзига хос сўз ясаш усулларига таянган ҳолда сўз ясовчи воситалар кўмагида амалга ошади[13].

Ёзма ёдгорликлар тилидаги сўзлар қатъий қонунлар асосида ясалган. Ясама сўз маъно жиҳатдан ўзига боғлиқ бўлган ўзакдан, ўша сўзнинг ҳар қайси эмас, айнан туташ маъноли семасидан урчийди. Агар ясама сўзнинг морфем таркиби чуқур таҳлил қилинса, ўша илдизга етиб борилади.[14]

Тилда аффиксация йўли билан янги сўзлар ҳосил қилиш энг фаол усуллардан саналади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қисса сўз бойлигида ҳам туб ўзакдан туркий қўшимчалар[15] орқали ясалган лексемалар талайгина. Қуйида улар хусусида тўхталиб ўтамиз:

---

[13] Йўлдошев И. Ўзбек китобатчилик терминологияси. –Т.: Фан, 2004. –Б. 99.

[14] Содиқов Қ. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. –Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2006. –Б. 136.

[15] Қаранг: Севортян Э. Аффиксы словообразования в азербайджанском языке. Опыт сравнительного исследования. –М.: Наука, 1966. 437 с.; Щербак А. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (Имя) –Л.: Наука, 1977, 191 с.; Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Морфология. –М.: Наука, 1988. 556 с.; XIII-XIV асрлар туркий адабий ёдгорликлар тили. Морфология. –Т.: Фан, 1986 286 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1) –чы/-чи аффикси воситасида отлардан от ясалиши. Бунда ушбу қўшимча ёрдамида касб-кор, юмуш эгаси маъносини англатувчи лексемалар ҳосил қилинган: ашчы – «ошпаз» < аш - «озиқ-овқат, егулик», атымчы – «мерган» < атым – «отим», авчы – «овчи» <ав – «ов», айақчы – «соқий» < айақ – «қадаҳ, коса», балықчы –«балиқчи»< балық – “балиқ”, башчы – «йўл бошловчи» < баш – «раҳбар», бавурчи – «сарой ошпази» < бавур – «жигар», битигчи – «котиб» < битиг – «ёзув, мактуб», бöзчи – «тўқувчи» < бöз – «хомсурп», элчи-«элчи» < эл-«эл», эшикчи-«дарвозабон» < эшик-«эшик», этмäкчи – «новвой» < этмäк – «нон», ишчи-«ишчи» < иш-«иш», қапуғчы – «дарвозабон» < қапуғ – «эшик», кэмäчи-«кемачи» < кэмä-«кема», қойчы – «чўпон» < қой – «қўй», кöничи - «ростгўй» < кöни - «тўғри», отачы – «табиб» < ота= - “даволамоқ”, сақчы-«соқчи» < сақ – «зийрак, ҳушёр», сатығчы – «савдогар» < сатығ – «савдо», савчы – «пайғамбар» < сав – «хабар», сэвўнчи – «суюнчи» < сэвўнч – «хабар», сығырчы – «молбоқар, чўпон» < сығыр – «сигир», тапуғчы – «хизматчи» < тапуғ – «хизмат», тарығчы – «деҳқон» < тарығ – «буғдой, экин», тэмўрчи –«темирчи»< тэмўр-«темир», тэвäчи – «туякаш» < тэвä-«туя», йалғанчы-«ёлғончи» < йалған-«ёлғон», йарғучы – «судья» < йарғу – «ҳукм, қарор», йығаччы-«дурадгор» < йығач-«дарахт», йолчы – «раҳбар, йўл кўрсатувчи» < йол-«йўл», йумушчы – «ишчи» < йумуш- «иш»;

2) –чы/-чи аффикси ёрдамида феъллардан ясалган отлар: тилäнчи-«гадой» < тилäн= - «тиланмоқ», йонучы – «дурадгор, уста» < йон= - «йўнмоқ», йорумчы – «таъбирчи» < йорум - «таъбир»;

3) –чылық/-чилик (чы+лық/чи+лик) қўшимчаси орқали ҳосил қилинган асосдан англашилган соҳани


www.ziyouz.com kutubxonasi

билдирувчи сўзлар: алтунчылық – “олтинга ишлов бериш” < алтун – “олтин”, авчылық – “овчилик” < ав – “ов”, йалғанчылық – “ёлғончилик” < йалған – “ёлғон”, йумушчылық – “ишчилик” < йумуш – “иш”, бойағчылық –“бўёқчилик” < бойағ/қ – “бўёқ”, сығырчылық – “қорамолчилик” < сығыр-«сигир», тарығчылық – “деҳқончилик” < тарығ – “буғдой, дон”, йарықчылық – «зирҳчилик» < йарық – «зирҳ», бөзчилик –“бўзчилик”< бөз – “хом сурп”;

4) –лығ/-лиг//-лық/-лик//-луғ/-лўг//-луқ/-лўк аффикси иштирокида асосан, от, сифат, феълдан ўзи қўшилган ўзакдан англашилган нарсага эгалик маъносини билдирувчи мавҳум отлар ҳамда касб-ҳунар, мансаб, ҳолат, муносабат, алоқадорлик семаларини ифодаловчи лексемалар ҳосил қилинган:

а) отдан от ясалиши: ағрығлық – «хаста» <ағрық/ғ – «оғриқ», ашлық – «озиқ-овқат, егулик дон»< аш - «овқат», аталық – «оталиқ»< ата - «ота», айақлық – «қадаҳлик» < айақ – «қадаҳ», айлық – «ойлик» < ай - «ой», азуғлуғ – «егулик» < азуғ/қ – «озиқ-овқат», башлық - «бошлиқ» < баш – «раҳбар», отачылық - «табиблик» < отачи - «табиб», бойнағулық – «осийлик» < бойнағу – «гуноҳкор», чэчäклик - «гуллик»< чэчäк - «гул», чығайлық – «камбағаллик»< чығай – «камбағал», эвлўк – «хотин» < эв – «уй», иглиг – «хасталик» < иг – «хаста», қачғақлық– «қочоқлик» < қачғақ – «қочоқ», оғрылық-«ўғрилик»< оғры-«ўғри», тамуғлуқ – «дўзахий» < тамуғ – «дўзах», тириклик-«тириклик» < тирик-«тирик», учмахлық – «жаннатий» < учмах – «жаннат», йалавачлық – «пайғамбарлик» < йалавач – «пайғамбар», йазуқлуқ - «гуноҳкор» < йазуқ – «гуноҳ», йыллық - «йиллик»< йыл - «йил»;

б) сифатдан от ясалиши: ақлық – “оқлик”<ақ – “оқ”, ақсақлық – “оқсоқлик”< ақсақ - “оқсоқ”, ала-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лық – «чўтирлик» < ала - «ола рангли», арығлық – «тозалик» < арығ – «тоза», артуқлуқ – «ортиқлик» < артуқ – «зиёд», ачлық – «очлик» < ач – «оч», аруқлық – «заифлик» < аруқ - «заиф», бийиклик – «буюклик» < бийик – «буюк», эзгўлўк – «яхшилик» < эзгў – «яхши», ăдизлик – «юксаклик» < ăдиз – «улуғ, юксак», ӧксўклўк – «камчилик» < ӧксўк – «кам», қалынлық - «қалинлик» < қалын - «қалин», кӧнилик – «ростгўйлик» < кӧни – «рост», савуқлуқ - «совуқлик» < савуқ - «совуқ», улуғлуқ - «улуғлик» < улуғ-«буюк», ўрўңлўк – «оқлик» < ўрўң – «оқ», йаманлық – «ёмонлик» < йаман - «ёмон», йэңиллик - «енгиллик» < йэңил - «осон», йумшақлық - «юмшоқлик»< йумшақ- «юмшоқ»;

в) сағлық – «урғочи қўй»<саға= – «соғмоқ», билмăклик-«билмоқлик» <бил=-«билмоқ», сувсалық-«чанқоқлик»<сувса=-«сувсамоқ», тарлық-«етишмовчилик, қаҳатчилик»<тар=-«совурмоқ, беҳудага кеткизмоқ»;

5) –лағ/-лақ аффикси отдан ўрин-жой маъносидаги от ясайди: ағлақ – «пана, яширин жой» < ағ – «тўр, тузоқ», отлағ «ўтлоқ» < от - «ўт», сувлағ – «сувлоқ» < сув, борлақ – «узумзор» < бор – «вино»;

6) –даш/-дăш аффикси отга қўшилиб, яқинлик, биргалик маъноларини англатувчи лексемалар ҳосил қилган: эмўкдăш - «эмчакдош»< эмўк – «кўкрак, эмчак», қарындаш - «қариндош» < қарын - «қорин», қолдаш - «ўртоқ»< қол - «қўл», йашдаш - «тенгдош»< йаш - «ёш»;

7) –дуқ, -чуқ, -сақ, -са сингари исмдан от ясовчи аффикслар камунум бўлиб, айрим сўзлар таркибида кузатилади: бурундуқ - «туя тумшуғига кийдириладиган махсус тўр»< бурун-«бурун», мончуқ – «мунчоқ» < мойун – «бўйин», бағырсақ - «меҳрибон, раҳмдил» < бағыр - «жигар», тапуғсақ – «содиқ хизматкор» < тапуғ – «хизмат», йарыса – «кўршапалак» < йар(ы) – «парда» (ИРЛТЯ, 149-150);


www.ziyouz.com kutubxonasi

8) –к//-уқ/ўк –уғ/ўг-//-ақ/-ағ//-ығ//-иг//-ық/-ик аффикси феълдан ҳаракат натижаси, ҳолати, жой ва қуролини англатувчи от ясаган: ануқ – «тайёр» < ану= - «тайёрламоқ» (ДТС, 46), бэзäк - «безак»<бэзä= - «безамоқ», бычақ – «пичоқ» <быч= - «кесмоқ» (ДТС, 98), тӧшäк - «тўшак»<тӧшä= - «тўшамоқ», битиг – «ёзув» <бити= - «ёзмоқ», бусуғ – «пистирма» <бус=-«писмоқ, беркинмоқ», бойағ - «бўёқ»<бойа= - «бўямоқ», буйруқ-«амр»<буйур= - «буюрмоқ», эмгäк – «қийинчилик» <эмгä= - «заҳмат чекмоқ», эмўк – «кўкрак, эмчак» <эм= - «эммоқ», ынағ – «иноқ, маслаҳатчи» <ына= - «хоҳламоқ, истамоқ» (ЭСС, I, 656), инäк – «сигир» <ин= - «туғмоқ» (ЭСС, I, 359), қапуғ – «эшик» <қапа= - «ёпмоқ», қарақ – «кўз қорачиғи» <қара= - «қарамоқ», қазық - «қозиқ»<қаз= - «қазмоқ», қонақ// қонуқ-«меҳмон» <қон= - «меҳмон бўлмоқ», қорығ – «қўриқ, ўрмон» <қоры= - «қўримоқ», кӧрўк - «кўрик»<кӧр= - «кўрмоқ», ӧлўг - «ўлик»<ӧл= - «ўлмоқ», сэвўг - «севги»<сэв= - «севмоқ», соруғ – «сўров» <сор= - «сўрмоқ», сўрўк – «сурув» <сўр= - «ҳайдамоқ, қувмоқ» (ДТС, 517), тануқ – «гувоҳ» <тану=-«хабар бермоқ» (ДТС, 532), тапуғ– «ибодат» <тап= - «ибодат қилмоқ», тарақ - «тароқ»<тара= - «тарамоқ», тарық/ғ – «буғдой, экин» <тары= – «экмоқ», тайақ - «таёқ»<тай= - «таянмоқ», сатығ – «савдо» <сат= - «сотмоқ»;

9) –ш/-уш/-ўш//-ыш/-иш//-аш/-äш аффикси феълдан ҳаракат номини билдирувчи от сўз туркумига оид лексемалар ҳосил қилган: иниш – «қиялик» <ин= - «тушмоқ», ағыш – «баландлик» <ағ= - «ошмоқ, чиқмоқ», кэӊäш»-«мажлис»<кэӊа= «кенгашмоқ», кириш-«кириш»<кир=-«кирмоқ», кўсиш - «ғайрат, тиришиш» <кўси «орзу қилмоқ», санчыш - «уруш» < санч= -



www.ziyouz.com kutubxonasi

«санчмоқ», сӧкӯш-«сӯкиш»<сӧк=-«сӯкмоқ», тоқуш – «уруш» <тоқу= - «урмоқ» (ДТС, 577), улаш – «давомли, доимо» <ула=, ӯлӯш – “улуш”<ӯлä= - «бӯлишмоқ», йӯзӯш – «сузиш» <йӯз= - «сузмоқ»;

10) -ға/-гä//-қа/-кä//-ғу/-гӯ//-қу/-кӯ қӯшимчаси феъл билан бирикиб жой, вақт, қурол оти ясаган: бузағу-«бузоқ» <буза= - «туғмоқ» (ЭСС, II, 241), қарағу – «сӯқир» <қара= - «қарамоқ», кӧргӯ – «томоша» <кӧр= - «кӯрмоқ», кӯзäгӯ–«куёв» <кӯзä=-«кутмоқ, кӯз ташламоқ», кӯлгӯ - «кулгу»<кӯл= - «кулмоқ», узқу – «уйқу» <узи= - «ухламоқ», йарғу – «ҳукм, қарор» <йар= - «ёрмоқ», йэгӯ–«овқат, егулик» <йэ=-«тановул қилмоқ», йылқы – «отлар тӯдаси» <йыл=-«йиғмоқ», йорға-«йӯрға»<йоры= - «юрмоқ», қошғу – «учрашув жойи» <қош= - «қӯшмоқ, уламоқ, боғламоқ», боқағу – «сиртмоқ» <боғ= - «бӯғмоқ»;

11) –ғучы/-гӯчи аффикси феълдан шахс маъносидаги от ясаган: алғучы– «харидор, олувчи» <ал= - «олмоқ», сақлағучы – «соқчи, қӯриқчи» <сақла=-«сақламоқ», ичкӯчи - «ичувчи»<ич= - «ичмоқ», йонғучы – «йӯнувчи» <йон=-«йӯнмоқ», қылғучы - «қилувчи»<қыл= - «қилмоқ», қолғучы – «сӯровчи, илтимос қилувчи» <қол= - «сӯрамоқ», бэргӯчи – «берувчи» <бэр= - «бермоқ»;

12) –ч (-нч) аффикси феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг натижасини, номини билдирувчи от ҳосил қилган: инанч – «ишонч» <инан= - «ишонмоқ», қазғанч–«фойда»<қазған=-«даромад олмоқ», кӯнäнч–«қизғанчиқ» < кӯнäн= - «қизғанмоқ», кӯвäнч - «қувонч» < кӯвäн= - «қувонмоқ», сақынч– «фикр, тушунча»< сақын= – «ӯйламоқ», сэвӯнч - «севинч» < сэв=-«севмоқ», сӧклӯнч –«қовурма» < сӧклӯн=-«қовурмоқ, пиширмоқ», уманч – «умид»<уман=-«умид қилмоқ», ашач – «қозон» <аша= - «овқатланмоқ»;


www.ziyouz.com kutubxonasi

13) қуйидаги аффикслар каммаҳсул бўлиб, улар баъзи феъллардан от ясаш билан чегараланади:

а) –(у)т-/-(ў)т: öгўт-«насиҳат» <öг=-«мақтамоқ», увут – «уят» <ув= - «ушатмоқ, уватмоқ», йанут-«жавоб, рухсат; қаршилик» <йан= - «қайтмоқ, воз кечмоқ»;

б) –мақ/-мäк: тўрмäк – «соч турмаги» <тўр=-«қайирмоқ, бурмоқ», йашмақ – «рўмол» <йаш=-«яширинмоқ», тоқмақ - «тўқмоқ»<тоқи= - «урмоқ, тақиллатмоқ», йармақ – «пул» <йар= - «ёрмоқ»;

в) –ған/-қан//-ғын/-қын//-ғун/-қун: сычқан< сыч=-«бўшалмоқ», тавушқан - «товушқон»<табыш= - «сакрамоқ» (ИРЛТЯ, 136), сатғын – «сотув» <сат= - «сотмоқ», қорған - «қўрғон»<қор-қур= - «қурмоқ»;

г) –ғақ/-қақ: қачқақ – «қочоқ» <қач= - «қочмоқ», йапурғақ – «япроқ» <йап= - «қопламоқ», йарғақ – «тери» <йар= - «ёрмоқ»;

д) –ын/-ин//-ун/-ўн: тўгўн - «тугун»<тўг= - «тугмоқ», экин<эк= - экмоқ»;

е) –ач/-äч: йығач – «дарахт»<йығ= - «тўсиқ, ғов бўлмоқ», кöмäч – «чўғга солиб пишириладиган нон» <кöм= - «кўммоқ»;

ё) –ма/-мä: сўрмä - «сурма»<сўр= - «сурмоқ»;

и) –мур: йағмур- «ёмғир» <йағ= - «ёғмоқ»;

й) –лан: қаплан - «қоплон»<қап= - «тутмоқ» (ЭСС, I, 85), бақлан – «қўзичоқ» <бақ= - «боқмоқ»;

14) –лығ/-лиг//-лық/-лик//-луғ/-лўг//-луқ/-лўк аффикси отдан ўзи бириккан предметга эгаликни, унга тегишли эканлиги, мос келишини ифодаловчи сифатлар ясаган: азақлығ - «оёқли»<азақ–«оёқ», ағызлығ-«оғизли»<ағыз - «оғиз», ағулуғ – «заҳарли» <ағу – «заҳар», алынлығ – «пешонали» <алын – «пешона», аналығ - «онали»<ана - «она», арқалығ - «орқали» <арқа - «орқа», асығлығ – «фойдали» <асығ – «фойда», атлығ –



www.ziyouz.com kutubxonasi

«отли» <ат - «от», барқлығ – «молли» <барқ – «мол-дунё», бэзäклик - «безакли»<бэзäк - «безак», битиглик - «ёзувли»<битик – «ёзув», бозлуғ – «бўйлик»< боз – «бўй», бӧрклӱк – «тэлпакли» <бӧрк – «телпак», чэриклик – «қўшинли» <чэрик – «қўшин», чӧплӱк - «чўпли»<чӧп - «чўп», эрклик – «кучли» <эрк – «куч», қазғулуғ – «қайғули» <қазғу – «қайғу», қанатлығ - «қанотли»<қанат - «»қанот, йашлығ - «ёшли» <йаш - «ёш», йығачлығ - «ёғочли, дарахтли»<йығач – «дарахт», йаңақлығ – «ёноқли» <йаңақ – «ёноқ», сақаллығ - «соқолли»<сақал – "соқол", йоллуғ – «бахтли» <йол – «бахт», сэвӱклӱк - «севикли»<сэвӱк – «севги», тикäнлик - «тиконли»<тикäн - «тикон», тиллик-«тилли»<тил-«тил», учлик-«учли»<уч-«уч», ӱзäңӱлӱк-«узангили»< ӱзäңи-«узанги», отлуғ-«ўтли» <от - «ўт», билиглиг - «билимли»<билиг - «билим», сувлуғ - «сувли»<сув - «сув», сӱтлӱг - «сутли»<сӱт - «сут», кӱчлӱг - «кучли»<кӱч - «куч», уманчлиг - «ишончли»<уманч – «ишонч», туйақлығ - «туёқли» <туйақ - «туёқ»;

15) –лы/-ли//-лу/-лӱ аффикси отларга қўшилиб, ўзакда ифодаланган нарсага эгалик маъносидаги сифат ясайди[16]: кӧңӱлли - «кўнгилли»<кӧңӱл - «кўнгил», сӧзли - «сўзли»<сӧз - «сўз», йӱрäкли - «юракли»< йӱрäк - «юрак», йазуқли - «айбдор»<йазуқ – «гуноҳ»;

16) –сыз/-сиз//-суз/-сӱз қўшимчаси отлардан ўзакдан англашилган маънога эга эмасликни англатувчи сифатларни ҳосил қилган: асығсыз<асығ – «фойда», атасыз – «отасиз»<ата - «ота», билигсиз – «билимсиз»<билиг - «билим», битигсиз-«ёзувсиз»< битиг - «ёзув», эмгäксиз - «машаққатсиз»<эмгäк –

---

[16] XIII-XIV асрлар туркий адабий ёдгорликлар тили. –Т.: Фан, 1986. –Б. 69.



www.ziyouz.com kutubxonasi

«машаққат», эрксиз - «кучсиз»<эрк – «куч», анасыз - «онасиз»<ана - «она», қызсыз - «қизсиз»<қыз - «қиз», кишисиз – «кимсасиз»<киши - «кимса», қонуқсыз - «меҳмонсиз»<қонуқ – «меҳмон», кӧрксӳз – «хунук» <кӧрк – «чирой», кӧзсӳз – «сӯқир» <кӧз - «кӯз», сақалсыз - «соқолсиз»<сақал - «соқол», тилсиз- «тилсиз»<тил-«тил», кӯчсиз - «кучсиз»<кӯч - «куч», сувсиз-«сувсиз»<сув-«сув», сӯтсиз-«сутсиз»< сӯт-«сут», тануқсыз- «гувоҳсиз»<тануқ– «гувоҳ», умачсиз-«ишончсиз»<уманч – «ишонч», йолсуз – «бахтсиз, омадсиз» <йол–«бахт», йазуқсыз-«бегуноҳ» <йазуқ–«гуноҳ», йалавачсыз-«пайғамбарсиз»<йалавач– «пайғамбар», тэңсиз- «тенгсиз»<тэң - «тенг», отсыз– «қоронғи» <от – «олов, ёруғ», тапуғсыз<тапуғ – «ибодат», санчышсыз-«жангсиз»< санчыш – «уруш»;

17) –ғ/-г//-қ/-к//-ығ/-иг//-ық/-ик//-уғ/-ӯг//-уқ/-ӯк аффикси феълдан ӯзакда англашилган маънога таааллуқли белги хусусиятига эгалик тушунчасини билдирувчи сифат ҳосил қилган: ачығ – «аччиқ» <ачы= - «ачимоқ»(ДТС, 4), савуқ - «совуқ»<саву=- «совимоқ», қуруғ - «қуруқ»<қуры=- «қуримоқ», арығ – «тоза» <ары= - «тоза бӯлмоқ», йағуқ – «яқин» <йағу= - «яқинлашмоқ», тӧлӯк – «тешик» <тӧл= - «тешмоқ», артуқ - «ортиқ»<арт= - «ортмоқ, ошмоқ», йаруқ- «ёруғ»<йару=-«ёришмоқ», ысығ//ыссығ - «иссиқ»< ысы= - «исимоқ», бӧлӓк - «бӯлак»<бӧл= - «бӯлмоқ», кэсӯк - «кесик»<кэс= - «кесмоқ», қызығ–«иссиқ»< қыз= - «қизимоқ, исимоқ», сасығ - «сассиқ»<сасы=- «сасимоқ», йумшақ-«юмшоқ»<йумша=-«юмшамоқ», йӯксӓк<йӯксӓ=- «юксалмоқ», қаттығ - «қаттиқ»< қат= - «қотмоқ»;

18) –ла/-лӓ аффикси асосан от билан (қисман) сифатдан ишнинг ӯзакдан англашилган предмет во-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ситасида бажарилиши, муайян ҳолат ва белгига эга бўлиш каби маъноларлардаги феъллар ясайди:

а) отдан феъл ясалиши: ағула= - «заҳарламоқ» <ағу- «заҳар», авла= - «овламоқ»<ав-«ов», бағла=-«боғламоқ»<бағ-«боғ», башла=-«бошламоқ»<баш-«бош», бӓдизлӓ=-«тасвирламоқ» <бӓдиз-«тасвир», боғузла=- «бўғузламоқ»< боғуз-«бўғуз», буқағула=-«сиртмоқламоқ»<буқағу– «сиртмоқ», ботала=- «бўталамоқ»- <бота - «бўталоқ», бурундуқла= - «бурундуқламоқ» <бурундуқ, излӓ=-«изламоқ»<из-«из», эмгӓклӓ= - «заҳмат чекмоқ» <эмгӓк – «машаққат», эңсӓлӓ= «елкаламоқ» <эңсӓ – «елка», қонуқла=< «меҳмон қилмоқ» <қонуқ-«меҳмон», қучақла=-«қучоқламоқ»<қучақ-«қучоқ», қулунла=- «қулунламоқ»< қулун-«қулун», муңла=-«қайғуга тушмоқ»<муң– «қайғу», оқла=- «ўқламоқ»< оқ-«ўқ», отла=- «ўтламоқ»<от - «ўт», ӧвкӓлӓ= - «аччиғланмоқ»<ӧвкӓ - «аччиғ», тамғала= - «тамға босмоқ»<тамға-«тамға», таңла= - «ҳайрон этмоқ» <таң – «ҳайрат», тэрла= - «терламоқ»<тэр - «тер», тайақла= - «таёқламоқ»<тайақ - «таёқ», тапуғла= - «хизмат қилмоқ» <тапуғ – «хизмат», кизлӓ= - «яширмоқ» <киз – «сумка» (ДТС, 331), йўклӓ= - «юкламоқ»<йўк - «юк», уруғла= - «уруғламоқ»<уруғ - «уруғ», сӧзлӓ= - «сўзламоқ»<сӧз - «сўз»;

б) сифатдан феъл ясалиши: ағырла= - «ҳурмат қилмоқ» <ағыр – «ҳурмат», арығла= - «тозаламоқ» <арығ – «тоза», қызығла= - «қиздирмоқ» <қызығ – «иссиқ», ӧрлӓ= - «баландламоқ, юксалмоқ» <ӧр – «баландлик», йахшыла= - «яхшиламоқ»<йахшы - «яхши», йаманла=-«ёмонламоқ»<йаман - «ёмон», инжықла=-«инжиқланмоқ»<инжық- «инжиқ», сақла=- сақламоқ»< сақ– «ҳушёр»;

19) –да/-дӓ//-та/-тӓ аффикси –ла/-лӓ аффик-



www.ziyouz.com kutubxonasi

сининг фонетик варианти бўлиб, баъзи сўзлардан феъл ҳосил қилган[17] : алда= - «алдамоқ»<ал – «ҳийла», иста= - «истамоқ»<ис-«ҳид», ўндä= - «ундамоқ»<ўн – «товуш, сас», арта= - «бузмоқ» <ар= - «ажратмоқ»;

20) –лан/-лäн қўшимчаси билан отдан ясалган феъллар ўзакдан англашилган ҳолатга ўтиш, шунга эга бўлиш сингари маъноларни ифодалайди: ағызлан= - «оғизланмоқ»<ағыз - «оғиз», атлан= - «отланмоқ»<ат - «от», азуқлан=-«озиқланмоқ»<азуқ–«егулик», чэчäклäн= - «гулламоқ»<чэчäк - «гул», ислäн= - «ҳидланмоқ»<ис - «ҳид», кöпўклäн= - «кўпикланмоқ»< кöпўк - «кўпик», йўзлäн= - «юзланмоқ»<йўз - «юз», йўрäклäн= - «жасур бўлмоқ» <йўрäк - «юрак», йарықлан= - «зирҳ, совут киймоқ» <йарық – «совут, зирҳ», йэрлäн=- «ерга тушмоқ»<йэр - «ер», қатлан= - «қатланмоқ, букилмоқ» <қат – «қават, қат», кöрклäн= - «чирой очмоқ, гўзаллашмоқ» <кöрк – «ҳусн, чирой», иглäн= - «хасталанмоқ» <иг – «дард, оғриқ». Мазкур аффикс баъзи ўринларда сифатлардан ҳам феъллар ҳосил қилган: ириглäн= - «катталашмоқ» <ириг – «катта», қатығлан= - «чидамоқ, бардош бермоқ» <қатығ – «қаттиқ», йавуқлан=- «яқинлашмоқ» <йавуқ – «яқин».

### 3.1.3. Ўзлашмалардан туркий қўшимчалар ёрдамида ясалган сўзлар

Ҳар бир тил сўз ясаш, уни янги маъноларда қўллаш каби ички имкониятларидан ташқари, ташқи омиллар таъсирида, яъни бошқа тиллардан лисоний бирликларни қабул қилиш орқали ҳам ривожланиб, бойиб боради. Албатта, бу жараён муайян тил қонуниятлари асосида амалга ошади.

---

[17] Қаранг: Муталлибов С. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк. –Т.: Фан, 1959. –Б. 87; XIII-XIV асрлар туркий адабий ёдгорликлар тили. –Т.: Фан, 1986. –Б. 207.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Жаҳонда ҳеч бир тил йўқки, унинг луғати фақат ўз сўзларидан ташкил топган бўлсин. Бошқа тиллардан олинган сўзлар ё ўша тилда ўз шаклини қандай бўлса, шундайлигича сақлайди ёки унинг лексик тизими, табиати, грамматик қурилиши, сўз ясалиши ва имло қоидаларига уйғунлашади[18].

Ўзбек адабий тили луғат таркибидаги сўзлар тарихий шаклланиши жиҳатидан фақат туркий тилларга хос бўлмай, балки форс-тожик, араб, мўғул, рус тилларидан, шунингдек, уйғур тили орқали хитой тилидан кириб келган лексемалардан иборат. Ўзбек адабий тилининг тараққиёт босқичига назар солсак, мазкур сўзлар турли даврларда хилма-хил ижтимоий сабаблар боис ўзлашганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, форсча-тожикча истилоҳлар ўзбек ва тожик халқларининг қадимдан ёнма-ён яшаб, бир-бири билан ижтимоий ва маданий муносабатда бўлиб келганлиги натижасида, арабча лексемалар эса, асосан, китобий тил ва форс-тожик тили, шунингдек, қисман оғзаки нутқ орқали кириб келган.

XIV аср обидаси ҳисобланган «Қисаси Рабғузий» асарида ҳам кўпгина форсча-тожикча ва арабча сўзларни учратиш мумкин. Ушбу ўзлашмаларнинг маълум қисми ёдгорлик тилига шу даражада сингиб кетганки, улар туркий қўшимчалар билан бирикиб, янги сўзлар ҳосил қилишда фаол қатнашган ва туркий лексемалар билан баравар қўлланган. Ўрганилаёттан манба луғат таркибида арабча сўзлардан туркий аффикс ёрдамида ясалган лексемалар 108 тани, форс-тожикча ўзлашмалардан туркий қўшимчалар орқали ҳосил қилинган сўзлар эса 47 тани ташкил этади. Қиссада қуйидаги туркий тилдаги аффикслар ёрда-

---

[18] Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. -Т.: Ўқитувчи, 1995. –Б. 34.


www.ziyouz.com kutubxonasi

мида форсча-тожикча ва арабча лексемалардан янги сўзлар ясалган.

1. Исмдан от ясовчи қўшимчалар:

-лығ/-лиг//-лық/-лик//-луғ/-лўг//-луқ/-лўк аффикси ўзлашмалардан ўзи қўшилган ўзакдан англашилган нарсага эгалик маъносини билдирувчи мавҳум отлар ясаган. Айни пайтда, бу қўшимча касб-ҳунар, мансаб, ҳолат, муносабат, алоқадорлик семаларини ифодаловчи лексемалар ҳосил қилишда ҳам қатнашган:

а) форсча-тожикча сўзлар: дарвишлик-«дарвишлик»; бандалик-«қуллик»; габрлик-«оташпарастлик»; зийраклик-«зийраклик»; ā̄бдāнлық-«ободлик»; āзāдлық-«озодлик»; мэҳмāнлық-«мусофирлик»; нāдāнлық-«нодонлик»; пāдшāҳлық-«подшолик»; пайғамбарлық-«пайғамбарлик»; рāстлық-«тўғрилик»; душманлық-«душманлик»; хушлуқ-«яхшилик»; хушнудлуқ-«хурсандчилик»; жāдулуқ-«сеҳргарлик»; жуҳудлуқ-«яҳудийлик»; достлуқ-«дўстлик»; дурустлуқ-«яхшилик»; шумлуқ-«шумлик»;

б) арабча лексемалар: маликлик-«ҳукмдорлик»; дунйāлик-«мол-мулк, мансаб»; қāдырлық-«кучлилик», қудратлилик»; мискинлик-«фақирлик»; āсийлик-«гуноҳкорлик»; кāфирлик-«кофирлик»; ҳаммāллик-«ҳаммоллик»; кафанлик-«кафанлик»; халифалик-«халифалик»; вазирлик-«вазирлик»; āжызлық-«ожизлик»; адāватлық-«душманлик»; имāматлық-«имомлик»; фаррāшлық-«фаррошлик»; ғарыблық-«ғариблик»; хāдымлық-«хизматчилик»; истāҳлық-«жасурлик»; харāблық-«вайронлик»; қурбāнлық-«қурбонлик»; хасмлық-«душманлик»; тавāзулық-«одоблилик»; фақырлық-«фақирлик»; султāнлық-«султонлик»; мусулмāнлық-«мусулмонлик»; мувāфықлық-«уйғунлик»; наққāшлық-«наққошлик»; никāҳлық-«никоҳ-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лик»; таббāҳлық-«ошпазлик»; ислāмлуғ-«мусулмон»; хорлуқ-«хўрлик»; ҳурлуқ-«озодлик» ва ҳоказо. Бу қўшимчанинг охирги ундоши жарангли (ғ, г) ёки жарангсиз (қ, к) ҳолда келиши тарихан маъно фарқлаш билан боғлиқ бўлган[19]. Ўз даврида Маҳмуд Кошғарий мазкур ҳодисага алоҳида эътибор бериб, XI аср тилида ушбу аффикснинг жарангсиз қ, к ундошлари билан келган вариатлари от, жарангли ғ, г ундошлари ёрдамида ифодаланган шакллари сифат ясаш учун хизмат қилганлигини қайд этиб ўтган[20]. «Қисаси Рабғузий» ёдномасида зикр қилинган қоидага асосан амал қилинган бўлса-да, баъзан унинг бузилиш ҳоллари кузатилади:

1) форсча-тожикча сўзлар: жавāнмардлығ-«мардлик, сахийлик»; зиндāнлығ-«тутқун»; жāнлығ-«тирик жонивор, ҳайвон»; жаҳāнлығ-«дунёлик, мол-мулк, мансаб»;

2) арабча лексемалар: жиҳāдлығ-«мужоҳид»; қаҳтлығ-«очарчилик»;

- чы/-чи аффикси форсча-тожикча ва арабча сўзлар билан биргаликда касб-кор, юмуш эгаси маъносини англатувчи отларни ҳосил қилган: зиндāнчы-«зиндонбон»: *...Зиндāнчы Йусуф тонын чықаралың, қурыны йазалың тэди* (87r16); йāрычы – «ёрдамчи»: *Йā Муҳаммад саңа йāрычымэн* (197r13); фāлчы-«башоратчи»: *Бир тиши фāлчы эрди* (227v12).

2. Исмдан сифат ясовчи аффикслар:

-лығ/-лиг//луғ/-лӯг. Ушбу қўшимча ўзлашган сўзларга қўшилиб, ўзи бириккан предметга эгаликни, унга тегишли эканлигини, унга мос келишини билдирувчи лексемаларни ясаган:

---

[19] Дадабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. -Т.: Фан, 1990. -С.71

[20] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. -Т.: Фан, 1960. I жилд. –Б. 459-460-468.



www.ziyouz.com kutubxonasi

а) форсча-тожикча сўзлар: андāзалығ-«андозали»; пахталығ-«пахтали»; баҳāлығ-«баҳоли»; тахталығ-«тахтали»; тāжлығ-«тожли»; умидлиг-«умидли»; раң-лиг-«рангли»; мэвалиг-«мевали»; āрзулуғ-«орзули»;

б) арабча лексемалар: имāнлығ-«имонли»; э'ти-қāдлығ-«эътиқодли»; мāллығ – «молли, бой»; ҳур-матлығ-«ҳурматли»; ақллығ-«ақлли»; жамāллығ-«чи-ройли»; давлатлығ–«бадавлат»; динлығ-«динли»; āмāнатлығ-«омонатли»; азаматлығ-«ғайратли»; ҳийā-натлығ-«ҳиёнатли»; ҳимматлығ-«ҳимматли»; айблығ-«айбдор»; мурāдлығ-«истакли»; нэ'матлығ-«неъмат-ли»; нийатлығ-«ниятли»; нусратлығ-«зафарли»; рағ-батлығ-«истакли, рағбатли»; саāдатлығ-«саодатли»; мазҳаблығ-«мазҳабли»; қийāматлығ-«қиёматли»; ка-рāматлығ-«кароматли»; қадамлығ-«қадамли»; қабила-лығ-«қабилали»; ишāратлығ-«ишоратли»; илмлығ-«ил-мли»; ибāдатлығ-«ибодатли»; сифатлығ-«хислатли»; суралығ-«сурали»; суратлығ-«суратли»; силāҳлығ-«қурол-яроғли»; ва'далығ-«ваъдали»; та'малығ-«таъ-мали»; зāтлығ-зотли; ҳайбатлиг-«ҳайбатли»; ҳидāй-атлиг-«ҳидоятли»; муҳрлиг-«муҳрли»; кўнйатлиг-«ла-қабли»; иллатлиг-«нуқсонли»; ҳамийатлиг-«ор-номус-ли»; шаклиг-«шубҳали»; тавқлуғ-«тасмали, ҳалқали»; мўлклўг-«мулкдор»; та'рифлўг-«таърифли»; ташриф-лўг-«шарафли»;

-сыз/сиз/суз/-сўз. Мазкур аффикс асосан ўзлаш-ма отларга қўшилиб, ўзакдан англашилган маънога эга эмасликни ифодаловчи сифатларни ҳосил қилади:

1) форсча-тожикча сўзлар: умидсиз-«ноумид»; ҳушсуз-«беҳуш»;

2) арабча лексемалар: дастурсиз-«рухсатсиз»; ҳуж-жатсиз-«далилсиз»; раҳмсиз-«бераҳм»; ҳисāбсиз-«бе-ҳисоб»; ҳāжатсиз-«эҳтиёжсиз»; маликсиз-«подшосиз»; адабсиз-«одобсиз»; ислāмсыз-«динсиз»; э'тиқāдсыз-



www.ziyouz.com kutubxonasi

«эътиқодсиз»; имāнсыз-«имонсиз»; мāлсыз-«молсиз, бойликсиз»; таҳāратсиз-«таҳоратсиз»; балāсыз-«зарарсиз»; барāкатсиз-«бебарокат»; иззатсиз-«ҳурматсиз»; вāситасиз-«воситасиз».

3. Исмдан феъл ясовчи аффикслар:

-ла/-лä қўшимчаси ўрганилаётган манбада от сўз туркумига оид ўзлашмалардан буйруқ феълларини ясаган:

а) форс-тожикча сўзлар: хорла=-«хўрламоқ»; āзāрла=-«озор бермоқ»; āрзула=-»орзу қилмоқ»; фармāнла=-«буюрмоқ»; занжирлä=-«занжирбанд қилмоқ»; зиндāнла=-«зиндонбанд қилмоқ»; хумдāнла=-«хум ичига ғишт солиб пиширмоқ»;

б) арабча лексемалар: анбарла= -«хушбўй қилмоқ»; иззатлä= - «иззат қилмоқ»;

-лан/-лäн аффикси форсча-тожикча ва арабча сўзлардан эгалик маъносини билдирувчи феъллар ҳосил қилган:

1) форсча-тожикча сўзлар: хошлан=-«хурсанд бўлмоқ»: *Андағ қылдылар, сöз эшиттилäр хошландылар* (120v4);

2) арабча лексемалар: қавийлан=-«куч олмоқ»: *Аммā тиши макр башласа шайтāн аңа қолдаш болур, қавийланур* (84v18); ғайратлан=-«ғайратга тушмоқ»: *Аймышлар: қачан Мустафā алайҳис–салāм Сулаймāн ўчўн кўн йанғанын ишитти эрсä ғайратланды* (140v14).

Бундан ташқари, форс-тожик тилидан кирган ба, нā, гāҳ, зāда каби аффикслар арабча ва форс-тожикча сўзлардан янги лексемалар ҳосил қилган. Бироқ бундай ўзлашмалар жуда камчиликни, яъни 9 тани ташкил этади: бағāйат-«бағоят», нāаҳл-«ноаҳл», нāмаҳрам-«номаҳрам», нāмустақим-«нопок», нāумид-«умидсиз», саждагāҳ-«саждагоҳ», аммузāда–«амакивачча», ҳалāлзāда– «хайрли авлод».

Келтирилган мисоллардан ва обида лексикасини



www.ziyouz.com kutubxonasi

ўрганиш мобайнида шу нарса аён бўлдики, қисса тилида туркий ҳамда ўзлашма лисоний бирликлардан янги сўзлар ҳосил қилишда от ясовчи -лығ/-лиг//-лық/-лик//-луғ/-лўг//-луқ/-лўк, сифат ясовчи -лығ/-лиг//луғ/-лўг аффикслари фаол иштирок этган. Бу эса ўз навбатида ушбу қўшимчаларнинг XIV асрда сермаҳсул аффикслардан бўлганлигини кўрсатади. Демак, лексик фонднинг шаклланиши ва бойиб бориш жараёнини кузатишда, ўзга тилларнинг туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили ривожида тутган ўрнини аниқлашда, тилдан ташқари – экстралингвистик омилларни тўғри белгилашда кўҳна ёдномалар тил хусусиятларини атрофлича тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

## 3.2. Ўзлашма қатлам

Тарихий тараққиёт жараёнида дунё халқлари ўртасида ўзаро иқтисодий, сиёсий, илмий, маданий алоқалар содир бўлади. Бунинг натижасида тилларнинг луғат таркиби янги тушунчалар ва уларни ифодаловчи сўзлар билан бойиб боради. Дарҳақиқат, ўзбек халқи билан ҳамоҳанг тарзда ўзбек тили ҳам ўзининг тарихий ривожланишида кўплаб бошқа халқлар тиллари билан алоқада бўлди. Шу боис, ўзбек тили луғат таркибининг маълум қисмини ўзлашган сўзлар ташкил этади[21].

Ўзбек тили луғат таркибининг бойишида ички имкониятлар муҳим манба ҳисобланади. Шунга қарамасдан, дунёдаги ҳеч бир тил ўз ички имкониятларига таяниб иш кўрмаганидек, ўзбек тили учун ҳам фақат ўз сўзлари ва имкониятларигина кифоя қилмайди.

[21] Йўлдошев И. Ўзбек китобатчилик терминологияси. –Т.: Фан, 2004. –Б. 209.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзбек тили сўз бойлигининг такомиллашувида ташқи манба катта роль ўйнайди. Умуман, ҳар қандай тил соф ҳолда яшай олмайди[22]. Бинобарин, турли тилларга мансуб халқларнинг ўзаро ҳамкорлиги, қўшничилик ва савдо-сотиқ алоқалари улар тилларининг тараққиётига, биринчи навбатда, лексикасига ўз таъсирини кўрсатиши табиий. Пировардида сўз алмашиш ва ўзлаштириш ҳолатлари юз беради. Албатта, ушбу жараён тарихий шароитларга боғлиқ тарзда турлича кечади.

Бошқа қардош туркий тиллар сингари ўзбек адабий тили учун ҳам сўз ўзлаштириш характерли ҳисобланади. XI асрга оид ўзлашмаларнинг ўзбек адабий тилига кириб келишида форс-тожик ва араб тилидан ўзбекчага ўгирилган бадиий таржималарнинг роли сезиларли эди. Форс-тожик тили бу даврда маъмурий, ҳуқуқий, тижорий, илмий, диний тушунчаларни ифодаловчи шарқ тиллари сўзларининг ўзбек адабий тилига ўзлашишида воситачи вазифасини бажаради. Табиийки, чет сўзларнинг турли соҳа лексикасига ўзлашиши фарқланади. Жумладан, ҳарбий терминология мўғулча сўзлар ҳисобига кенгайган бўлса, маъмурий, сиёсий, тижорий-молиявий, илмий, диний лексика эса асосан арабча, форс-тожикча ўзлашмалар орқали бойиган. Умуман, туркий тиллар лексикасидаги чет сўзларни икки гуруҳга тақсимлаб таҳлил этиш мақсадга мувофиқ:

1) қадимий (исломгача бўлган) давр. Бунга санскритча, суғдча ва хитойча унсурлар хос;

2) нисбатан янги (ислом ҳамда мўғуллар истилоси-

---

[22] Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Т.: Фан, 1985. –Б. 103.



www.ziyouz.com kutubxonasi

дан кейинги) давр. Мазкур гуруҳдан арабча, форс-тожикча ва мўғулча ўзлашмалар ўрин эгаллайди.

Туркий тиллар сўз бойлигида суғдча, санскритча, хитойча ўзлашмаларнинг пайдо бўлишига туркий халқларнинг қадимдан суғд, ҳинд, хитой, хоразм халқлари билан яқин алоқалари маҳсули сифатида баҳо берилади[23].

Тадқиқ этилаётган манбада жами 2568 та ўзлашма қатламга доир лексема истифода этилган бўлиб, шундан 2156 таси арабча, 330 таси форс-тожикча, 55 таси қадимий яҳудийча, 11 таси юнонча, 6 таси хитойча, 6 таси суғдча, 5 таси санскритча сўздан иборат.

### 3.2.1. Санскритча ўзлашмалар

Қадимги туркий тил битикларида санскрит тилидан кириб келган сўзларнинг ранг-баранг бўлганлиги "Қадимги туркий луғат"ни варақлаганимизда яққол кўзга ташланади. Табиийки, бунда санскрит тилидан туркий тилга қилинган таржималар муҳим роль ўйнаган. Эски туркий тилда санкскритча ўзлашмалар сон жиҳатдан камайган. Кейинги даврларга келиб, уларнинг аксарияти истеъмолдан чиқиб кетган. Туркий тилда сақланиб қолганлари эса деярли ўз сўзга айланиш даражасига яқинлашган[24]. Кузатишларимиз "Қисаси Рабғузий" асарида санскрит тилидан кириб

---

[23] Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. –Т.: Ёзувчи, 1991. –С. 133-134.

[24] Дадабоев Ҳ. Ўзбек адабий тили лексик таркибининг ўзлашмалар ҳисобига бойиши//Тошкент вилояти давлат педагогика институти педагог-ходимларининг анъанавий илмий-назарий ва амалий-услубий анжумани маърузалари. –Ангрен, 2007. –Б. 337-342.


www.ziyouz.com kutubxonasi

келган қуйидаги лексемалар қўлланишда бўлганлигини кўрсатди.

**Чэриг** сўзи ёдномада “қўшин, лашкар” маъносини ифодалаган: *Барғыл Намрудға айғыл санчушур кöңўллўк бар эрсä, чэриг анутғыл* (44v2). Мазкур ўзлашма дастлаб Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида қайд этилган: *Йўрäксиз кишилäр чэриг артатур* – йураксиз (қўрқоқ) кишилар қўшинни заифлаштиради (ДТС, 144). Айни пайтда, ушбу ўзлашма қиссада сифат ясовчи –лик/-лиг аффикси билан бирикиб янги сўз ясаган: *Тэкмä бири он миң чэриглиг болдылар* (107v20). Бундан ташқари, ёдгорликда ўрганилаётган терминнинг форс-тожикча – **лäшкäр** синоними ҳам учрайди: *Қачан Йусуф лäшкäри бирлä пайдā болды қарабашы Зулайҳāға хабар қылды* (108v7).

Тарихдан маълумки, Осиёдаги йирик давлатлардан бири ҳисобланган Хитой мамлакатининг юқори қисми **Чин** деб юритилган. Бу топоним биз текшираётган ёдномада ҳам зикр қилинган: *Йана Чин вилайāтиға бардым Хитай шаҳурлäригä* (216r6). Лексема илк бор “Қутадғу билиг” асарида келтирилган (ДТС, 146).

**Сарт** истилоҳи илк бор “Қутадғу билиг”да “савдогар” маъносини англатган: *Нэгў тэр эшит эмди сартлар башы* (ДТС, 490). Мазкур лексема ўрганилаётган манбада “ўтроқ аҳоли”га нисбатан ишлатилган: *Аның тэгäр балāси барча моғулға сартға* (80v15).

Обида тилида “булбул” маъноси **сандувач** зоонимми билан ифодаланган: *Лāла сағрақын ичäрдä сайрар эсрўб сандувач* (68v3). Ушбу сўзни биринчи марта Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарида **сандивач//сандувач** шаклларида келтириб ўтган: *Сарығ сандувач... сайради* (ДТС, 484). Қутбнинг “Хусрав ва Ширин” асарида **сандувач** (53б12), **зандуваж** шакллари ифодаланган: *Кöрäр ким тағ ўзрä хуш чэчäклäр ачылмыш зандаважлар қаршу*


www.ziyouz.com kutubxonasi

*сайрар* (14а6). Текширилаётган лексема кейинги давр манбаларида қайд этилмайди. Айни пайтда, "Қисаси Рабғузий"да лексеманинг арабча **булбул** синоними ҳам кузатилади: *Қумри, булбул муқри болиб ӯн тӯзäр тӯн-кӯндӯзи* (68v5).

Даставвал Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибатул-ҳақойиқ" (ДТС, 194) асарида қайд қилинган **фил** лексемаси ёдгорликда **пил** фонетик шаклида кўзга ташланади: *Аммā хāс майдāн башында арсланлар, барслар, пиллäр йатмыш* (209v8). Сайфи Саройининг "Гулистон бит-туркий" асарида **фил** шакли қўлланилган: *Нэчä ким фил ҳайбатли болурса, тэгäр сӯри чибинлар шāҳ филин* (101б2). А.М.Шчербакнинг фикрича, пилнинг эрон тиллари лексик қатламига мансублик эҳтимоли кам. Шунинг учун уни санскритча pilu ва ассурича piru сўзларига қиёслаш тўла ўз исботини топган (ИРЛТ, 139-140). Бундан ташқари, ёднома сўз бойлигида мазкур терминнинг туркийча **йаған** синоними ҳам ишлатилган: *Фармāнлади ақ йаған кэлтурдилар* (148г14).

### 3.2.2. Суғдча ўзлашмалар

Моддий маданият ва ёзма манбаларга кўра, Даштиқипчоқ кўчманчиларининг азалий ватани бўлса-да, у ерларда яшаган ҳунн, усун, қарлуқ, чигил, аргун, тухси, калтатой, қангли, қирғиз, уйғур, Олтой турклари ва уларнинг аждодлари ху, ди, рунг ҳамда сак-скиф қабилалари ҳеч қачон бир жойда муқим яшамаган. Улар нафақат бепоён турк даштида, балки Ўрта Осиёнинг қадимги деҳқон жамоалари томонидан ўзлаштирилмаган дарё ҳавзалари ва чўлларида ҳам чорва молларини боқиб кўчиб юрган. Кўчманчиларнинг авом камбағал қисмини бир бўлаги ҳар сафар бу заминда қолиб кетган ва аста-секин ўтроқлаша бошлаган. Бу жараённинг узлуксиз давом этиши натижаси-


www.ziyouz.com kutubxonasi

да Ўрта Осиёнинг Амударёгача бўлган ҳудудларида бронза давридан бошлаб туркийгўй қабилалар Турон-заминнинг туб жой аҳолисига айланган.

Ўрта Осиё саклари, ўз навбатида, буюк турк чўлининг Марказий ва Шарқий Қозоғистон, Тоғли Олтой, Ўрол, Енисей ва Ўрхун дарёлари ҳавзаларигача кириб борганлар ва у жойларнинг ҳукмрон туркий тил муҳити таъсирида туркийлашганлар. Демак, сак-скиф қабилаларига хос икки тиллилик жуда кенг турк-суғдий этномайдонда юз берган иқтисодий, сиёсий ҳамда этномаданий жараёнлар маҳсули эканлиги ҳақиқатга яқиндир[25]. Англашиладики, икки халқнинг аралаш истиқомат қилиши, ўзаро ҳамкорлиги оқибатида сўз алмашиш жараёни юз берган. Яъни туркийлар тилида суғдча, суғдийлар луғат таркибида туркийча лексемалар қўлланилган[26]. Хусусан, суғдча **учмаҳ/уштмаҳ/ушмаҳ** ўзлашмаси "Қисаси Рабғузий"да "жаннат" семасини билдирган: *Йа'ни учмаҳ нэ'матларин кэлтӯрӓ бэрди* (71r2). Мазкур сўз дастлаб "Қутадғу билиг" асарида **уштмаҳ** (ДТС, 617), **узмақ** шаклларида ишлатилган: *Икки эв йаратты бу халққа қамуғ/ бири аты узмақ, бириниң тамуғ* (ДТС, 621). **Учмах** от ясовчи –лыг/-лиг аффикси билан биргаликда янги сўз ясашда ҳам иштирок этган: ***Учмахлығлар айғайлар: Изи азза ва жалла бу йэм-ичимни кāфирларға ҳарāм қилиб турур*** (102r16). Шунингдек, асарда терминнинг арабча **жаннат**, форс-тожикча **биҳишт** маънодошлари ҳам қўлланишда бўлган: *Ўкўш итиг салāмлар тӧрт йāрыға*

---

[25] Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. –Т.: Университет, 2007. –Б. 62-63.

[26] Қаранг: Исхаков М. Элементы согдийского языка в современном узбекском языке//Историко-культурные контакты народов алтайской общности: XXIX сессия PIAC. –Т.: 1986. II. Лингвистика. –М.: Наука, 1986. –С. 61-62.


www.ziyouz.com kutubxonasi

*ва тоқуз хатуныға, ики аммиға саййид-и шубāн аҳлул жаннат* **ташрыфлығ оғланларыңа** (2r6); *Панчшанба кӱн биҳишт,* **дузахны ва азаб** *фариштаЛӓрини йаратды* (3v4).

Илк бор Турфон матнларида қайд этилган "шаҳар" маъносини **англатувчи кӓнд** (ДТС, 290; МК, I, 329) лексемасининг обида **тилида кэнд, кэнт** фонетик вариантлари кўзга ташланади: *Йолда кэлӱрдӓ Айнуш-шамс атлығ бир кэнд бар эрди* (96r7); *Мэни бу сығырға миндӱргил сэниң бирлӓ кэнттӓ барайын* (128v8). Ўзлашма қўшма сўз таркибида келган ҳолатни ҳам кузатиш мумкин: *Бағдāдға кэлдилӓр халифаға айттылар: йана қайтурда Сэмӱзкэнд (Самарқанд)гӓ сӓкиз йығачлық йэрдин кэчиб кэлдӱк тэдилӓр* (176r7). Маҳмуд Кошғарий тадқиқ этилаётган истилоҳ хусусида қуйидагиларни баён қилади: *Кӓнд – ўғузлар ва улар билан яқин турувчилар тилида қишлоқ. Кўпчилик турклар наздида вилоятдир. Шунинг учун Фарғонани Ӧзкӓнд – ўз шаҳримиз дейдилар. Самарқандни катталиги учун Сэмиз кӓнд – семиз шаҳар дейдилар. Буни форсийлар Самарқанд тарзида қўллайдилар* (I, 330).

Шу билан бирга, тадқиқ қилинаётган манбада ушбу лексеманинг форс-тожикча **шаҳар, шаҳристāн** синонимлари ҳам учрайди: *Учдим ул тағ устигӓ ағдым, ортасында бир шаҳр кӧрдӱм аны узуны он ики йығач йэр эрди* (141r19); *Айтмышлар: он ӱч шаҳристāн эрди, Билқис Мāраб атлығ шаҳристāнда эрди* (146v16).

**Хатун** ўзлашмаси ёдномада "хотин; аёл киши" семаларини ифодалаган[27]: *...Иккинчи хатā Сулаймāн хатуны бутға тапунса кāфира болғай эрди* (145r14); *Шāм вилāйатинда бир фāл ачғучы хатун бар эрди*

---

[27] Қаранг: Дадабоев Ҳ. "Қисаси Рабғузий"даги аёл семали лексемалар хусусида//Филология фани: янги аср муаммолари. –Т.: 2003. –Б. 125-128.



www.ziyouz.com kutubxonasi

(50r12). Ушбу термин биринчи марта **Култегин** ёдгорлигида **қатун** фонетик шаклида зикр этилган бўлиб, "хоним, зодагон аёл" маъносини билдирган: *Умайтэг öгим қатун қутыңа иним Кўлтэгин эр ат булты* - Хатун-онам бахтига укам Култегин Умай сингари қаҳрамон номини олди (ДТС, 436). Л.Покровскаянинг ёзишича, қатун//хатун сўзи "қат, қават" маъносидаги қат лексемаси билан –(у)н/-(и)н аффиксининг бирикувидан ҳосил бўлган[28]. Асарда истилоҳнинг туркийча **тиши, урағут, эвлўк,** арабча **аврат** синонимлари ҳам келтирилган: *Бир тиши имāм Муҳаммад бин Ҳасан Шайбāнийға āшық болды* (82v6)*; Йа'ни арығсызлық кöргäн урағут оғлы...* (121v15); *Ул Азиз айдың мэниң эвлўгимгä ким йавузлық санды ва ким илик сунди?* (83v11); *Аврат айды: эрим эвдä йоқ* (143v3).

**Бағ** сўзи дастлаб **Турфон матнларида** "мевазор, чаманзор" маъносини англатган: *Азу бағ борлуқы тарығ* – ёки боғ, узумзор, **экинзорда** (ДТС, 77). Маҳмуд Кошғарийнинг "Девони"да (ДТС, I, 77) ушбу сўз "узумзор" маъносини ифодалаган. Лексема обида луғат таркибида ўзининг асл семасида қайд этилган: *Хатуны айды: бир қонақ кэлди... бағда йатур, барыб кöргил, та'ам тилäсä бэргил тэди* (143v10).

**Ранг** атамаси "тус, бўёқ", "аҳвол, ҳолат" маъноларини билдирган: *Устāд айды: ҳар тонға бир ранг бэрмäк кэрäк...* (171v10); *Сулайманың хāлы ранги öзгä болды эвигä кэлди* (143r13). Зикр этилган сўз сифат ясовчи –лик/-лиг аффикси билан қўшилиб янги лексемалар ҳосил қилишда ҳам қатнашган: *Исā айды: ҳар киши нэтäк ранг кэрäк айғыл мэн ол рангли тон чықарайын* (171v11).

Қиссада **ажун** (МК, I, 106; Юг, 393) сўзи "дунё,

[28] Покровская Л. Термины родства//Историческое развитие лексики тюркских языков. –М.: Наука, 1961. –С. 59.



www.ziyouz.com kutubxonasi

борлиқ" маъносида келтирилган: *Öзгä сурат тўзди ажун ичрä илкидин* (5v6). Термин илк маротаба Турфон матнларида "мавжудлик, борлиқ" семасида ифодаланган: *Öңрä ажундақы қылынч* – мавжудликдан олдинги фаолият (ДТС, 74). Аҳмад Югнакийнинг "Хибатул ҳаққойиқ" асарида "ҳаёт, ердаги ҳаёт" маъносида ҳам қўлланган: *Бақасыз эрўр бу ажун лаззати* – бу ҳаёт лаззати ўткинчидир (Юг, 193). "Тафсир"да сўзнинг **ажун** (40б7), **ачун** фонетик вариантлари кўзга ташланади: *Тилäрсизлäр дунйāның бэзäкини йа'ни ачунни* (3.2). "Муҳаббатнома"да **ачун** (292а6), "Хусрав ва Ширин"да **ажун** (33б10) шакллари кузатилади. Ўрганилаётган манбада арабча **āлам, дунйā,** форс-тожикча **жаҳāн** лексемалари ҳам "борлиқ, дунё" семасини англатган: *Қачан Йусуф эвдин чықса, ай-кўн нури қалмас эрди, āлам халқы билўр эрди* (67r7); *Эй Мусā нафсиң фāний, кöзуң фāний, дунйā фāний"* (122r1); *Сāлиҳ ким эрсä тилäйў бу жаҳāнны кэзди* (36v10).

### 3.2.3. Хитойча ўзлашмалар

Милоддан аввалги II асрда Ҳун давлати кучайиб, империяга, яъни хоқонликка айланди. Шунда унинг таъсир доираси Шарқда Корея ярим оролигача, ғарбда Каспий денгизигача, жанубда Ҳимолай тоғлари, Амударёнинг шимолий ҳудудларигача етиб борди. Хитойлар билан ҳунлар чегараси Буюк Хитой деворидан ўтган. Бу даврда Ғарб билан Хитойни боғлаб турган савдо йўллари ҳунлар назоратида эди. Шундан кейин Ҳун ҳоқонлиги Ғарбий Хан империясининг шимоли ва ғарбга қараб кенгайиш йўлини тўсиб қўйди. Хитой ҳоқонлари ҳунлар билан улар ҳудудидан ўтадиган савдо йўлларини назорат қилиш имконига эга бўлишган. Марказий Осиё халқлари Буюк ипак йўли


www.ziyouz.com kutubxonasi

орқали Хитойга бориб савдо-сотиқ қилганлар[29]. Аён бўладики, туркийлар билан хитойликларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий алоқалари қадим тарихга бориб тақалади. Бу ҳамкорликлар натижаси ўлароқ, туркий тиллар сўз бойлигига хитойча ўзлашмалар кириб келган. Профессор Ҳ.Дадабоевнинг таъкидлашича, "Қадимги туркий сўзлар луғати"да 240 га яқин хитойча лексемалар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти асосан маданий соҳага тааллуқлидир[30]. Изланишларимиз текширилаётган манба тилида қуйидаги хитойча сўзлар истеъмолда бўлганлигини кўрсатди[31].

"Қисаси Рабғузий" асарида "ёзмоқ" маъноси **бити=** феъли орқали очиб берилган: ***Сулаймāн уч хат битиди*** (147v4). Мазкур сўз биринчи марта Култэгин ёдгорлигида қўлланган: ***Бэңгӱ таш тоқытдым битидим*** – тошдан ёдгорлик ясатдим ва унга ўйиб ёздим (ДТС, 103). Кези келганда айтиш жоизки, лексема обида луғат таркибида бир нечта янги сўзлар ҳосил қилиш учун асос вазифасини ўтаган. Жумладан, -(и)к/-(и)г аффикси ёрдамида **битиг** - "ёзув", ўз навбатида, ундан –чы/-чи қўшимчаси орқали **битигчи** – "котиб", -сыз/-сиз, -лик/-лиг аффикси билан **битигсиз** – "ёзувсиз", **битиглиг** – "ёзувли" каби от ва сифат сўз туркумларига оид атамалар ясалган.

Ёдномада "алвон рангли хитой газмоли" **чуз** деб номланган: *Он сāкиз кӱнлӱк йэргā чуз атлас тӧшāдилāр* (149v11). Термин даставвал "Қутадғу билиг" достонида битилган: *Чӱз ол бу ӧрӱм тон ағылар тэңи* – бу

[29] Хўжаев А. Буюк ипак йўли. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. –Б. 91-92.

[30] Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. –Т.: Ёзувчи, 1991. –С. 136.

[31] Қаранг: Баскаков Н.К. К проблеме китайских заимствований в тюркских языках//Советская тюркология, 1987. №5. –С.


www.ziyouz.com kutubxonasi

қўлда тўқилган мато ипак матолар билан баробар юрарди (ДТС, 157).

**Йинжу** сўзи "дур, марварид" маъносини билдирган: *Бир нэчӓлӓри тэңиздин гавҳар, йинжў чықардылӓр* (146r16). Лексема уйғур ёзувидаги Берлин қўлёзмалар фондида сақланаётган манбаларда **йинчў** шаклида келган: *Қызыл йинчў* (ДТС, 256). «Девон»да **йинжў, жинжў** фонетик вариантлари зикр этилиб, уларнинг биринчиси турклар, иккинчиси эса ўғузлар тилида муомалада бўлган (I, 67). Айни пайтда, Маҳмуд Кошғарий луғатида, йинчў сўзининг "оқсоч, чўри" семаси ҳам борлиги ҳақида маълумот мавжуд (ДТС, 256).

**Тӓңри** термини "бутун борлиқ, барча жонли-жонсиз мавжудотлар яратувчиси" маъносида қўлланилган: *Анчада Жабрӓил кэлди, айды: Эй Йунус Уған Таңри сӓңӓ салам қылды* (152r21). Қадимги туркий тилда тӓңри сўзи икки маънода ишлатилган: "улуғ тангри, худо"; "кўк, осмон". Бу сўзнинг "худо, илоҳ" маъноси ҳам турли динларда турлича тушунилган. Кўк тангри диний тушунчасидаги кӧк тӓңри "кўкдаги тангри"ни билдирган. Монийлик динида эса қуйидаги тасаввурлар амал қилган: *Кўн Тӓңри – Қуёш тангри, Ай Тӓңри – Ой тангри, Йашын Тӓңри - Яшин тангри, Йэл Тӓңри – Ел тангриси. Турк буддистлар тушунчасида Тӓңри тӓңриси - Олий тангри Буддадир. Мусулмон туркларда Тӓңри – Ҳақ таоло (Аллоҳ)-дир*[32]. "Олтун (тусли) ёруғ" ёдгорлигида лексеманинг "ҳукмдор, жаноб" семаси кузатилади: *бу савығ эшитип, мэн ӧтрў оларқа инча тэп тэдим айа эдгўлӓрим тӓңрилӓрим!* – бу сўзни эшитиб, уларга шундай дедим: эй менинг яхшиларим, ҳукмдорларим! (ДТС,

[32] Содиқов Қ. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. –Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2006. –Б. 181.


www.ziyouz.com kutubxonasi

544) Қиссада тадқиқ этилаётган сўзнинг арабча **Аллāҳ**, форс-тожикча **Худā** маънодошлари ҳам келтирилган: *Айды: тануқмэн Аллāҳ бир турур, Йунус аныҳ йалавачы турур* (152r19); *Айды: Худāйā сам'ун алиймсэн* (152r8).

"Рост, ҳақиқий, тўғри" маъноси **чин** (МК, I, 326) ўзлашмаси ёрдамида берилган: *Билқис айды: Сулаймāн чин йалавач эрмиш* (149r17). Ушбу сўз биринчи марта қадимги туркий тил ёдномаларида ифодаланган (ДТС, 149). Обида сўз бойлигида лексеманинг туркийча **кöни**, форс-тожикча **рāст** ва арабча **ҳақиқат** синонимлари ҳам кўзга ташланади: *Ҳикмат ма'ниси кöни бышығ ишлик болур* (163v11); *Аны сынағайн тэб бу ишни қылдым, атам сöзи рāст чықты* (164v8); *Ҳақықат билдиким сэни кимэрсä кöрмäс эрмиш* (121v18).

**Чаң** лексемаси "мусиқа асбоби" семасини ифодалашга хизмат қилган: *Йана сöрдиким: чаң, танбур, қопуз чалмоқ бэлгўрдиму?* (177r7). Термин "Олтун (тусли) ёруғ" ёдгорлигида "қўнғироқча", Маҳмуд Кошғарий "Девони"да "зарбли мусиқа асбобининг тарелкаси" маъноларида келган: *Сол илигинтä чаң тутар* (ДТС, 139).

### 3.2.4. Юнонча ўзлашмалар

Ҳеч қачон ҳеч қайси халқ, элат бошқа халқлардан узилиб қолган, ўз ҳолича яшаган эмас, акс ҳолда, ҳеч қандай тараққиёт бўлмаган бўлур эди. Энг қадимий ва антик даврларда узоқ масофаларни от-уловларда босиб ўтиш анча мушкул бўлган вақтларда аждодларимиз Миср, Бобил, Марказий Греция, Юнонистон каби мамлакатлар билан алоқа қилганлар[33]. Дарҳақиқат, эрамиздан аввалги VI-V асрлар, яъни аҳамонийлар даврида грек карвонлари Буюк ипак йўли,

[33] Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. –Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б. 3.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Эрон ва Марказий Осиё орқали Ҳиндистон, Хитой, Олтой, Жанубий Сибиргача бориб савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланганлиги тарихий манбаларда акс этган. Шу ўринда яна таъкидлаш лозимки, турли соҳага оид қадимги юнон манбаларининг араб тилига таржима қилинганлиги илм аҳлига яхши аён. Демак, туркий тиллар сўз бойлигидаги юнонча ўзлашмалар асрлар мобайнида олиб борилган маданий муносабатлар ва араб тили таъсирида кириб келган.

"Қисаси Рабғузий" асарида истифода қилинган юнонча лексемалар камсонли бўлиб, улар асосан араб тили орқали ўзлашган. Хусусан, **зумурруд** атамаси "олий сифатли, оч яшил тусли қимматбаҳо тош" маъносини англатган: *Мэ'ра̄жқа ашурды, бир кэсӓк зумурруддин улуғлықы анча тэңлиг ким аның муқа̄баласингӓ йэти қат йэр ва кӧк йӓба̄ндақы халқа мэңизлығ* (218v9). XIV аср Хоразм ёдномаларида **зумаррад, зумурруд** шакллари мавжуд: *Бу икки қапуғ йашыл зумараддын* (НФ, 19б16); *Зумурруд нат'ы азақлар астында* (ХШ, 14а10).

**Мармар** сўзи "ганч" семасини англатиш учун хизмат қилган: *Қызыл алтундын тӧрт азақларыға мармар орнатмыш* (146v19). Айни пайтда, қисса тилида унинг арабча **руха̄м** синоними ҳам истеъмолда бўлган: *Ул шаҳар ортасында бир мина̄ра кӧрдӱм руха̄м ташыдын* (141r21).

**Дирам** "кумуш пул" маъносини билдирган: *Ҳар кӧндӓ бир арқа отунны ба̄за̄рда сатиб тӧрт дирамгӓ, икисини садақа қылыб, икисигӓ аш алыб анасыға барур эрди* (128r18). Мазкур сўз дастлаб «Тафсир»да **дирҳам** (116б1) шаклида учрайди. «Гулистон бит-туркий»да **дирам, дирҳам** (83а8) фонетик вариантлари ишлатилган: *Икки дирам ӱчӱн қолун кэсгӓйлӓр* (95б13).


www.ziyouz.com kutubxonasi

Муаллиф «китобча шаклида тикилган, муқоваланган ва хат ёзиш ёки расм чизиш учун мўлжалланган тоза қоғоз варақлари»ни **дафтар** тарзида изоҳлайди: *Қамуғ āсий умматларимның дафтарларин ғуфрāн суви бирлä йуп йоқ йозун қилғаймэн* (238r7). «Қутадғу билиг» достони ҳамда XII-XIV асрларга оид уйғур ҳуқуқий ҳужжатларида бу лексема «китоб» маъносида келган: *Оқыр эрсä дафтар уқар эрсä сöз* - китоб ўқиган сўз маъносини яхши англайди (ҚБ, 96); *Улуғ дафтарда битимиш* (ДТС, 159).

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида «минтақа, ҳудуд, ўлка» маъносини англатган **иқлим** (ДТС, 211) истилоҳи «Қисаси Рабғузий»да ўз семасини давом эттирган: *Йэти иқлим урарлар кўндä башар навбатын* (181r16). Хоразм манбаларида «минтақа», «мамлакат» маъноларида қайд қилинган: *Йэти иқлим тахты хāлы болды* (ХШ, 31б3); *Öзгä иқлимға барыб нэ ҳāл билäн болса тирилайын* (Г, 24а10). Профессор Ш.Раҳматуллаев ушбу лексема этимологиясини қуйидагича изоҳлайди: ьiqlim > иқлим; асли «кесди» маъносини англатувчи qalama феълининг (АРС, 657) IV боб шаклидан ҳосил қилинган масдар бўлиб, араб тилида «минтақа», «климат» маъносини, ўзбек тилида эса асосан, «об-ҳаво, ер-сув шароити» маъносини англатади; етти иқлимда бирикмаси таркибида «минтақа» маъноси билан қатнашади (ЎТЭЛ, II, 188).

Қисса тилида македониялик «Александр» **Искандар** деб юритилганлигига гувоҳ бўлдик: *Ул қуш Искандаргä айды: мунда нэ ўчўн кирдиң* (177r2). Айни пайтда мазкур сўз Искандарийя топонимининг юзага келишига асос бўлган: *Аймышлар: Бу муқāбала Искандарийада эрди* (112v6).

Асарда «Довуд пайғамбар даврида яшаган аллома» **Луқмāн** деб номланган: *Луқмāн Дāвуд йалавач вақтын-*


www.ziyouz.com kutubxonasi

да *эрди* (163v7). Ушбу исмни даставвал «Қутадғу билиг»-да учратамиз: *Ашасу йашасуны Луқман йылы – Луқмон ёшига етгунча яшасун, гуллаб яшнасун* (ДТС, 334).

Обидада **Сāфиййа** пайғамбаримиз (С.А.В.) хотинларидан бирининг исми сифатида берилади: *Аймышлар: аты Сāфиййа эрди, жуҳудлар улуғи Ҳуаййи бин Ахтаб қызы эрди* (227r5). Сāфиййа қадимий юнонча София «ақл, донишманд» сўзидан келиб чиққан[34].

**Иблис** ўзлашмаси «инсонларни ёмон йўлга бошловчи шайтон» маъносини ифодалаган: *Зулқарнайн қорқты, қуш айды: қорқмағыл мэн Иблисмэн* (103v7). Хоразм ёдномалари тилида мазкур лексема ўз семасида истеъмолда бўлган: *Ош қаршумда Иблис кэлиб турур* (НФ, 114б7). Шунингдек, тадқиқот объекти қилиб олинган манбада антропонимнинг арабча **шайтāн** синоними ҳам келтирилган: *Шайтāн васваса қылды: мунча олтун, мунча тэвäдин маҳрум=мӯ қалурсэн* (195v9).

Илк бор эски туркий адабий тилнинг дастлабки ёдгорликларида истифода этилган **Рум** «Рум, Византия» (ДТС, 479) топонимини «Қисаси Рабғузий» луғат таркибида ҳам учратиш мумкин: *Аймышлар Румда бир малик бар* (178r2). Бундан ташқари, топонимни изофали бирикма таркибида ҳам учратиш мумкин: *Йарлығ келди: эй Мусā Рум дэңизи тақы Фāрс дэңизи қавушған йэргä барғыл*(129r17). Мазкур лексема «Тафсир»да ҳам кузатилади: *Рум тарсāларындын бир тарсā кäлиб анда мäлик маликäткä олтурды* (9б2).

Қиссада «сув ичиладиган ясси косача» **пийāла**, «осма чироқ тури» эса **қандил** деб номланган: *Қāрунма алтун пийāла чықарыб Мусā утрусында қойуб мутриблар ҳāзир қылыб ...хамр ичäр эрди* (124v12); *Бутақлары кумушдин бир қандил қылды* (34r9). Ҳар иккала лексема олдинги давр ёдномаларида кузатилмайди.

---

[34] Успенский Л. Ты и твоё имя. –Л.: 1962. –С. 626.


www.ziyouz.com kutubxonasi

### 3.2.5. Арабча ўзлашмалар

Маълумки, ўзбек тилига арабча сўзларнинг кириб келиши Ўрта Осиёнинг араблар томонидан истило қилиниши ва унинг ижтимоий-сиёсий оқибатлари билан алоқадор.

Араблар VII асрнинг иккинчи ярми - VIII асрда Ўрта Осиёни босиб олганларидан сўнг ерли аҳолига мажбурий равишда ислом динини қабул қилдирганлар. Мактаб, мадраса, масжид ва идора ишлари асосан араб ёзуви ҳамда араб тилида олиб борилган. Шу тариқа, араб тилининг китобий тил ва давлат тили бўлиб қолиш анъанаси анча вақтгача давом этиб келган[35]. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий аҳолининг араб тилини пухта ўзлаштиришига, шунингдек, ўзбек-араб икки тиллилиги (билингвизм) ҳодисасининг юзага келишига олиб келди[36]. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, араблар ҳукмронлиги даврида араб ёзуви маҳаллий ёзувлар (туркий рун, хоразм, суғд)ни сиқиб чиқарди. Илмий ва бадиий асарлар араб тилида битилди. Натижада, маҳаллий аҳоли вакиллари ўз она тили билан бир қаторда, араб тилида ҳам ёза ва гапира оладиган бўлди. Ўрта Осиёлик машҳур олимлар – Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Форобий, Аҳмад Фарғонийлар ўз илмий асарларини араб тилида ёзганлар[37].

Европада лотин тили бир вақтлар халқаро тил, илм-фан тили бўлганидек, араб тили ҳам Осиёда уч юз йил давомида шунга ўхшаш мавқеда бўлган. Бунда

---

[35] Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек тили тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1995. –Б. 42.

[36] Қаранг: Щербак А. К истории узбекского литературного языка древнего периода//Академику В.А.Гордлевскому к его 75-летию. –М.: 1953. –С. 317-323.

[37] Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Т.: Фан, 1985. –Б. 109.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзбек, тожик олимлари, ёзувчиларининг роли жуда каттадир... Агар тожик сўзлари ўзбек халқига сўзлашув тили, адабиёт ва бошқа йўллар орқали ўзлашган бўлса, араб сўзлари, биринчидан, китоб, мадраса, дин, иккинчидан, тожик тили воситасида кирган[38]. Араб тилининг ўзбек тилига кириб келиши, айниқса, VII-VIII асрларда кўпроқ юз берган. XIV-XV аср эски ўзбек тилида араб тили лексикаси сезиларли қатламни ташкил этади[39]. Шу боис, Навоий асарлари тилида маълум тарихий сабаблар натижасида араб ва форс-тожик тилларидан олинган сўз ва иборалар ҳар қачонгидан ҳам кўп. Шоир поэтик ва илмий асарлари тилидаги сўз бойлигининг тахминан 30-33 фоизини араб тилидан кирган сўзлар ташкил қилади, форс-тожик лексик унсурлари ҳам 18-20 фоизгача боради[40].

Ўзбек тилига араб тилидан сўз олиш, асосан, ўзбек-араб билингвизми даврида (VII-IX асрларда) кучли бўлди. Кейинги даврларда ўзбек тилига янги сўзлар сезиларли даражада қабул қилинмаган, кейинчалик эса ўзбек тилига кирган арабча унсурлардан бир қисмининг эскириши ва ўзбек тилидан чиқиш жараёни юз берди. Алишер Навоий тилида ишлатилган кўпгина арабча сўз ва иборалар XIX аср ўзбек тилида, шунингдек, ҳозирги ўзбек адабий тилида учрамайди. Араб тилининг ўзидан бевосита сўз олиш XI асрдаёқ деярли тўхтаган эди. Аммо турли даврларда арабча манбаларда, шунингдек, эски ўзбек тили ёзма ёдгор-

---

[38] Усмонов С. Ўзбек тилининг луғат составида форс-тожикча ва арабча сўзлар//Навоийга армуғон (тўплам) –Т.: Фан, 1968. – Б. 123.

[39] Боровков А. О языке узбекской поэзии//Общественные науки в Узбекистане. –Т.: 1961. №10. –С. 42-43.

[40] Абдуллаев Ф. XV аср ўзбек адабий тилининг диалектал асослари масаласи//Навоий ва адабий таъсир масалалари. –Т.: 1968. –Б. 254.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ликларида сақланган арабча сўз гуруҳлари у ёки бу даврларда фаоллашиб турди. Масалан, XX аср бошларида ўзбек тилида илмий терминлар сифатида фаол истифода этилган арабча сўзлар ана шу кейинги манбалардан олинган[41].

Юқорида қайд этилганидек, турли муносабатлар орқали араб сўзлари туркий тилларга ўзлашгани каби ўз навбатида туркий лексемалар ҳам араб тили луғат таркибидан ўрин эгаллаган. Масалан, қовурма, ёток сингари. Ҳатто –чи, -лик, -сиз аффикслари сўз таркибида ўтиб, арабча лексемаларга қўшилиб, янги сўзлар ясаган[42].

XIV аср обидаси саналган «Қисаси Рабғузий» асари пайғамбарлар ҳаёти ва фаолиятига бағишланганлиги, Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф ҳамда бошқа диний манбалар асосида яратилганлиги боис, унда талайгина арабий сўзлар учрайди. Ёднома сўз бойлигида қўлланилган арабча истилоҳлар сони жиҳатдан туркий лексемалардан кейин иккинчи ўринда туради.

Тадқиқот объекти қилиб олинган ёдгорликда жамиятнинг турли соҳаларига оид арабча сўзлар мавжуд. Хусусан, **аввал** лексемаси «биринчи»: *Аввал улким оғры турур, икинч айбы қачғақ турур* (73r10); «бошида»: *Қысқа болмасун тэб қач ҳарф фāйидалари қысса аввалинда йāд қылынды* (65v21); «дастлабки, илгариги»: *Қамуғы қарарды аввалги ҳāлынға öврўлди* (177r10) маъноларини англатган. Ўзлашма илк бор «Ҳибатул-ҳақойиқ» асарида «биринчи навбатда», «олдин» семаларида келтирилган: *Ары заҳри татқу асалдын аввал* – асал ейишдан олдин ари заҳрини тотиб

---

[41] Бегматов Э. Кўрсатилган асар. –Б. 111; Қаранг: Боровков А. О языке узбекской поэзии//Общественные науки в Узбекистане. –Т.: 1961. №10. –С. 42-43.

[42] Захиди А. Слова тюркского происхождения в современном арабском языке. АКД. Баку, 1967. –С. 7.



www.ziyouz.com kutubxonasi

кўриш керак (ДТС, 76). XIV аср Хоразм манбаларида қуйидаги маъноларда ифодаланган: «биринчи, дастлаб»: *Аввал кӧрӯшкäниң айтур* (Мн, 291а11); «бошида»: *Тэкмä фасл аввалинда бир ҳадис кэлтӯрдӯк* (НФ, 2а12); «бошқатдан, қайтадан»: *Шарбатны ул ҳабиб илиндäн алыб ичтым дағы умрни аввалдäн ҳисāб этдим* (Г, 121б11). Бу арабча сўз ьavvalu шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига фатҳали ҳамзани а товушига алмаштириб, сўз охиридаги u унлисини ташлаб қабул қилинган: ьavvalu >аввал (ЎТЭЛ, II, 9).

Қиссада «сақлаб бериш, вақтинча фойдаланиш ёки бошқа бир кишига элтиб бериш учун топширилган нарса» семаси **āмāнат** сўзи ёрдамида ёритилган: *Айтур эй оғлум бу сандуқ ичиндä киши āмāнаты бар* (28г20). Мазкур лексемага даставвал «Қутадғу билиг» асарида дуч келамиз: *Āмāнат билä болса кӧңли сӯзӯк* – омонат билан кўнгли покланса (ДТС, 75). «Нахжулфародис»да сўз ўзининг асл маъносида ишлатилган: *Бу нарсаларны саҳāбаларқа āмāнат қойдылар* (НФ, 3864). Кези келганда айтиш жоизки, ўзлашма сифат ясовчи –лығ/-лиг аффикси билан биргаликда янги сўз ҳосил қилишда иштирок этган: *Абу Айуб Ансāрий бозчы эрди, āмāнатлығ, хийāнатлығда асығлығ* (221г1). ьamānat → āmāнат сўзи асли «хавф-хатардан холи бўлди» маъносини англатувчи ьamina феълининг 1 боб масдарини бўлиб, араб тилида «ишончлилик», шу маънодан ўсиб чиққан «сақлаш учун ишониб топширилган нарса» ва бошқа семаларни билдиради (ЎТЭЛ, II, 343).

**Балā** (Мн, 303а2) истилоҳи «бирор воқеа-ҳодиса, ҳаракат туфайли юзага келган офат, фалокат» маъносини ифодалаган: *Онынчы кӯн балā кэлгäй тэб малик қатыдын чықты* (153v14). Ушбу ўзлашма биринчи марта Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достонида учрайди: *Қолса андын балāны йыға* – илтижо қилса,


www.ziyouz.com kutubxonasi

Худо ундан балони йироқ қилар (ДТС, 90). Айни пайтда, лексема ўрганилаётган ёдномада туркийча - сыз/ -сиз қўшимчаси ёрдамида сифат ясашда ҳам қатнашган: *Бэлгўлўк балā турур, балāсыз кимэрсäгä балā йоқ* (83v19). Balāъ → балâ асли balā феълининг «азоб берди», «қийнади» маъносидан ҳосил қилинган масдар бўлиб, араб тилида «қийноқ», «бахтсизлик» каби маънони, ўзбек тилида эса «кулфат», «офат», «фалокат» сингари маънони англатади (ЎТЭЛ, II, 65). Қиссада терминнинг арабча **āфат** синоними ҳам қўлланилган: *Эй Расулниң қумартғусы силāҳни қозғыл, санчышмағыл, кэрäкмäз ким бир āфат тэгсä сэндин йимä маҳрум қылсамиз* (242v18).

Обида сўз бойлигида **баракат** «Оллоҳнинг марҳамати, яхши натижали» семасини очишга хизмат қилган: *Йа'ни бир қой бир баракат, ики қой ики баракат, уч қой ганж* (13v13). Текширилаётган сўз «Нахжул-фародис» асарида ўз маъносида ишлатилган: *Тäңри баракат бэрсўн саңа* (1364). Шунингдек, лексема янги сўз ясашда асос вазифасини ўтаган: *Йана аймышлар: амалл äри йулғун ўчўн баракатсыз турур* (18r8).

Мазкур истилоҳ кўпмаъноли baraka феълининг "Оллоҳ эҳсон қилди, тўкин-сочинлик бўлди" маъносидан ҳосил қилинган (ЎТЭЛ, II, 67).

Ёдгорликда «хабар, мужда» семаси **башāрат** (НФ, 1364) лексемаси орқали берилган: *Башāрат: Бу кун дунйāда Йусуф шафāаты бирлä Раййāн малик зиндāнлығларны āзāд қылды* (91v19). Бундан ташқари, ушбу сўз –лығ/-лиг аффикси билан бирикиб, **башāратлығ** сифатини ясаган: *Ибāдатлығ, ҳидāйатлығ, ишāратлығ, башāратлығ... Муҳаммад Мустафā саллалāҳу алайҳи вассалам* (2r6). Башāрат «яхшилик воқе бўлишини сезди» маъносини англатувчи башира// башара феълидан ҳосил қилинган масдар бўлиб,


www.ziyouz.com kutubxonasi

«хушхабар», “нимадир воқе бўлишини олдиндан айтиш” сингари маъноларни билдиради. Бу сўз ўзбек тилида аёл кишининг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади (ЎТЭЛ, II, 70).

**Вақт** сўзи «пайт», «замон, давр» маъноларини билдирган: *Ҳақ айғу вақт кэлди* (90v20); *Мустафā алайҳиссалāмның улуғ атасы Абдул Мутталиб вақтында замзам қудуғы қурыды*(50r1). Лексема дастлаб Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достонида қайд этилган: *Бу Буғрахан вақти ичрä аны/йэмä хан тилинчä айтмыш муны* (ДТС, 632). Мазкур арабча сўз vaqt (un) шаклига эга; «муддат белгилади» маъносини англатувчи vaqata феълининг I боб масдари бўлиб, «замон», «фурсат», «пайт» каби маъноларни умумлаштирган ҳолда англатади (ЎТЭЛ, II, 91). Айни пайтда асарда ўзлашманинг туркийча **оғур**, арабча **замāн** синонимлари ҳам учрайди: *Ул оғурда Лут алаҳиссалāм Мақдис йэриндä қош уй алыб ашлық тарийур эрды* (57v18); *Дāвуд ул замāн табы зāҳидларға бармыш эрди* (134r6).

**Давлат** ўзлашмаси «бахт, омад», «бойлик, мол-мулк» маъноларида қўлланилган: *Йана сорды: давлат кимдä болды? Айды: Расулға болды кāфир чэриги сынды* (222r13); *Али уруғының давлати кэтти, бу кўн давлат бизгä болды* (242r21). XIV аср Хоразм ёдгорликларида мазкур сўзнинг ҳар икки семасини кўриш мумкин: *Куйаштэк давлатиң, тāбанда болсун* (Мн, 294б2); *Сэн ушбу давлатынға болма мағрур* (ХШ, 106б16). Лексема дастлаб «бахт, омад» маъносида «Қутадғу билиг» достонида кўзга ташланади: *Йā Раб ўстä давлат тўкäл қыл тилäк* – эй Худо, бахти ва тилагини бутун қилгин (ДТС, 159). Айни пайтда, ушбу ўзлашманинг сўз ясаш жараёнида иштирок этганлигини қуйидаги мисолдан билса бўлади: *Кисрāның бир чэриг бэги бар эрди, Шāҳбазāд атлығ, давлатлығ (ба-*


www.ziyouz.com kutubxonasi

*давлат) эрди, қайу элгä йӯз урса алур эрди* (231r6). Маълум бўладики, текширилаётган истилоҳнинг ҳозирги «мамлакат» (ЎТИЛ, I, 537) маъноси кейинги давр маҳсули ҳисобланади.

Ёдномада «сиғиниш, топиниш» маъноси **ибāдат** ўзлашмаси орқали ёритилган: *Қачан умри тамāм болды эрсä, бир кӯн миҳрāбда ибāдат қылур эрди* (151r6). Бу сўз биринчи марта Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул= ҳақойиқ» асарида истифода этилган: *Ибāдат рийā болды* (ДТС, 201). Шунингдек, сўз сифат ясовчи –лығ/-лиг аффикси ёрдамида янги сўз ҳосил қилишда ўзак морфема сифатида қатнашган: *Ибāдатлығ, ҳидāйатлығ, ишāратлығ, башāратлығ... Муҳаммад саллалāҳу алайҳи васаллам* (2r6). «Қисаси Рабғузий»да ўрганилаётган лексеманинг туркийча **тапуғ**, арабча **тāат** синонимлари ҳам ишлатилган: ***Эй Қāрун Фир'авн аллында кӯндä тӧрт этмäк ӯчӯн тапуғ қылмасму эрдиң*** (125v11); ***Анда йэмä ӯкӯш тāат қылды эрсä, икинч қат кӧккä ағдурды*** (4v5). Ъibādat >ибāдат «сиғинди», «сажда қилди» маъносини англатувчи ъabada феълининг I боб масдари бўлиб, «сиғиниш», «Оллоҳга қуллуқ қилиш» маъносини билдиради (ЎТЭЛ, II, 154).

Асарда «номозни бошқарувчи, номозда олдинда турувчи киши» **имāм** деб номланган: ***Қамуғ имāмлар*** *миҳрāбда, қамуғ* ***āлимлар минбарда*** (82v16). Мазкур термин «Нахжул-фародис»да ўз маъносида қўлланишда давом этган: *Тӧрт* ***имāм*** *байāны* (2a14). Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ёдгорликда **имāм** ўзлашмасининг «бошлиқ, раҳбар» семасини ҳам кузатиш мумкин: *Агар Ибрāҳим пайғамбарны халқға имāм қылдым эрсä, Муҳаммад Мустафāны ми'рāж тӯниндä Байт улмуқаддасда қамуғ пайғамбарларға, йэтти қат кӧк фариштаlāригä имāм қылдым* (198v12, 13).

ъimām>имāм асли «олдда турди» маъносини анг-


www.ziyouz.com kutubxonasi

латувчи ьamma феълининг «намоз ўқувчиларга раҳбарлик қилди» маъноси билан III боб шаклидан ҳосил қилинган масдар бўлиб, «намоз ўқувчиларга раҳбарлик қилувчи киши» семасини ифодалаган (ЎТЭЛ, II, 166).

Обида луғат таркибида Худо томонидан Муҳаммад алайҳиссалом орқали юборилган охирги диний таълимот **ислāм** деб аталган: *Аймышлар: Кўнä исламны қабул қылды* (142v7). Лексема даставвал «Ҳибатулҳақойиқ» достонида келтирилган: *Ғариб эрди ислāм, ғариб болды баз* (ДТС, 214). Кези келганда, ўзлашманинг -луғ/-лўг, -сыз/-сиз аффикслари билан қўшилиб, янги сўзлар ясашга замин бўлганлигини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир: *Тäңри азза ва жалла йолында анча тэңлик қатығланды, ислāмлуғлар арасы йэти йўз минбар қопарды* (239r19); *Аймышлар: Кўнä ислам қабул қылды, Сулаймāн сэвмишдин ислāмсиз алмыш эрди* (142v8).

Ьislām>ислāм асли salima феълининг «бўйсунди», «бош эгди» маъносини англатувчи IV боб шакли ьislaта феълидан ҳосил қилинган масдар бўлиб, араб тилида «Оллоҳга итоат қилиш», мусулмон бўлиш, al артикли билан ишлатилганида эса, «ислом дини» маъносини англатади. Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг исми сифатида ҳам қўлланилади (ЎТЭЛ, II, 175).

Рабғузий «сўз» маъносини очишда арабча **калима** истилоҳидан фойдаланган: *Тöрт булуңда тöрт калима айтыб ташны қозды* (52v19). Ўзлашма «Нахжул-фародис»да ҳам айни семада ишлатилган: *Бир кўн нāгāҳ ағзыдын бисмиллāҳ калимаси чықты* (8365). Шу билан бирга, лексема изофали бирикмалар таркибида келиб, «қисқа нутқ» маъносини берган ҳолатлар ҳам мавжуд: *Расул калима=и тавҳид қылды* (197r4).

Kalimat >калима кўп маъноли kalama феълининг «сўзлади» маъноси билан ҳосил қилинган I боб масда-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ри kalim(un) сўзининг –at(un) қўшимчаси қўшилган шакли бўлиб, араб тилида «сўз», «сўзлар», «қисқа нутқ» маъноларини англатади. Ўзбек тилида асосан “сўз” семасини билдириш учун қўлланади (ЎТЭЛ, II, 193). Тадқиқ қилинаётган манбада истилоҳнинг туркийча **сöз, сав**, арабча **калāм, қавл** синонимлари ҳам қайд этилган: *Андағ қылдылар, сöз эшиттилäр хушландылар* (120v4); *Ибрāҳим алайҳиссалāм бир кэчä тўш кöрди Лутнуң бир кимэрсä бирлä сöзи савы болды тэб*(59r16); *Айғыл: улуғларын сэниң бирлä изсўнлäр калāм эшитсўнлäр* (120r13); *Бу қавлны хатā тэмишлäр* (146r12).

Муаллиф Аллоҳни танимовчи ғайридинни **кāфир** (ХШ, 96а10) дея зикр қилган: *Ба'зилар аймышлар: эвдин эвгä йориди кāфирларгä хабар қылды* (60v4). Бу сўзга илк маротаба Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида дуч келамиз: *Йағылағу кāфир йағысын қатығ* – душман кофирларга аёвсиз курашиш лозим (ДТС, 288). Kāfir>кāфир кўп маъноли kafara феълининг «динга ишонмади» маъноси билан ҳосил қилинган 1 боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб, ўзбек тилида «Оллоҳга, динга ишонмайдиган», «ғайридин» маъноларини англатади (ЎТЭЛ, II, 204).

**Малик** термини қуйидагича маъноларни касб этган: 1) «ҳукмдор, подшоҳ»: *Малик сорды: бу оғланны қайдын алдың?* (33r19); 2) «Аллоҳ»: *Нийāзын бэнийāз малика арза қылды, айды: Илāҳий, Йусуфниң öлўкин-тирикин мэңä билдўргил* (79v9). Биринчи маъно илк бор «Қутадғу билиг» достонида, иккинчиси эса, «Ҳибатул-ҳақойиқ» асарида ўз ифодасини топган: Машрық малики (ҚБ, 5); *Қазалар йўрўткäн йаратқан малик* – тақдирларни йаратган Аллоҳ (ДТС, 339). Шунингдек, ўрганилаётган лексема туркийча -лық/-лик, -сыз/-сиз аффикслари орқали от ва сифат сўз


www.ziyouz.com kutubxonasi

туркумларига доир сўзлар ясаган: *Йалавачлық тақы маликлик бу он ики сибт арасыда ӧврўлўр эрди* (131v8); *Бани Исрāил ҳаргиз маликсиз йалавачсыз қалмас эрдилäр* (131v10). Термин баъзи антропонимлар таркибида ҳам кўзга ташланади: *Акуз Малик бин Мāрихға хабар болды* (142r6). Профессор Ш.Раҳматуллаев **малик** сўзининг этимологияси хусусида шундай фикр юритади: malik>малик malaka феълининг «ҳукмронлик қилди» маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб, подшоҳ маъносини англатади; бу сўз ҳозирги ўзбек тилида антропоним сифатида ишлатилади (ЎТЭЛ, II, 230). Қисса тилида мазкур терминнинг форс-тожикча **пāдшāҳ**, арабча **султāн**, туркийча **хан** синонимлари ҳам истифода этилган: *Қуртқа айды: бу иш битсä Райāн пāдшāҳ ӧлгäндин соң Румдин чэрик кэлгäй* (88r7); *Ул султāн ӧлгäндин соң ӧзгä султāн олтурды* (164v11); *Кӧп чэригни басты ханлар, ишқ чэригин ким басар* (77v4).

**Ма'сийат** сўзи «гуноҳ» семасини англатган: *Аймышлар: ма'сийатини битигäн фаришта кўндä кэлўр* (199r20). Истилоҳ от ясовчи –лығ/-лиг қўшимчаси билан бирикиб, янги лексема ҳосил қилишда иштирок этган: *...Бу кўн ма'сийатлыг бир авуч булғануқ умматны бизгä ысбарлағыл* (238r11). Шу ўринда қиссада ўзлашманинг туркийча **йазуқ**, форс-тожикча **гунāҳ**, арабча **вабāл** маънодошлари ҳам қўлланганлигини қайд этиш лозим: *Аввал хатā ул кабира йазуқ болғай* (145r11); *Йана буларға айды: сизлäрни йарлықадым, эттäн гунāҳларинизни кэчўрдўм* (98v21); *Андағ жамāл кӧрўбäн, Ким сэвмäсä вабāл ул* (78v19).

**Мухр** термини ўзида қуйидаги маъноларни мужассам этган:

а) «тамға, белги»: *Чықарды эрсä ики йағрыны арасында муҳрни кӧрди* (189r16). Бу ўринда ўзлашма тур-


www.ziyouz.com kutubxonasi

кийча **тамға**, форс-тожикча **нишāн** сўзи билан маъ-нодошлик қаторини юзага келтирган: *Эй савчылар тамғасы мунуңтэк карāмат бирлä бизлäрдин артуқ болдың* (211r5); *Луқмāни ҳаким айтур: абдāлларның нишāни ӯч турур* (201r8);

б) «шахс номи ёзилган матннинг қабариқ ёки ботиқ тасвири бўлган босма шакли»: *Бу хатны битиди, муҳр қылыб ҳудҳуд қушға бэриб айды: муны барыб Билқисға бэргил* (147v6). Muhr>муҳр ўзлашмаси кўпмаъноли mahara феълининг «тамға босди» маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб, асли «тамға» маъносини англатган, кейинчалик «печать» маъносини англата бошлаган (ЎТЭЛ, II, 309).

Бундан ташқари, лексема –лығ/-лиг аффикси билан бирикиб, сифат туркумига доир сўз ясаган: *Āхир умри болды эрсä Жабрāил бир муҳрлиг хат кэлтӯрди* (136v5).

Ёдномада «қурол, аслаҳа» маъносини ёритишда арабча **силāҳ** истилоҳидан фойдаланилган: *Эй Расул қумартғусы силāҳны қозғыл* (242v18). Ўз навбатида, ушбу сўз –лығ/-лиг аффикси орқали сифат туркумига оид лексема ясашда қатнашган: *Қамуғ силāҳ-лығлар айды: сизлäр қапуғда олтуруң* (244v5).

**Фитна** сўзи «ғаразли мақсадга эришиш йўлида қилинадиган яширин хатти-ҳаракат» семасини ифода-лаган: *Хабарда андағ кэлмиш қачан йалавачларны ӧлтӯрсäлäр фитна болур эрди* (168v12). Мазкур исти-лоҳ биринчи марта «Қутадғу билиг» асарида учрайди: *Кӯдäзсӯ уған Тäңри имāнымыз/кӧтӯрсӯ бу фитна бала эсиз из* - ҳамма нарсага қодир Аллоҳ имонимизни сақласин/фитна, бало ва ёмон хатти-ҳаракатларни бартараф қилсин (ДТС, 194). Айни чоғда ўзлашма туркийча – лық/-лик қўшимчаси ёрдамида мавҳум от ҳосил қилган: *Исā айды: Мавлāдын қорқуң, фитналик*


www.ziyouz.com kutubxonasi

*қылмаң, му'мин эрсäңиз* (171v17). Fitna>фитна кўпмаъноли fatana феълининг «иғво гаплар тарқатди» маъноси билан ясалган I боб масдари бўлиб, «иғво уюштириш» маъносини англатади (ЎТЭЛ, II, 468).

Шу билан бир қаторда, асарда лексеманинг арабча **фасāд** синоними ҳам қўлланишда бўлган: ...*Қамуғ фасāд қылғанлар, хамр ичгäнлäр, ўн öткўргäнлäр, отға тапунғанлар* (17r19).

Обида луғат бойлигида **хāдим** ўзлашмаси «хизматчи» маъносида кўзга ташланади: *Андағы хāдимлар асраб, он ики йашаса масжид сўпўруб чирāғ йақар эрдилāр* (166v7). Ўз навбатида, таҳлил қилинаётган сўз янги лексема ясашда ҳам иштирок этган: Айдылар: *Эй малик бир эр бу бутға хāдимлық қылса* (32v5). Ушбу атама hadama феълининг «меҳнат фаолиятини адо этди» маъноси билан ҳосил қилинган I боб аниқ нисбат сифатдоши бўлиб, араб тилида отлашиб «хизматчи», «хизматкор» семаларини, ҳозирги ўзбек тилида «бирор идора, муассасада ишловчи киши» маъносини англатади (ЎТЭЛ, II, 486). Қисса тилида туркийча **тапуғчы** термини ҳам текширилаётган маънода ишлатилган: *Йусуфдын тапуғчылар кэлди* (106r3).

Рабғузий «шоҳидлик, «гувоҳлик», «шаҳидлик» маъноларини ёритишда **шаҳāдат** истилоҳидан фойдаланган: *Умматимниң тилини шаҳāдат ўзä мэн йöриттим* (212v12); *Шаҳāдат болса нусрат турур, учмахлық болур* (227r18). Шунингдек, сўзни изофали бирикма таркибида ҳам кузатиш мумкин: *Йана айды: халāйық калима=и шаҳāдатны қойдылар=му?* (177r9). Изланишларимиз терминнинг янги сўз ясашда асос вазифасини бажарганлигини ҳамда унга синоним тарзида туркийча **тануқлуқ** сўзи истифода этилганлигини кўрсатди: *Шаҳāдатлығ, саāдатлығ, ибāдатлығ, ҳидāйатлығ... Муҳаммад саллалāҳу алайҳи вассалам*(2r6);


www.ziyouz.com kutubxonasi

*Оғлан кöни тануқлуқ бэрмäди* (84r19). Шаҳāдат кўпмаъноли шаҳида феълидан “ёзма тарзда гувоҳлик берди” маъноси билан ҳосил қилинган 1 боб масдари бўлиб, араб тилида “ёзма гувоҳнома” маъносини англатади; ҳозирги ўзбек тилида бу сўз аёл кишининг исми сифатида ишлатилади (ЎТЭЛ, II, 505).

**Қийāмат** ўзлашмаси “бу дунё тугаб, у дунёда ҳамма тирилиб, сўроққа тўпланадиган кун” маъносини билдирган: А*йдылар: Изийā бу Муҳаммад қийāмат кöрки эрмäс=мӱ* (188r14). Лексема даставвал “Қутадғу билиг” асарида қайд этилган: *Қийāматта кöркӱт толунтэк йӱзин* - қиёмат кунида ойдек юзини кўрсатгин (ДТС, 441). Qiyāmat>қийāмат “тирилди” маъносини ифодаловчи qāma феълидан ясалган (ЎТЭЛ, II, 533). Шу билан бирга, ёдгорликда зикр қилинган сўзнинг арабча **āхират**, **уқбā** маънодошларига ҳам дуч келамиз: *Дунйā ишин āхират ишигä бадал қылдым* (172r20); *Дунйāда тилäмäдилäр, ашā уқбāда āрзулағайлар* (122r14).

“Бирор иш-ҳаракатни тезроқ бажаришга интилиш” семаси **ғайрат** ўзлашмаси орқали очиб берилган: *Ғайратда, наслу насабда биздин улуғ йоқ* (191v1). Таъкидлаш жоизки, ушбу сўз −лан/-лäн аффикси билан биргаликда “ғайрат қилмоқ, руҳланмоқ” маъносидаги **ғайратлан=** феълини ясаган: *Аймышлар: қачан Мустафā алайҳиссалāм Сулаймāн ӱчӱн кӱн йанғанын эшитти эрсä ғайратланды* (140v14 ).

Gayrat>ғайрат сўзи “интилди” маъносидаги gāra феълидан ҳосил қилинганлиги тўғрисида маълумот мавжуд (ЎТЭЛ, II, 546).

Қисса тилида **ҳурмат** лексемаси “кимса ёки нарса қадр-қимматини тушуниб, уни улуғлаш, эъзозлаш” маъносида истеъмолда бўлган: *Бир нэчä иззат, ҳур-*


www.ziyouz.com kutubxonasi

*мат, улуғлуқ сэн сўрдўң* (127r2). Мазкур ўзлашма илк бор Юсуф Хос Ҳожиб достонида келтирилган: *Йарашур улуғқа кичиг ҳурмати* (ДТС, 200). Шу ўринда ўзлашманинг туркийча –лығ/-лиг, -сыз/-сиз аффикслари ёрдамида сифат туркумига оид сўзлар ясаганлигини алоҳида эътироф этиш даркор: *Қийаматға тэги оғланлары ҳурматлығ, давлатлығ бўлдылар* (126r17); *Макка халқы эшиттилāр қамуғ аңа имāн кэлтургāйлāр, биз иззатсыз ва ҳурматсиз болғаймыз* (196r8).

Hurmat→ ҳурмат "эҳтиром кўрсатди" маъносидаги haruma феълидан ҳосил қилинган (ЎТЭЛ, II, 597).

### 3.2.6. Қадимий яхудийча ўзлашмалар

"Қисаси Рабғузий" асари лексикасида араб тили, яъни Қуръони Карим ва бошқа диний манбалар орқали ўзлашган 49 та қадимий яхудийча сўз ҳам мавжуд. Улар асосан, фариштапар, пайғамбарлар ва уларнинг қариндошлари, оила аъзолари номини билдирувчи антропонимлардан иборат: Жабрāил - "хабар келтирувчи фаришта" Микāил - "фаришта", Нуҳ - "пайғамбар исми", Мусā, Исā, Ҳаввā - "Одам Атонинг хотини", Ҳāжар – "Иброҳим пайғамбарнинг хотини", Марйам – "Исо пайғамбарнинг онаси", Сāм – "Нуҳ пайғамбарнинг ўғли", Йусуф – "Ёқуб пайғамбарнинг ўғли" ва ҳоказо. Пайғамбар номлари VII-VIII асрдан бошлаб туркий халқлар тилига кириб келган. Бу ўринда шуни эслатиб ўтиш жоизки, пайғамбарлар исмларининг кўпчилиги Қуръони Каримга «Забур», «Таврот» ва «Инжил» сингари илоҳий китоблардан ўтган. Бир тилдан иккинчи тилга ўтиш жараёнида бу исмлар фонетик ўзгаришларга учраган ва Марказий Осиё халқлари учун мусулмон-исломий исм ҳисобланган. Шунинг учун бўлса керак кейинчалик


www.ziyouz.com kutubxonasi

пайғамбарлар номлари киши исми сифатида қўлланила бошлаган[43]. Обида сўз бойлигидаги қадимий яҳудийча антропонимлар филология фанлари доктори Н.Ҳусанов томонидан тадқиқ этилгани боис[44], улар хусусида батафсил тўхталишни лозим топмадик.

### 3.2.7. Форс-тожикча ўзлашмалар

Тарихдан яхши аёнки, Ўрта Осиё ҳудудида азалдан туркий аҳоли истиқомат қилган. Ўрта Осиё – Икки дарё оралиғида қадимдан форсий тилда сўзлашувчи аҳоли туркийлар билан биргаликда яшаб келган. Улар Аҳамонийлар ҳукмронлиги даврида (мил.авв. VI-IV асрлар) катта таъсирга эга бўлган бўлса, уларнинг кейинги йирик оқими Мовароуннаҳр ҳудудларига араблар билан бирга кириб келди[45]. Шу тариқа, туркийлар билан эронийзабон аҳоли ўртасида ижтимоий-сиёсий, маданий алоқа ва қўшилиб кетиш ҳоллари юз берган.

Турли этник қатламларга мансублигидан қатъи назар, ўзбек, тожик, озарбайжон ва Шарқдаги қатор бошқа халқлар асрлар давомида деярли бир хил ижтимоий-сиёсий шароитда яшаганлар, ишлаб чиқаришда бирга қатнашганлар, зулм ва зўрликка қарши бирgalашиб курашганлар. Бундай маданий-адабий алоқалар халқларнинг бир-бирига янада яқинлашувига, ҳамкорликларининг мустаҳкамланишига кўмаклашган[46].

Профессор Э.Бегматовнинг ёзишича, туркий уруғ ва қабила тиллари, жумладан, ўзбек халқи тилининг

---

[43] Ҳусанов Н. XV аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. –Т.: Ёзувчи, 1996. –Б.27.

[44] Ҳусанов Н. XV аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. Филол.фан.д-ри. диссер. –Т.: 2000. 243 б.

[45] Яхшиев А. Этногенез, ёзув, тил ва тарих//Жамият ва бошқарув. –Т.: 2006. №4. –Б. 23-26.

[46] Ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: Фан, 1977. –Б.159.


www.ziyouz.com kutubxonasi

эроний тиллар билан алоқаси уч даврий хусусияти билан характерланади:

1. Туркий уруғ, қабила тилларининг қадимий эроний қабила ва уруғ тиллари билан алоқаси ҳамда қўшилиши (қадимий даврлар).

2. Ўзбек тилининг форс-тожик тили билан (IX-X, XI-XV асрлар) алоқаси.

3. Ўзбек тилининг маҳаллий тожик шевалари ва тожик халқ тили билан алоқаси (қадимдан то ҳозиргача)[47].

Дарҳақиқат, халқларнинг ёнма-ён яшаши, ўзаро муносабатлари ва яқинлашуви, бир-бирига таъсири натижасида икки тиллилик юзага келган[48].

Самонийлар даврида (IX-X асрлар) классик форс-тожик адабий тили кенг тарқала бошлади. Форс-тожик адабий тили бу даврда (VII-VIII асрларда) фан ва адабиёт соҳасида, шунингдек, юридик соҳада ҳукмронлик қилган араб тилини сиқиб чиқара бошлайди. Бундай кураш дастлаб XI асрда форс-тожик тилининг араб тилини шеъриятдан сиқиб чиқаришига сабаб бўлади[49].

Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Эрон ҳудудларида давлат тили ҳамда адабий тил дарий тили эди. Ғазнавийлар ва салжуқийлар аслида туркий қатламлардан бўлсалар ҳам улар самонийлар анъанаси изидан бориб, дарий тилини давлат тили ва адабий тил сифатида қабул қилдилар. Улар босиб олган ўлкаларга, жумладан, Кавказ (Аррон, Ширвон ва қисман Грузия ҳамда Арманистон)га, Ҳиндистоннинг шимолий ҳудуд-

[47] Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Т.: Фан, 1985. –Б. 105-106.

[48] Қаранг: Гулямов Х. Узбекско-таджикские языковые связи. –Т.: Фан, 1983. -168 с.

[49] Усмонов С. Ўзбек тилининг луғат составида форс-тожикча ва арабча сўзлар/Навоийга армуғон. –Т.: Фан, 1968. –Б. 110.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ларига дарий тилини давлат тили ва адабий тил сифатида олиб кирдилар. Улар қарам қилинган ўлка халқларининг адабий тили тараққиётига тўсқинлик қилдилар. Масалан, салжуқий подшолари ва уларнинг вассаллари Озарбайжонда шундай сиёсат юргизган. Шунинг учун ҳам улуғ Озарбайжон шоири Низомий Ганжавий «Лайли ва Мажнун» достонининг муқаддимасида асарларини ўз она тили – озарбайжон тилида ёзолмай, форс тилида ёзишга мажбур бўлганини ачиниш билан таъкидлаган эди[50]. Ўрни келганда алоҳида эътироф этиш керакки, XIV-XV асрларда туркигўй адиблар форс-тожик тилини яхши билганлар ва ҳар иккала тилда ижод қилганлар. Демак, форсча-тожикча сўзларнинг ўзбек тилига ўзлашишида қуйидаги омиллар муҳим роль ўйнаган: а) ўзбек ва тожик халқларининг қадимдан бир (ёки қўшни) ҳудудда, бир хил ижтимоий тузум, иқтисодий ва маданий-маънавий муҳитда яшаб келаётганлиги; б) ўзбек-тожик ва тожик-ўзбек икки тиллилигининг (билингвизмининг) кенг тарқалганлиги; в) тожик ва форс тилларида ижод қилиш анъаналарининг узоқ йиллар давом этганлиги; г) Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида тожик тилининг алоҳида мавқега эга бўлганлиги; д) адабиёт, санъат, маданият, урф-одатдаги муштараклик[51].

Алишер Навоий асарлари лексикасида 5489 та соф форс-тожикча сўз қўлланган бўлса[52], «Қисаси Рабғузий» обидасида 321 та соф форс-тожикча, арабча ўзлашмалардан ясалган 9 та форс-тожикча лексема

[50] Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи нашри. –Т.: Фан, 1976. –Б. 98.

[51] Жамолхонов Ҳ.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-қисм. –Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2004. –Б. 55.

[52] Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. –Т.: Фан, 1983. –Б. 155.


www.ziyouz.com kutubxonasi

ишлатилган. Жумладан, **анбāр** сўзи «ғалла, озиқ-овқат сақланадиган бино» маъносини ифодалаган: *Анбāрда ашлығ қалмады* (66v21. Қутбнинг «Хусрав ва Ширин» асарида ўзининг дастлабки маъносида қайд этилган: *Қачан буғдай билä толғайды анбāр* (102б15). Шунингдек, ушбу термин туркийча феъл ясовчи –ла аффикси ёрдамида янги **анбāрла=** сўзини ҳосил қилишда иштирок этган: *Йусуф айды: ул йэтти йыл ашлық кöп болғанда йэгў чақлығ, экäр чақлығ алыб қалсунлар, қалғанын анбāрласунлар* (90r16).

**Āзāд** (Тафсир, 136б2) ўзлашмаси «эркин, ҳур» семасини англатган: *Муҳаррар, āзāд тэмäк болур* (166v5). Мазкур атама дастлаб Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул – ҳақойиқ» асарида ишлатилган: *Тöзў қул қылурлар āзāд öзлäрин* – барча қуллар ўзларини озод ҳисоблайдилар (ДТС, 72). XIV аср Хоразм ёдномаларида қуйидаги маъноларни билдирган: а) «эркин, ҳур»: *Хожа занжир ичиндä қул āзāд* (Г, 148а2); б) «қулликдан озод этилган шахс»: *Тақы Абубакрнуң азады бир эрди* (НФ, 12б12). Айни пайтда, текширилаётган сўз –лық/-лик қўшимчаси билан бирикиб, от туркумига оид **āзāдлық**-«ҳурлик, озодлик» лексемасини ясаган: *Жумла āзāдлық битигин алдылар* (110r2).

Рабғузий «Худога итоатли киши»ни **банда** (Тафсир, 136б2) дея зикр этган: *Тäңрининг бандасимäн, бирликиңä китāб* (169v16). Лексема «Нахжул-фародис»-да ўз маъносида учрайди: *Ҳақ та'алā айды: эзгў бандалар чықарғайман* (139б8). Кези келганда айтиш жоизки, тадқиқ қилинаётган сўз от ясовчи –лық/-лик аффикси ёрдамида янги лексема ҳосил қилишда қатнашган: *Зулқарнайн айды: мäңгў сувын истäйў кэлдим, узун йашаб Изигä бандалик қылайын тэдим* (177r14). Қисса луғат таркибида текширилаётган терминнинг туркийча **қул** синоними ҳам кўзга ташланади: *Айды: Исā Тäңри-*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*нинг қулы турур, йалавач тақы руҳуллāҳ турур* (170r6). Ўз навбатида, бу лексеманинг «қул, хизматкор» семаси ҳам кузатилади: *Мāлик За'р айды: тақы шаҳарға кирмäдимиз, бāзāрны кöрмäдимиз, қулны сатыңға кивӯрмäдимиз* (76v5).

«Адолат» семаси **дāд** (Тафсир, 46б1) ўзлашмаси орқали ёритиб берилган: *Биздин тил болғунча тақы дāд қолғучыны бизгä измағыл* (240r13). Ушбу лексема биринчи марта «Ҳибатул-ҳақойиқ» достонида қўлланган: *Дāд инсāф тутар чин Ануширвāний* (ДТС, 158). Лексема XIV аср Хоразм манбаларида қуйидаги семаларда келган: 1) «адолат»: *Ол чыбчуқ ҳақ та'алā ҳазратиндин дāд тилäгäй* (НФ, 93б7); 2) «фиғон, нола»: *Фалак дāдыны алғай* (ХШ, 110б7). Бундан ташқари, ўрганилаётган ёдномада сўзнинг арабча **адл** синоними ҳам ишлатилган: *Тöртинчи тилäклäрин адл бирлä тилäдилäр* (102v8).

**Дийдāр** (НФ, 134а8) сўзи «юз, чеҳра» семасини ифодалаган: *Фāний нафс бирлä, фāний кöз бирлä, фāний дунйāда бāқий Мавлā дийдāрын нэтäк кöрäрсэн* (122r2). Лексема илк бор «Тафсир»да истифода этилган: *Кöрсаң анларны хош кäлӯр анларың шäкллäри тақы дийдāрлары* (90, 16). Шу ўринда таъкидлаш лозимки, қиссада мазкур лексеманинг туркийча **йӯз** маънодоши ҳам мавжуд: *Йусуф айды: аның илāжы сабр турур, сабр қылғыл, мэниң йӯзӯмгä бақмағыл* (80r7).

Муаллиф «исломни қабул қилмаган киши, оташпараст» маъносини очищда **габр** ўзлашмасидан фойдаланган: *Ул габрлар Ка'ба тэгрäсиндä тавāф қылур эрдилäр* (203v2). Ўзлашма «Гулистон бит-туркий» асарида ўзининг асл маъносида учрайди: *Габр агар йӯз йыл от йақар болса, ичинä тӯшäжäк кӯйäр филҳāл* (23б7). Айни пайтда, лексема таҳлил қилинаётган ёдно-



www.ziyouz.com kutubxonasi

мада туркийча –лиқ/-лик қўшимчаси билан бирикиб от ясаган: *Бу ул эр турурким миң йэти йўз габрлик миллатни аның миллати йоқ этар* (184r14).

**Занжир** ўзлашмаси «кишан» маъносини англатган: *Қайу қапуға Йусуф йэтсä Изи азза ва жалла қудраты бирлä тэмўр занжирлäр ачылур эрди* (83v4). Ўзлашма «Нахжул – фародис» асарида айни семада кўзга ташланади: *Бойнумға занжир қозтылар* (180а14). Шунингдек, термин тадқиқот объекти қилиб олинган манбада феъл туркумига доир янги сўз ясашда иштирок этган: *Шайтāн кэлиб чирāғны öчўрўрдä Йа'қуб сäкрäди шайтāнны тутуб бойныны занжирлады...* (62r9). Обида тилида текширилаётган истилоҳнинг туркийча **кишāн** синоними ҳам истеъмолда бўлган: *Азақымға кишāн урдылар, йинчўклäрим йоғун кишāндä шышды* (74r7).

**Зийрак** сўзи «оқил, доно» маъносини билдирган: *Йигит зийрак эрди, элни кэзди Али йолықты* (204v7). Ўзлашма «Гулистон бит-туркий» асарида ўз маъносини давом эттирган: *Атасы сэвинўр оғлун āқыл ва зийрак дэб* (134б12). Айни пайтда, бу лексема «Қисаси Рабғузий»да туркийча аффикс орқали янги сўз ҳосил қилишда асос вазифасини ўтаган: *Аймышлар: Сулайман Билқисның зийракликин таңлады* (150r13).

Ёдномада «хибсхона, қамоқхона» **зиндāн** деб аталган: *Йусуф кöрдиким Зулайхā зиндāнға салурмэн тэйўр* (86v17). Ўзлашма даставвал Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достонида қайд қилинган: *Эсизкä бу қын бэркä зиндāн йэги – аҳмоққа энг яхши жазо таёқ ва зиндон* (ДТС, 639). Лексема «Хусрав ва Ширин» асарида ҳам зикр этилган семада қўлланган: *Ул қаршы болуб Ширингä зиндāн* (59б16). Термин қиссада туркийча –чы/-чи, -лығ/-лиг, -ла/-лä аффикслари воситасида қуйидаги от ва феъл туркумига оид лексемаларни ясаган: 1) **зиндāнчы** – «зиндон-



www.ziyouz.com kutubxonasi

бон»: *Аймышлар: Йусуфны зиндāнға кэлтӯрдилӓр эрсӓ, зиндāнчы Йусуф тонын чықаралың, қурыны йазалың тэди* (87r16); 2) **зиндāнлығ** – «тутқун, асир»: *Йусуф зиндāндин қамуғ зиндāнлығлар бирлӓ чықды* (92r1). Шу ўринда бу сўз туркийча **тутуғ** лексемаси билан маънодошлик қаторини юзага келтирган: *Улар Ка'баниң тутуғлары арасында олтурур эрдилӓр* (227r21); 3) **зиндāнла=** - «зиндонга ташламоқ»: *Жабрāил айды: Изи азза ва жалла аны зиндāнламас, чықарғыл* (157r21).

**Жāду** ўзлашмаси «афсун, сеҳр», «сеҳргар, афсунгар» маъноларида қўлланган: *Аңа барыб айдылар: йалғуз тайақ жāдуларымызны йэди* (112v21); *Аймышлар: йигирмӓ бэш миң жāду ҳāзир болды, йана бир қавлда отуз миң* (112r6). Сўз «Хусрав ва Ширин» достонида «сеҳр», «сир-синоат» семаларини англатган: *Фалак жāдусы йӯз миң турлу афсун* (33а7); *Қойарсāн мэни бир жāдуқа қаршу* (54б11). Ушбу ўзлашма туркийча от ясовчи – *лық/-лик* аффикси билан бирикиб янги сўз ясашда ҳам қатнашган: *Айдылар: бу жāдулық āсāн турур* (112r8).

Илк бор «Тафсир» асарида қайд қилинган **йāбāн** – «чўл, саҳро» (41, 3) сўзи «Қисаси Рабғузий»да ўзининг асл маъносида қўлланишда давом этган: *Мэни йинжӯлӓрим бирлӓ йāбāнға изғыл* (69r9). XIV аср Хоразм ёдномаларида **йāбāн, йāпāн** шаклларида ишлатилган: *...Тақы йāбāндақы кийиклӓрни мусаххар қылыб турур эрди* (НФ, 105б15); *...Шаҳарга кэлмӓсӯн йāпāнда турсын* (ХШ, 54а6). Шунингдек, ўрганилаётган манбада ўзлашманинг туркийча **йазы**, арабча **саҳрā** синонимлари ҳам учрайди: *Ривāйатда кэлмиш: бир кэчӓ йылқы қарасын, қой-қозысын йазыға чықарды* (61v15); *Андын соң бир улуғ тэңиз қырағында сӓкиз айлық кэң саҳрā бар эрди* (138v1).

Рабғузий асарида **йāр** ўзлашмасининг «дўст, му-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳиб» маъносида истифода этилганлигига гувоҳ бўлдик: *Муҳаммадны öлтÿрÿб йāрыларыни булун кэлтÿрä турур тэдилäр* (197r17). Лексема Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»сида ўз семасини давом эттирган: *Қылур Айубны миҳнат билä йāр* (291a6). Шу билан бир қаторда, қисса сўз бойлигида терминнинг **йāрāн** кўплик шакли: *Муҳаммадны кöрдилäр Умар бирлä илик алышыб йāрāнлары бирлä кэлÿрлäр* (197r19); туркийча **ортақ**: *«...Тэңи тöши, ортақы йоқ, кимэрсäдин туғмады, кимэрсä андын туғмады* (46r13); **қолдаш**: *Қамуғлары тамуғ ичиндä мäңä қолдаш болдылар* (22v21); **эш**: *Бу Уғанға айурда кимлäр эрÿр эшлäри* (131v2); арабча **ҳабиб**: *Бэшинч Мусā ҳабибдин башқа дийдāр тилäди, бэрмäди* (122v13); форсча-тожикча **дост**: *Мэн достларымға қазғу равā кöрмäсмэн* (123r2) каби синонимлари ҳам қайд қилинган.

Муаллиф «ёрдам, мадад» семасини очишда **йāры** лексемасидан фойдаланган: *Жавāб айды: аммā саңа йāры йоқ* (42r4). Мазкур ўзлашма дастлаб Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" достонида кўзга ташланади: *Öлÿмдин қутулғу йāры йоқ билиң* (ДТС, 240). Ушбу сўзни "Тафсир", "Гулистон бит-туркий" обидаларида ҳам кузатиш мумкин: *Тақы йāры бäрсä сäңä* (41, 3); *Саāдат йолдашың болуб иқбāл йāры қылды* (65a10). Ёдгорликда терминдан – *чы/-чи* қўшимчаси орқали от ясалган: *Ма'ниси ул болурким: йā Муҳаммад сäңä йāрычымэн* (197r13). Бундан ташқари, асарда ўзлашманинг туркийча **кöмäк** маънодоши ҳам ишлатилган: *Йÿз миң шағал кöмäк изди* (142r8).

"Узоқ жойларга юк ва одам ташувчи, изма-из борувчи ҳайвонлар, аравалар ва уларни бошқарувчи шахслар тўдаси" **карвāн** деб юритилган: *Мавлā та'алā йарлығы бирлä йэл қопты карвāн йол йитÿрди* (74r2). Истилоҳ биринчи марта "Қутадғу билиг" асарида кел-


www.ziyouz.com kutubxonasi

тирилган: *Йэти афлāк карвāны* (ДТС, 289). Шу билан бир қаторда, тадқиқ этилаётган ёдномада ўзлашманинг туркийча **арқыш** маънодоши ҳам мавжуд: *Малик За'р қопды, арқыш ара кирди он сāкиз Миср йармақы булды* (73r13).

**Мэва** сўзи қуйидаги маъноларни билдирган: а) "баъзи дарахт ва буталарнинг ҳосили": *Йусуф намāз қылыб олтурурда ўзўмгā мэңзāр мэва кэлтўрди* (87v4); б) кўчма маънода: "эркалатиш, суйиш": *...Эй кōңлўм мэваси қайу қузуғга кэмишдилāр сэни* (72r9). Шунингдек, бу лексема туркийча – *лығ/-лиг* аффикси воситасида сифат туркумига доир сўз ясашда иштирок этган: *Тāңриңға айғыл бу шаҳрда кэсик қуруғ йығачларны, отунларны мэвалиг йығач қылсун биз имāн кэлтўрāлиң* (162v16).

"Худонинг хоҳиш-иродасини бандаларга етказувчи киши" **пайғамбар** (пайғом – «хабар, мужда») деб номланган: *Муҳаммад Мустафāны ми'рāж тўниндā Байтул=муқаддасда қамуғ пайғамбарларға, йэтти қат кōк фариштаlāригā имāм қылдым* (198v12,13). Шу ўринда таъкидлаш жоизки, лексик бирлик от туркумига оид янги сўз ҳосил қилишда асос вазифасини ўтаган: *Қырқ йашағанда Жабрāил пайғамбарлық тэгўрди* (198r15). Қисса луғат бойлигида ўзлашманинг туркийча **савчы** (ңсав – "хабар, сўз"): *Савчы Исҳāқ оғлы тэб бу атны алған Йа'қуб ул* (61v6); арабча **мурсал**: *Ōзи кэз йўрāкли Мавлāнык мурсал қулы* (61v11); **набий**: *Халқ ўзā йавлақ бағырсақ эрди бэлгўлўк набий* (188r15); **расул**: *Лут малик сарайынға кэлди, ...айды: сэн кимсэн? Айды: Тāңрининң расулимэн* (58v7) каби синонимларини ҳам кўриш мумкин.

**Тахта** лексемаси "ғўладан узунасига тилиб олинган ясси ёғоч бўлаги", "пешлавҳа" семаларида қўлланилган: *Нуҳ пайғамбар кэмāсининң тахтасы бирлā сақ-*


www.ziyouz.com kutubxonasi

*фыны ӧртди* (52v9); *Аймышлар: ул ганжда бир алтун тахта бар эрди битиг сӧзлäри битиглиг* (131r3). Айни пайтда, истилоҳ *– лығ/-лиг* аффикси билан биргаликда янги сўз ясаган: *...Ишлäмäк ӱчӱн қапуғ қылмыш эрди ики тахталығ, ул қапуғны ӧлчäдилäр отуз аршун узуны* (176r4).

"Шоҳлар ҳукмронлик рамзи бўлган, қимматбаҳо тошдан қилинган зийнатли бош кийими" **тāж** деб юритилган: *Бир тāж қызыл алтундын гавҳар бирлä мурасса'* (148r17). Мазкур термин илк бор "Қутадғу билиг" обидасида ишлатилган: *Бу ики йумытса бэдӱр бэг тāжы* – агар улар (яъни кўшин ва бойлик) қўшилса, бекнинг (ҳокимнинг) тожи юқорилайди (ДТС, 543). Шунингдек, "Қисаси Рабғузий"да истилоҳ туркийча *–лығ/-лиг* аффикси ёрдамида сифат ясаган: *Йигитлäр, қызлар, қул оғланлар алтун тāжлығ тэгрäсиндä турур эрдилäр* (125v10).

**Фармāн** сўзи "буйруқ, топшириқ" семасини англатган: *Тäңри фармāны бирлä қызы тирилди* (160r17). Шу билан бирга, ушбу лексема феъл туркумига доир янги сўз ҳосил қилишда ўзак морфема сифатида қатнашган: *Йа'ни мэни қутлуғ йаратғусы қайда эрсä тақы мäңä намāз фармāнлады* (169v19). Ўз навбатида, ёдномада ўзлашманинг туркийча **буйруқ**: *...Ибрий тилинчä бу китāбда йэти миң буйруқ бар* (119v4); **йарлығ**: *Ул ҳāлда Жабрāил йэтилди йарлығ тэгӱрди* (76v16) сингари синонимлари ҳам мавжуд.

**Хуш** ўзлашмаси "яхши, дуруст" маъносида зикр қилинган: *Кāфир бирлä ҳужжатлäшмäкни хуш кӧрмäди* (40v3). Лексема дастлаб Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибатул-ҳақойиқ" достонида қайд этилган: *Ариф рақс чықарыб этäр хуш сама'* – рақс тушаётган ориф (доно) қувноқ қўшиқ айта бошлади (ДТС, 638). Кези келганда айтиш лозимки, текширилаётган ўзлашма янги


www.ziyouz.com kutubxonasi

сўзлар ҳосил қилишда ҳам иштирок этган: *Ӧзи Турға барды калāм эшитти хушланды* (120v16); *Нэтāкким Миср хатунлары Йусуф жамāлының нуры хушлуқында илиглāрин кэсди* (52r20). Бундан ташқари, обида тилида сўзнинг туркийча **йахшы** синоними истеъмолда бўлган: *Мубашшара андағ қылайын тэб жуммāзасын йахшы бэзāб оздурды* (190r15).

"Ёввойи ҳайвон, балиқ, қуш ва шу кабиларни турли йўллар билан тутиш" маъноси **шикāр** лексемаси орқали очиб берилган: *Зуҳра қамар шикāрымыз/Қырқыз Хитāй таварымыз* (223r20). Айни пайтда, ёдгорликда бу сўзнинг туркийча **ав** синоними ҳам кўзга ташланади: *Йаҳудā айды: инимиз бизиң бирлā авға чықды* (103v15).

Шундай қилиб, "Қисаси Рабғузий" асари лексикасини генеалогик жиҳатдан таҳлил этиш натижалари қуйидаги фикр-мулоҳазаларга келиш имконини беради:

а) обида луғат таркибининг ўз қатлами туб(ўзак) сўзлар, улар ёрдамида ясалган лексемалар ҳамда ўзлашмалардан туркий аффикслар орқали ҳосил қилинган терминлардан иборат бўлиб, улар ёднома сўз бойлигининг асосини ташкил этган;

б) ёдгорликда қўлланилган архаизмлар тарихий категория сифатида эски туркий адабий тил билан қадимги туркий тил муносабатларини белгилашда катта роль ўйнайди;

в) асар лексикасининг бойишида ички имкониятлар, яъни туркий қўшимчалар воситасида сўз ясаш усули муҳим ўрин тутиб, бунда –чы/-чи, -лығ/-лиг/ /-лық/-лик//-луғ/-лўг//-луқ/-лўк, -к//-уқ/-уғ//-ўг/-ўк//-ақ/-ағ//-ық/-ығ//-иг/-ик, -ла/-лā аффикслари сермаҳсул саналади;

г) тадқиқот объекти қилиб олинган манбада истифода этилган ўзлашма қатламга доир сўзлар лексик фонднинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнини


www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳамда тилдан ташқари – экстралингвистик омилларни кузатишда муҳим аҳамиятга эга;

д) қиссада турли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий алоқалар орқали кириб келган санскритча, суғдча, хитойча, юнонча, арабча, қадимий яҳудийча, форс-тожикча сўзлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти моносемантик лексемалар ҳисобланади;

е) араб ва форс-тожик тилларига оид ўзлашмалар туркий аффикслар билан бирикиб, янги сўзлар ҳосил қилишда фаол иштирок этган. Бу эса, ўз навбатида, асар тилининг ранг-баранглигини таъминлаган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## IV БОБ. «ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ» АСАРИ ЛЕКСИКАСИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТАДҚИҚИ

Тилдаги мавжуд ҳар бир сўз ҳаёт талабига мувофиқ тарзда турли йўллар билан юзага келади. Бинобарин, лексемаларни диахрон жиҳатдан ўрганиш тилнинг ривожланиш босқичлари, уни яратувчи халқ тарихини ёритишда алоҳида эътиборга молик. Шу боис ҳам тарихий жараёнлар сўз маъноларининг ўзгаришига таъсир кўрсатади. Одатда, фан ва техниканинг такомиллашуви натижасида пайдо бўлган истилоҳларнинг муайян қисми сўзларни янги маънода қўллаш ёрдамида ҳосил қилинган. Кези келганда айтиш жоизки, сўз маъноси истеъмол доирасининг кенгайиши, маъно оттенкасидаги ўзгаришлар ҳам тил тараққиётида ўзига хос мавқени эгаллайди.

Сўзларнинг янги маънолар билан бойиб бориши қонуний жараён ҳисобланади. Кузатишларимиз сўзларнинг янги маъно билан бойиши тил ривожида катта мавқени эгалловчи асосий хусусият эканини исботлайди. Чунки лексемага юкланган янги маъно тилдаги мустақил сўз каби луғат бойлигига улкан ҳисса қўшади, унинг ривожланишига хизмат қилади. Жумладан, бир лексема маъносининг ўзгариши, янги маънода қўлланиши, истеъмолдан чиқиши, унинг пассивлашиши ва фаоллашиши бошқа сўзларга таъсир қилади. Шу нуқтаи назардан, сўз маъносини тарихий асосда текшириб аниқлаш янги сўзларнинг юзага келиш қонуниятларини очиб беришда айниқса аҳамиятлидир[1]. Демак, сўз маъноси тилдаги муҳим масалалардан бўлиб, у, бир томондан,

---

[1] Муталлибов С. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк. –Т.: Фан, 1959. –Б. 167.



www.ziyouz.com kutubxonasi

лексеманинг келиб чиқиш моҳиятини ёритса, иккинчидан, диахрон аспектда тадқиқ этиш билан боғлиқдир.

Маълумки, сўз жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланади, янги маънолар касб этади, маъно қирраларини вужудга келтиради. Пайдо бўлган сема ёки маъно нозикликлари кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилиб, умумхалқ тилидан мустаҳкам ўрин олади. Шу ўринда сўз семалари ва маъно нозикликлари ўртасидаги семантик боғланиш ҳамда чегарани фарқлаш, уларга тўғри изоҳ бериш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ҳар бир сўз ўрни билан бир-бирига яқин ёки бир-биридан узоқроқ тушунчаларни ифодалаши мумкин. Яқин тушунчалар ифодаси сўзнинг маъно нозиклигидир, узоқроқ тушунчалар эса сўзнинг мустақил маъносидир. Маъно нозикликлари билан мустақил маънолар ўртасидаги семантик боғланиш яққол сезилиб туради, аммо мустақил маънолар ўртасидаги боғланиш унчалик сезилмайди. Сўзнинг маънолари ва маъно нозикликлари унинг ўз (асл) маъноси ҳам, кўчма маъноси ҳам бўлиши мумкин[2]. Маънолар тил системасидан хабардор барча кишилар учун барқарор ва умумийдир. Қўлланиш эса сўз маъноларидан бирининг баъзан индивидуал тарзда, айрим ҳолларда маълум даражада кишилар томонидан ишлатилиши мумкин бўлган ҳолат ҳисобланади[3].

Сўз маъносининг ривожланиш қонунларини текшириш, сўзларнинг омонимлик, синонимлик, паронимлик, антонимлик ва кўпмаънолилик хусуси-

---

[2] Ўзбек тилининг изоҳли луғатини тузиш учун қўлланма. –Т.: Фан, 1964. -Б. 46.

[3] Виноградов В.В. Русский язык. -М. –Л.: 1947. -С. 21.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ятларини ўрганиш тилнинг луғат бойлигини аниқлашга, турли луғатлар тузишга катта ёрдам беради[4]. Тилнинг ифода режасида бир-бирига қарама-қарши ҳолатларни, миқдорий ўлчамлардаги зиддиятларни кўриш мумкин. Масалан, фразеологизмлар ва синонимияда ифода бирликлари мазмун бирликларидан кўп бўлса, полисемия ва омонимияда бунинг аксини кўрамиз. Бунда шаклан бир хилликка эга бўлган луғавий бирликлар икки ва ундан ортиқ маъно билан иш кўради. Икки ва ундан ортиқ маъно бир шаклга тўғри келиши ҳолларини матн бартараф этади[5]. Шу маънода, лексик-семантик жараёнлар (полисемия, омонимия, синонимия, антонимия) умумадабий тилдаги каби биз тадқиқ қилаётган "Қисаси Рабғузий" обидасида қўлланилган лексик бирликлар тизимида ҳам рўй берган. Қуйида ушбу ҳодисаларнинг ҳар бири хусусида алоҳида фикр юритамиз.

## 4.1. Полисемия

Сўзнинг кўп маъно англатиши тилда мустақил тизим бўлиб, умумий тилшуносликда полисемия термини билан номланади. Сўз дастлаб бир маънони аташ учун қўлланилиб, даврлар ўтиши ва турли лингвистик таъсирлар воситасида бир неча маънони билдиради[6]. Полисемия бир туркум доирасида лексик маънолардан таркиб топиши, уларнинг ўзаро боғлиқ бўлиши, маъноларнинг айни сўзнинг ўзига оидлиги билан бошқа ҳодисалардан ажралиб туради[7].

---

[4] Азизов О. Тилшуносликка кириш. –Т.: Ўқитувчи, 1996. –Б. 66.
[5] Неъматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. –Т.: Ўқитувчи, 1993. – Б. 18.
[6] Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. -Т.: Фан, 1983. -Б. 45.
[7] Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. –Т.: Фан, 1975. –Б. 47.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Туркологияда кўп маъноли сўзлар бир қатор ишларда ёритилган[8]. Шу боис, қисса тилидаги полисемия ҳодисасини тадқиқ этишда мазкур анъанага таяндик.

Сўз маъноларини ўрганишнинг хилма-хил йўллари бор. Шулардан бири сўзнинг семантик структурасини маъноли қисмларга ажратиб таҳлил қилишдир. Кўп маъноли лексемаларнинг ҳар бир семемасини семаларга ажратиб тадқиқ этиш уларнинг лексик маъносини нисбатан аниқ белгилашга ёрдам беради. Семеманинг мазмуни фақат лексик маънодангина иборат бўлмайди, унга стилистик, нутқий хосланиш каби белги-хусусиятлар киради, буларнинг барчаси семантик структурани ташкил қилади[9].

Сўзнинг лексик маъноси умумий ва фарқловчи семаларнинг ўзидангина ташкил топмайди. Лексик маъно таркибида иккинчи даражали, ҳатто факультатив семалар ҳам бўлиши мумкин. Бундай семалар қўшимча семалар деб юритилади[10]. Маълумки, тилшу-

---

[8] Рзаева К.Г. Многозначность имен прилагательных в современном азербайджанском языке. АКД. –Баку, 1974; Назаров А. Полисемия в туркменском языке. АКД, -Ашхабад, 1974; Аликулов Т. Полисемия имен существительных в узбекском языке. АКД. –Т., 1966; Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. –Т.: Фан, 1977; Хамидов З. Лексико-семантические и лингво-поэтические исследования языка «Лисан ат-тайр» Алишера Навои. АКД. –Т., 1982; Насыров И. Лексика “Маджалис ан-нафаис” Алишера Навои//Проблемы лексики староузбекского языка. –Т.: Фан, 1990. –С. 87-140; Жумаев А. XV аср номалари тили лексикасининг қиёсий таҳлили. Филол. фан. ном. дис. автореф. –Т.: 1994; Холмонова З. “Бобурнома” лексикаси. –Т.: Фан, 2007.

[9] Раҳматуллаев Ш. Лексик маънони компонентлаб таҳлил қилиш//Ўзбек тили ва адабиёти. –Т.: 1978. №4. –Б. 56.

[10] Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. -Т.: Фан, 1977. –Б. 34.



www.ziyouz.com kutubxonasi

нословикда лексик маънолар бош ва ҳосила маънолар-га ажратилади. Бош маъно лексеманинг бошқа маънолари тараққиётига асос бўлади. Шу ўринда унутмаслик керакки, ҳосила маъноларнинг ҳаммаси ҳам бош маънога боғланиши шарт эмас.

Сир эмаски, нутқимизда кўпгина сўзлар бир неча семемаларда ишлатилади. Муайян лексема ифодалайдиган маънолар йиғиндиси мазкур сўзнинг семемалар мундарижасини ташкил этади. Семема тил бирлиги сифатида абстракт ҳодиса. Семема нутқда бошқа лексемалар (семемалар) қуршовида келади. Мана шундай қуршов лексик қуршов дейилади[11].

Сўзнинг маъносини нутқдан ажратиб алоҳида тадқиқ қилиб бўлмайди. Чунки лексик қуршов сўз маъноларини очиб беришга кўмаклашади. Ҳар бир истилоҳ ўзига хос лексик қуршовга эга бўлиб, у билан семантик ва грамматик жиҳатдан боғланади. Шу боис, лексик қуршов табиатини ўрганмасдан туриб, сўз маъноларини аниқлаш мушкул. Кўп маъноли лексемалар семаларини бир-биридан фарқлаш учун уларнинг лексик қуршови ҳам қиёсланади. Натижада семемаларнинг мустақиллик даражаси белгиланади. Шу нуқтаи назардан, **баш** сўзи қадимги туркий тил ёдномалари ва қорахонийлар даври обидаларида "тананинг бўйиндан юқориги, олдинги қисми", "жавобгарлик, масъулият" (кўчма), "бош томон", "идишнинг бўғзи", "бошоқ", "уч, тепа қисм", "дарёнинг боши, юқориси", "раҳбар", "боши, бошланиши"(ДТС, 86-87) каби семаларда қўлланилган. Мазкур лексема тадқиқот объекти қилиб олинган манбада қуйидагича маънолар касб этган:

---

[11] Реформатский А. Введение в языковедение. -М.: Наука, 1967. -С.107.


www.ziyouz.com kutubxonasi

1) "тананинг бўйиндан юқориги, олдинги қисми, калла": *Тўрт йўз қары бозлары баш ўзä сэкриб азақларын тэпсäлäр тизлäриңä тэги кöмўлўр эрди* (29r16);

2) "бошлиқ, раҳбар": *Ишāрат ул турурким Расул алайҳис-салāм бизиң нафсимиздин болса, ул бизгä баш болур, биз айақ болурбыз* (207v20). Бу ўринда мазкур сўз **башлық** лексемаси билан маънодошлик қаторини юзага келтирган: *Абу Жаҳл башлық қурайш кāфирлары Расулға кāфирлик қыла бошладылар* (195r20);

3) "лавозим, мансаб жиҳатдан катта, юқори турувчи": *Нэчä баш ҳаким āқыл эрäнлäр кириб ўңўр ағзы тушунда арқуры йығачлар орнаттылар* (164v17);

4) "энг олдинги, биринчи": *Анас ибн Мāлик айтур: Расул алайҳис-салāм айды: баш бармақын чичала бармақ ичиндä қойуб мўнчä эрди* (121v1);

5) "тик нарсаларнинг тепа қисми, учи, чўққиси": *Бири-бириңä қатыб тöрт улуш қылғыл, тöрт тағ башында қозғыл* (55v12);

6) "йўлнинг бошланиш жойи": *Йол башында бир чашма сув кöрди* (129v1);

7) "баъзи ўсимликларнинг калла ёки чочоқ шаклидаги ҳосили, меваси": *Малик аларға бир баш ўзўм бэрди азуқ ўчўн* (118r7);

8) "қайтадан, бошқатдан": *Йа'ни башдын йигитмў болурмыз, йāхуд мундағуқ қары эркäн оғул туғарму?* (167v18);

9) "боши, бошланиши": *Йа'ни кафāлатның башы малāмат турур, ортасы öкўнч турур, āхиры таввāн турур* (26v20);

10) «бошида, дастлаб»: *Сэн Фир'авн таба изгäндä башда=оқ тэдиң* (131r11).

Ушбу от аслида қадимги туркий тилда ба:ш тарзи-


www.ziyouz.com kutubxonasi

да талаффуз қилинган. Кейинчалик, а: унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган. Ўзбек тилида а унлиси в унлисига алмашган: ба:ш>баш>ба̂ш (ЎТЭЛ, I, 61).

Шунингдек, ўрганилаётган лексема обида тилида **буғдай** лексемаси билан бирикиб, "сунбула буржи" маъносидаги янги сўз ҳосил қилган: *Ул буржлар бу турур: қозы, уй, ӓрӓндӓнӓ, қучық, кўр арслан, буғдай башы...* (66v4).

"Қадимги туркий луғат"да **йол** сўзининг "барча нарсалар қатнови натижасида из босилиб ҳосил бўлган қатнов қисми", "ҳаёт йўли, умргузаронлик" (кўчма маънода), "имкон чораси" маънолари қайд этилган (ДТС, 270). Ушбу лексема "Қисаси Рабғузий" ёдномасида 10 та семада ишлатилган. Бу эса, ўз навбатида, текширилаётган сўз маъно кўламининг кенгайишидан дарак беради. Обида луғат таркибида зикр қилинган термин қуйидаги семаларни ифодалаган:

1) "инсонлар, жониворлар ва бошқа нарсалар қатнови натижасида ер сатҳида из босилиб ҳосил бўлган узун, давомли қисм": *Йана аймышлар: Марйам ана (р.а.) жуҳудлӓрдин қачмышда бӧзчилӓрдин йол сорды* (18r13);

2) "бирор жой, маконга саёҳат ёки бошқа мақсадда қилинадиган юриш": *Тэкмӓ бириңӓ бир тэвӓ йўки буғдай бэрди, тақы йол азуқларын ануқлады* (96r19);

3) "босиб ўтиладиган оралиқ, масофа": *Мисрға ўч кўнлўк йол қалды* (106v2);

4) "имкон чораси": *Айдылар: аталарың бу йолны нэдин тапдылар* (88v7);

5) "марта": *Алты йолы тирилиб, йэттидӓ йол кӧндўрди ул* (161r12);

6) "сабаб, боис": *Қачырға ла'нат қылдылар, ул йолдын уруғламас тэдилӓр* (40v17). Айни пайтда, лексема арабча **сабаб** истилоҳига синоним сифатида келти-


www.ziyouz.com kutubxonasi

рилган: *Сабаб ул эрди: дунйāда дийдāр кöрмäк ўч тўрлўкдин хāли эрмäс* (123v3);

7) "(бу) сафар, (бу) гал": *Тэкмä кэлмишлариндä Йусуф уларны қонақлатур эрди, бу йол қонақлатмады* (102r6);

8) "йўл-йўриқ, маслаҳат": *Малик айды: Зуфалға барың йўкўнўң йалбарың, болғайким сизни қутқарғай йа кэндў бир йол кöргўзгäй* (57r14);

9) "жой": *Йунус айды қатында маңа йол бўлғаймү?* (155r10);

10) "томондан, орқали": Йана Али (р.а.) Фāтима йолындын кўйäв эрди (201r12).

Мазкур кўп маъноли от асли йо:л тарзида талаффуз қилинган, кейинчалик о: унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган. Йо:н= феълига қиёслаб, йо:л сўзи асли **йо**:- асосидан −л қўшимчаси билан ясалган деб тахмин қилинади (ЎТЭЛ, 1, 190).

**Кўн** лексемаси Ўрхун-Энасой битик тошлари ва XI аср обидаларида "Қуёш", "Сутканинг қуёш чиқишидан ботишигача бўлган қисми", "24 соатга тенг вақт" (ДТС, 326) маъноларини англатган бўлиб, қисса тилида бир қанча семаларда истифода этилган. Қуйида уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз:

1) "ерга иссиқлик ва нур таратиб турувчи юлдуз": *Икинчи кэчä йана тўш кöрди: он бир йулдуз, кўн, ай бирлä иниб Йусуфгä сажда қылурлар* (67r19);

2) "сутканинг қуёш чиқишидан ботишигача бўлган қисми": *Элчи Мисрға кэлди кўн кэч болуб эрди* (87v17);

3) "бир кеча-кундузга тенг вақт": *Ибрāҳим йэтти кўн Мулк=и Ҳаззāн элиндä турди* (46v12);

4) "ой ёки ҳафтанинг муайян календарь санаси": *Муҳаррам айында панчшанба кўн экиндўк намāзы вақтында вафāт қылды* (56r10);


www.ziyouz.com kutubxonasi

5) “маълум ҳодисага бағишланган сана”: *Йарындасы Қурбāн кӯни Таврāт инди* (121v12);

6) “пайт, вақт”: *Изы маңа он оғул бэрса қамуғ сāзсилāҳ алыб тоқуш кӯни мэниң ӧңӯмда турсалар* (50r5). Шунингдек, асарда қайд этилган маъно арабча **вақт** лексикаси орқали очиб берилган: *Намāз вақты болды, оғланны қойуб ӧзи намāзға турды* (172r15);

7) “об-ҳаво шароити”: *Мавлā та'алā йэл изди, кӯн исығы бир сāатда тэңиз тӯби кириди* (115v13);

8) “ўтган ва келгуси кунларнинг бирида”: *Бир кӯн Исмāил авға бармыш эрди* (49r10);

9) “қачондир, вақти келиб”: Кӯнлäрдä бир кӯн Исҳāқ Авазға айды... (54r17);

10) “борган сари”: *Кӯн сайу эмгäки артуқрақ болды* (23v6);

11) “кун бўйи”: *Узун кӯн йӧрӯсäң ики йығачдын артуқ йӧримäссэн* (53r8);

12) “ўшанда, ўша пайтда”: *Ул кӯн Абдул Муталлибның тоқуз оғлы бар эрди* (50r6);

13) “бирмунча муддат”: *Қач кӯн улар бирлä турды* (57v13);

14) “бугун”: *Бу кӯн сизлäрдин бир тилäгим бар бэрӯрмӯсиз?* (85v1);

15) “яқин кунлардан бирида”: *Таңласы кӯн маликма қалмады* (65r14);

Бундан ташқари, ўрганилаётган сўз **бат=** ҳамда **туғ=** феълари билан бирикиб, томонлар, яъни шарқ ва ғарбни ифодалашга хизмат қилган: *Кӯн туғардан кӯн батарға кāшки тэгсä сӧзлäрим* (249v15).

**Оң** лексик бирлиги Манихей ёзувидаги ёдномаларда, Маҳмуд Кошғарий “Девон”и ҳамда Турфон матнларида “гавданинг юрак ўрнашган томонга қарама-қарши жойлашган тарафи”, “тўғри” семаларини


www.ziyouz.com kutubxonasi

билдирган (ДТС, 367). Лексема кейинги даврларда ҳам зикр қилинган маъноларда қўлланган. Буни "Қисаси Рабғузий" асарида яққол кўриш мумкин: *Бир анчаны ушмахның оң қолында турғузды* (10v8); *Эй āдамийлар узруғы кāшки ул кўн оң аймыш эрсаң сатғын алмағай эрдим*(77v20). Ушбу мисолдан кўринадики, бу ўринда текширилаётган сўз **кӧни** лексемаси билан синонимик муносабатга киришган: *Йусуф айды: кӧни сӧзлäр кӧңлӱң бар эрсä айғыл* (75v3). Шу билан бирга, **оң** лексемаси обида сўз бойлигида "олд, олдинги" маъносида ишлатилган: *Оң андāмыққа урдилар, йэл бирлä толды ики йарылды, ӧлди* (234r1).

"Қадимги туркий луғат"да **арқа** лексемасининг "орқа", "суянчиқ" (ДТС, 53) маънолари ифодаланган бўлса, Рабғузий уни қуйидаги семаларда қўллаган:

1) "гавданинг қорнига нисбатан терс томони, бўйиндан думғазагача бўлган қисми": *Сам'ун айды: қамуғ йығылыб арқа бир қылыб ташны йықалың* (64v5); *...Барғыл ул эрның арқасын қолуң бирлä сығағыл* (98r15);

2) "нарса, предметнинг терс ёқдаги қисми, олд томонига тескариси": *Эртäси намāз қылыб олтурурда мэҳрабға арқа бэриб зиндāн халқыға илм ӧгрäтӱр эрди...* (87v11); *Андағ қылдылар, қағаз арқасында битиг бэлгӱрди* (200r14);

3) "нарса ёки кимсанинг юз, олд томонига қарши томон": *...Қачан саңа оғрасам арқаңдын ики арслан қопа кэлиб маңа ҳамла қылур* (110r6);

4) "аввалгисининг кетидан": *Имди тэгмä бириңиз ӱчäр кӧк йэлӱк қылыб бири сағдын, бири солдын илгäри арқада асың* (125r5);

5) "ортда қолган, ўтилган йўл, ҳаракат йўналган томоннинг акси": *Йусуф йығлайу ул муаккал бирлä арқасыңа тэлмӱрӱ Мāлик За'ргä кэлдилäр, арқасыға қатылдылар, арқыш тэбрäди* (74r3);


www.ziyouz.com kutubxonasi

6) “инсон кўтара оладиган юк”: *Ҳар кўндä бир арқа отунны бāзāрда сатыб тöрт дирамгä...* (128r18);

7) “суянчиқ, тиргак” (кўчма маънода): *Йол сизгä болса уларны ағырлаб сизгä изғаймыз, агар йол Муҳаммадгä болса бизгä арқа болғайсыз* (229v3).

**Тўз** сўзи Култегин битиктоши, Турфон матнлари ва эски туркий тилнинг илк манбаларида “текис ер”, “бир хил, айнан”, “ишончли, ҳақиқий” (кўчма) каби маъноларда кўзга ташланса (ДТС, 602), “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да унинг “сайҳон, текислик”, “бўз ер” (ЎТИЛ, II, 218) семалари кўрсатиб ўтилган. Тадқиқ этилаётган ёдгорлик тилида лексеманинг учта маъноси кузатилади:

а) “текислик”: *Айды: маңа бир кэң тўз йазы, сағ топрақлық йэр ҳāсил қылың* (62v4);

б) “тўғри”: *Анда кэзин тўз кэңäш қылыб қузуғға кэмишўр болуб Йусуфни тутуб сўдрäйў қузуғ башыға кэлтўрдилäр* (70r19). Ўз навбатида, асарда форс-тожикча **рāст** сифати ўрганилаётган лексеманинг синоними вазифасини ўтаган ўринлар ҳам мавжуд: *Йа'қуб йалавач сорды: эй бöри, Тäңри ҳаққы рāст айғыл* (72v6);

в) “бир хил, айнан”: *Йарлығ кэлди: Эй фариштапар, бу қулларның тиллари, кöңўллäри бирлä тўз эрмäс* (154r14).

“Қадимги туркий луғат”да **ағыр** сифатининг “вазни катта бўлган, тош босадиган”, “толиқмоқ, зўриқмоқ”, “қийин”, “хавфли”, “қаттиқ”, “қаттиққўл, шафқатсиз” сингари семалари қайд этилган (ДТС, 18, 19). Мазкур сўз тадқиқот объекти қилиб олинган манбада қуйидаги маъноларда қўлланишда бўлган:

1) “вазни катта бўлган, тош босадиган”: *Ики йылдын бурун Ибрāҳимни ағыр кишäн бирлä бағлаб эв ичиндä тутар эрдилäр* (40v21);


www.ziyouz.com kutubxonasi

2) “қийин”: *Аммā арқыш бирлä бармақ ағыр иш турур* (187r15);

3) “масъулиятли”: *Сордылар: йалавачлықға нэлӱк унамадың? Айды: ағыр йӱк турур* (163v12);

4) “катта”: *...Йоқ эрсä ануқ болуб турсун ағыр чэрик бирлä кэлурмэн* (65r3). Айни пайтда қиссада зикр қилинган маъно **улығ** лексемаси орқали ҳам очиб берилган: *Ул кэлгäн кāфирларда ики улығы бар эрди* (60v8);

5) “тили айланмай қолмоқ, гапиролмай қолмоқ”: *Йарлығ кэлди: бэлгӱси ул турурким ӱч кӱн тилиң ағыр болғай кишигä сöзлäй билмäгäйсэн* (168r3). Бу сифат қадимги туркий тилдаги “бирор томонга эгилмоқ” маъносини англатган а:ғ- феълидан –(ы)р қўшимчаси билан ясалган (ЎТЭЛ, I, 266).

**Кöк** лексемаси Култегин битигтоши, Турфон матнлари ҳамда XI аср ёдномаларида “мовий, зангори”, “осмон”, “кўк чок билан тикилган мато” маъноларини англатган (ДТС, 312). Ушбу сўз ўрганилаётган обида луғат таркибида бир қатор семаларни ифодалаган:

а) “мовий, зангори”: *Имди тэгмä бириңиз ӱчäр кöк йэлӱк қылыб бири сағдын, бири солдын илгäри арқада асың* (125r4);

б) “яшил, сабза”: *Булутлар йаш ақытса йаш оғлан анадын туғартэк йаш йашаб öлгäн қара йэрдин кöк йаш öтлäр ӱнäр* (68r15);

в) “осмон”: *Äдиз кöк йығлар, йағыз йэр кӱлäр* (68r14);

г) “ер юзи”: *Ба'зи пайғамбарларны мэниң бирлä кöкгä ағдурды, ба'зиси дунйā кöкиндä* (211r8);

д) “барг”: *Эв öңиндä ачуқ йэрлäрин эштӱрди, сағында – солында йығачлар тикдилäр, кöки кӱмӱшдин, бозы алтундын, будақлары кӱмӱшдин бир қандил қылды* (34r9).


www.ziyouz.com kutubxonasi

**Қара** сифати Ўрхун-Энасой, Турфон матнлари, “Қутадғу билиг”, “Девону луғотит турк”, “Ўғузнома” асарларида “кўмир тусидаги ранг”, “қоронғу”, “кир, чанг” (кўчма), “бахтсиз” (кўчма), “ёмон, ахмоқ” (кўчма), “оддий” (ДТС, 422-423) сингари маъноларни билдирган бўлса-да, уларнинг баъзилари XIV аср манбаларида ўзгармайди. Бунга “Қисаси Рабғузий” асари лексикасини тадқиқ этиш жараёнида гувоҳ бўлдик:

1) “энг тўқ ранг”: *Йана ашчы айды: тӳшӳмдä ӳч таннур кöрдӳм, бири ақ, бири қара, бири қызыл* (88r16);

2) “шарпа”: *Йусуфның қарасы кöрӳнмäс болғунча ботасы қалмыш иңäнтэк иңрäйӳ қалды* (69v4);

3) “авом кишилар, атрофдагилар”: *Айдылар: сиз, фасāд ишлäрни сэвмäсмиз тэйӳрсиз йана йығачларны кэсäрсиз, йавуқ қаралар кöңлиндä муны равā эрмäс тэгäйлар* (228r4);

4) “доғ”: *Су’āл: ақ эт ӳзä қара айб болмас* (150v5);

5) “хунук”: *Бир кӳн бир қолдашқа айды: сэн кöрклӳк жамāллығ эрсäң, булар қамуғ қара турурлар* (233v15). Бу ўринда лексема **кöрксӳз** сифатига синоним тарзида қўлланган: *Зулайхāның йӳзигä бақты эрсä кöзигä кöрксӳз кöрӳнди* (83r10);

6) “арзимас, бирон ижобий натижа бермайдиган”: *Сизиң илмиңиз қара турур тэб нарсага йарамас тэдим* (174r19).

Айни пайтда ушбу лексема кўчма маънода “ёмон, ёвуз” семасида ҳам ишлатилган: *Тäңридин йанған ичи қаралар барчасы тил кöңӳл бир қылыб Расулға оғрадылар* (203r14).

“Қадимги туркий луғат”да **қатығ** сўзининг “қаттиқ”, “қаттиққўл, шафқатсиз”, “кучли”, “мустақил” (ДТС, 433) маъноларини кузатиш мумкин. Рабғузий ўз асарида ушбу лексемага қайд этилган семаларидан таш-


www.ziyouz.com kutubxonasi

қари яна қўшимча бир қанча маъноларни юклаган. Бу эса мазкур даврга келиб, ўрганилаётган сўз маъносининг кенгайганлигини кўрсатади:

1) "одатдаги шароитда ўз шакли ва ҳажмини сақлайдиган": *Ул тупрақда қатығ йумшақ ва арығ арығсыз, татлығсыз қамуғ бар эрди"* (6r1);

2) "мустаҳкам": *Йусуфни бир қатығ иңирчақға мўндўрдиляр, йолға кирдиляр* (74r4);

3) "кучли": *Ул қатығ қорқунч азāбларны кӧрӓйин тэди* (20v4); *Қатығ зилзила қопты* (162v20);

4) "қулоққа оғир ботадиган, бараллa эшитирадиган": *Қатығ ўн бирлä жавāб айды* (30v21);

5) "шафқатсиз": *Ҳазратдин хитāб кэлди: Эй Азрāил, ғāйат қатығ кӧңўллўк эрмишсэн* (5v20); *Йазид чэгриги бирлä қатығ санчышты* (246r12);

6) "чексиз, ҳаддан зиёд": *Таңлайу барыб топуз бирлä урурда илгин ўстўнрäк кӧтўрди қатығ урды* (45r1);

7) "бирор нарсага бутун вужуди билан берилган": *Бутға қатығ тапунур ўчўн Āзар атадылар* (38r5); Шунингдек, обида тилида таҳлил қилинаётган сўз кўчма маънода қўлланилган ўринлар ҳам мавжуд.

8) "қийин, машаққатли": *Қатығ ишлäр буйурғыл ӧгрäнсўн, тэдиляр* (188v12);

9) "кишига оғир ботадиган, уни ранжитадиган": *Сулайманға қатығ сӧзлäди, барғыл киши ишин ишлäгил* (144r5);

10) "ёмон": *Ул мардуд Маин айды: мэниң ўзä бу тўндин қатығрақ тўн йоқ* (184r14).

Айни пайтда ушбу сифат **йаман** лексемасига синоним тарзида қўлланган: *Мунча миң халāйықның ҳалäкликиңä йаман дуā қылдың аны нэгä қайғурмадың* (157v9).

«Қисаси Рабғузий» асаридаги **кӧтäр//кӧтўр=** феълининг семалари ҳақида фикр юритганда, айтиш жоиз-


www.ziyouz.com kutubxonasi

ки, ушбу лексема қадимги туркий тил ва эски туркий тилнинг илк манбаларида «кўтармоқ», «улуғламоқ», «йўқ қилмоқ», «олиб ташламоқ», «уфқдан кўтарилиб чиқмоқ», «ўзини эркин ҳис қилмоқ», «гуноҳкор бўлмоқ» (ДТС, 320) каби маъноларни англатган.

Олиб борган изланишларимиз асносида қиссада **кӧтӓр//кӧтўр=** феълининг қуйидаги маъноларда қўлланганлигига гувоҳ бўлдик:

1. «Ердан ёки ётган жойидан узиб, ажратиб олмоқ»: *Қачан Мусā бу калимани айды эрсӓ, Таврāтны йалғуз кӧтӓрди, қавмыға кэлди* (119r1).

2. «Ердан узилган, ажралган ҳолда тутмоқ, қўлда тутмоқ»: *Йарақны салды, таш кӧтӓрди, сапқан алды, илгӓрў йўрўди* (133v2).

3. «Қўлни юқори ҳолатда тутмоқ»: *Йусуф мунāжāтға қол кӧтӓрдиким, Илāҳи бу тишилар макриндин мэни сақламасаң улар таба майл қылсам анда кэзин āсийлардын болғаймэн* (87r4).

4. «Юқори, баланд ҳолатда тутмоқ, тепага чиқармоқ»: *Эшикдин кириб, Мусā тайақны йэргӓ салды, улуғ йылан болды, башыны кӧтӓрди, ағзындын от чықар эрди* (111r11).

5. «Ўз устида тутган ҳолда юрмоқ»: *Бу кўн қамуғ фариштаlӓр барың āдам тахтыны бойнуңузға кӧтӓриб, тамуғ тарықын кэздўрўң, тэб йарлығ болды* (8v 9).

6. «Қарши ҳаракат қилмоқ, қўзғалмоқ»: *Барча нӓрсӓлӓр баш кӧтўрўб āдамны биздин йаратғыл, тэб тама' қылдылар* (6r16).

7. «Бировни урушга шайланмоқ, ўқталмоқ»: *Мусā ачығланыб тайақ кӧтўрди, айды: эй йэр, тутғыл Қāрунны* (125v14).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Полисемияда сўзларнинг кўчма маъно ҳосил қилиши асосий роль ўйнайди. Бу жараён полисемантик сўзларнинг структурал схемасини шакллантиради. Унинг тараққиёти асосида полисемантик сўз лексик маъноларининг ўзаро боғланиши, миқдори юзага келади[12]. Шу боис, ўрганилаётган лексик бирлик қайд этилган асосий семаларидан ташқари кўчма маъноларда ҳам ишлатилган:

8. «Олиб ташламоқ»: *Йарлығ кэлди: ағыр йўкни алардын кӧтäрдим тэди* (213r13).

9. «Соқит қилмоқ»: *Зулайҳā ...йазуқны ӧзиндин кӧтäрди ва Йусуфға йўклäди* (83v9).

10. «Очмоқ»: *Йусуф йазыға чықты, тахт ўзä олтурды ва йўзўндин парда кӧтäрди, халāйық Йусуфниң жамāлын кӧрўб аш-таāмны унутдылар* (93r12). Бу ўринда лексема **ач=** феъли билан синонимик қаторни юзага келтирган: *Ачды айды: йэр кӧк нэтäк кӧрўнсä, андағ-оқ кӧрўнўр тэди* (44r7).

11. «Мавқеини, обрўйини, ҳол-қудратини яхшиламоқ»: *Қузы тўшкäнлäрни йоқару кӧтўргäн, ...бэргäнсэн, алғансэн бу абушғаға оғуллар карāмат қылғыл* (78r21).

12. «Бардош бермоқ, чидамоқ»: *Қавмы āрын кӧтўрмäдин кӧккä ағған Исā ул* (2r10).

13. Асар муаллифи «тўхтамоқ» маъносини **тоқта=** лексемаси билан биргаликда **кӧтäр=** феълига ҳам юклаган: *Бу йэр су ўзä йаратылды эрсä тоқтамады, тэбрäнў башлады, аны тоқтатмақ ўчўн тағларны йаратды* (3r18); *Мусā дуā қылды тофāн кӧтäрилди, йэр қурыды, йаш ӧтлäр ўнди, чэчäклäр ачылды* (114r14).

14. «Бажармоқ, уддаламоқ»: *Айды: Илāҳи, ўм-*

---

[12] Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. –Т.: Фан, 1975. –Б. 135.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*мӓтлӓрим кӧтӓрмӓгӯтэк йӯк йӯклӓмӓгил* (213r16).

15. «Ҳалок қилмоқ, жонини олмоқ»: *Мавлā та'алā ул ва'дага вафā қылды, қамуғ маликларны кӧтӓрди, Сулаймāн йалғуз қамуғ āламға малик болды* (137v2).

16. «Учирмоқ»: *Сулаймāн бир кӯн тахт ӯзӓ олтурур эрди, йэл тахтыны кӧтӓрди, ...бир улуғ қолға тэгдилӓр* (139r1). Ушбу мисолда тадқиқ этилаётган лексик бирлик **уч=** феълининг маънодоши сифатида кӯзга ташланади: *Исā балықдын қуш қылды, ағзы бирлӓ дам қылды, ҳавāға учты* (170v14).

17. «Форига этмоқ»: *Тавба қылды эрсӓ, Изи азза ва жалла шаҳватни андын кӧтӓрди, аввалқы ҳāлыға йанды* (21r20).

18. «Овоз чиқармоқ»: *Фариштарӓр ӯн кӧтӯрдилӓр, тасбиҳ, таҳлил айдылар* (121r4).

19. Қиссада «бирор нарсани ушлаб ёки тутиб қўлга киритмоқ» семаси **ал=** феъли ёрдамида очиб берилган: *Йана кӯндӓ икки кӯмӯш мӓндин алур*...(239r19). Айни пайтда зикр этилган маъно ***кӧтӓр=*** лексемаси орқали ҳам ифодаланган: *Он ики йиллик азуқ кӧтӓрди, қалғанларға айды: мӓн он йылда кэлмӓсӓм сизлӓр ӧз йолыңызны кӧрӯң* (176v17). Ўз навбатида, ёдномада ***ал=*** феъли текширилаётган лексеманинг синоними вазифасини ўтаган ўринлар ҳам мавжуд: *Йа'қуб йӯзиндӓ Йусуфни Рубил эгниңӓ алды...* (69v2).

20. «Пайдо бўлмоқ, юзага келмоқ»: *Йусуф мунча қурбат бирлӓ мундағ миҳнат нӓлӯк турур, мундағ дуā бирлӓ мунча тэңлик анā нӓдин кӧтӯрди?* (78v6).

21. «Бекор қилмоқ»: *Қачан бу ҳужжатны қылды эрсӓ Азāзыл атыны кӧтӓрдилӓр, Иблис ат бэрдилӓр, маъниси «нāумид» тэмӓк тӯрӯр* (9r19).

*Кӧтӓр//кӧтӯр=* лексемаси қадимги туркий тилдаги «юқорига ҳаракатланмоқ» маъносини англатган **кӧти=** феълига –р орттирма қўшимчасини қўшиб ҳосил


www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган, бунда иккинчи бўғиндаги и унлиси ў унлисига, бу унли, ўз навбатида, ӓ унлисига алмашган, ўзбек тилида ӧ унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: кӧти=+р= кӧтир=> кӧтўр=> кӧтӓр=> кӧтӓр=[13].

Кузатишларимиз жараёнида яна шу нарса аён бўлдики, ёдгорликда тадқиқот объекти ҳисобланган лексик бирликнинг **аг=** маънодоши ҳам қўлланган: *Айтурлар:Байтул-муқаддасға кирди пайғамбарлар бирлӓ намāз ӧтӓди, андын соң кӧккӓ ағды* (217v5).

XIV аср обидаси бўлмиш «Қисаси Рабғузий» асари лексикасини тарихий жиҳатдан ўрганиш жараёнида ёдгорликда қўлланилган лексик бирликларнинг кўпчилиги полисемантик сўзлар ҳисобланиб, моносемантик бирликлар ҳам ўз ўрнига эга эканлигига гувоҳ бўлдик. Хусусан, қадимги туркий тилда ва «Қутадғу билиг», «Девону луғотит турк» асарларида[14] «олмоқ», «эга бўлмоқ», «керагини олмоқ», «хотин олмоқ», «сотиб олмоқ», «тортиб олмоқ», «тутмоқ», «ишғол қилмоқ»,»тин олмоқ», «йиғмоқ», «алик олмоқ», «ўч олмоқ», »ўгит олмоқ», «кутиб олмоқ», «кафолат бермоқ», «мақтовга сазовор бўлмоқ» маъноларида истифода қилинган **ал=** ҳаракат феъли қиссада қуйидаги маъноларни билдирган:

1. Ал= лексемаси «Қисаси Рабғузий» ёдномасида ўзининг бош(денотатив), яъни «бирор нарсани ушлаб ёки тутиб қўлга киритмоқ» маъносида қўлланишда давом этган: *Йана кўндӓ икки кўмўш мӓндин алур...*(239r19).

2. «Харид қилмоқ, сотиб олмоқ»: *Мундағ сигир кимдӓ бар эрсӓ кэлтўрсўн ағыр баҳā бэриб алурман* (128v1).

3. «Эммоқ»: *Ҳалима сағ эмўкин бэрди эрсӓ алды*

---

[13] Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўзлар). -Т.: Университет, 2000. –Б. 231.

[14] Древнетюркский словарь. -Л.: Наука, 1969. -С. 32.



www.ziyouz.com kutubxonasi

(185r3). Бу ўринда мазкур феъл эм= сўзининг синоними сифатида кўзга ташланади: *Йэттинчи бир эмўкиндин сўт эмäр, аммā йана бир эмўкиндин сув ичäр* (170v20).

4. «Кетказмоқ, йўқотмоқ»: *Йэр ўзä сувларын алды, кöк йағмады* (26v3).

5. «Асрамоқ, ўғил қилиб олмоқ»: *Сэн бу оғланны мэниң қапуғымда қойғыл, кишилäр кэлиб асрамақға қолғайлар. Анчада сэн асрамақға алғыл, тэди* (33v5).

6. «Кўнгил овламоқ, таскин бермоқ»: *Кöңўллäрни йахшылик бирлä алғайсэн* (177v8).

7. «Тутмоқ»: *Оғлум тэйў илкимдäн ким алғай, улғартмышда кимни атам тэгäй, тэб йығлады* (183r5).

8. «Меҳмон қилмоқ, едириб-ичирмоқ»: *Йарлығ кэлди: маниң халқымны мäндин öзгä ким қонуқлай алур* (138r21).

9. «Бажармоқ, уддаламоқ»: *Бани Исрāилда бирäгў умматиң бу йўкни кöтäрä алмағай* (213v3).

10. «Оёқ остига олмоқ, босиб ўтмоқ»: *Сув кэлди ашуқыңа тэгди, оғлы бар эрди, аны айақ астыңа алыб тэпäсиңä ашды* (24v12).

11. «Рухсатсиз, ноўрин қўлга киритмоқ»: *Му'āвийаның башы йастуқға тэгди эрсä Йазидгä васият қылды: Ҳусайнни ағырлағыл, сäңä кэлмиштä öз орныңда олтуртғыл. Мāл қолса бэргил. Бу қамуғ уларның ҳаққы турур. Йолсуз алыб турурман, тэди* (244r12).

Айни пайтда, лексик бирлик –и(б) аффиксли равишдошлар ҳамда равишдош шаклидаги бошқа феъллар билан бирикиб, қўшма феъллар ҳосил қилган ва бир қатор семаларни ифодалаган:

12. «Тортиб олмоқ»: *Сэни оғланларың бирлä öлтўрўрмäн, қызыңны тартыб алурман* (63v4).

13. «Олиб қолмоқ»: *Биз Йусуфға мундағ öгрäтў бэрдўк, қарындашыңны бу адā бирлä алыб қалғыл* (97v10).


www.ziyouz.com kutubxonasi

14. «Олиб бормоқ»: *Йигирми йэтти киши öз мавлāларындын алу барды* (244v5).

15. «Келтирмоқ, олиб келмоқ»: *Бу кэлмишдä йармақлары йоқ эрди, тавар, жувāл, кийиз, арғамчы алыб кэлдилäр* (101v16).

16. «Етказмоқ, хабардор қилмоқ»: *Бу кӯн бизиң ҳасратимизгä сафар қылдың умматларыңға алу барғыл* (214r20).

Шунингдек, тадқиқ этилаётган лексеманинг характерли томони шундаки, у обида тилида етакчи феъл сифатида от туркумидаги сўзлар билан биргаликда қўшма феъллар ясаган ва қуйидаги маъноларни англатган:

17. «Қўлга киритмоқ, ўлжа қилмоқ, эга бўлмоқ»: *Аны кöрӯб қамуғ мусулмāнлар такбир айдылар. Ғаниматлар алдылар* (222r16).

18. «Ишғол қилмоқ, фатҳ этмоқ»: *Қырқ йылдын соң йана йäбāндын кэлиб Мисрны алдылар* (117r9).

19. «Кўтармоқ»: *Йа'қуб йӯзиндä Йусуфни Рубил эгниңä алды...*(69v2). Ушбу мисолда лексема **кöтäр=** феъли билан маънодошлик қаторини юзага келтирган: *Йунус улуғ оғлын кöтäрди, хатуны кичик оғлын кöтäрди* (152v13).

20. «Уйланмоқ, хотин олмоқ»: *Ҳāбил бирлä туғған қызны Қāбилға бэрӯр болды эрсä Қāбил ӯнäмäди, мэниң бирлä туғған қызны алурмэн, тэди* (15v7).

21. «Ушламоқ»: *Муҳаммадни(с. а. в.) кöрдилäр тэвäчилäр тонын киймиш, бурундуқны бэлиңä бағламыш, илкиңä тайақ алмыш* (188r10).

22. «Жавоб қайтармоқ, жавоб бермоқ»: *Сарсабил Изи йарлықы бирлä кэлиб Йунусға салāм қылды, Йунус алик алды* (154r20).

23. Асар муаллифи «жанг қилмоқ, урушмоқ» маъносини **уруш=** лексемаси билан биргаликда **ал=** феълига ҳам юклаган: *Жāлут ҳам илгäри кэлди, айди: нэ*


www.ziyouz.com kutubxonasi

*бирлä урушурсэн?* (133v3); *Эллик-эллик бирлä илик алышиб, атлар йарышыб, арқыш тўшгäн йэргä кэлдилäр* (76r2).

24. «Бировнинг номини эсламоқ, йўқламоқ»: *Расулны, андаг дўшмäн эрдиким, атын агзынга алмас эрди* (196r19).

25. «Жудо қилмоқ, айирмоқ»: *Йа'ни мäңä бир му'жиза кöргўзгил, йоқ эрсä, башыңны алурман, тэди* (208r14).

26. «Асир олмоқ»: *Расул алайҳис-салāм саҳāбалар бирлä уларның хатунларын, огул-қызларын булун алыб кэлдилäр* (230r7).

27. «Намуна, ибрат олмоқ»: *Қамуг халāйиқ Мавлā қудратын билсўнлäр, öз āжизлықларын äңлäсунлäр, ибрат алсунлар...*(138v19).

28. Қиссада «севиб қолмоқ, ошиқ бўлмоқ» семаси **сэв=** феъли ёрдамида очиб берилган: *Ҳадича ҳам Муҳаммадни сэвди нўбўввäт кöрмäсдäн бурун*(189r1). Айни пайтда зикр этилган маъно **ал=** лексемаси орқали ҳам ифодаланган: *Дāвуд ул сачны, ул кöркни кöрўб кöңўл алдурды*(135r9).

29. «Қўйнига олмоқ»: *Тэлим вақтларда кöрдўм Мустафā алайҳис-салāм Ҳасан ва Ҳусайнни(разийаллāҳу анҳумā) қойныңа алыб, қутлуг агзын уларның агзынга қозар эрди* (243v18).

30. «Ўч олмоқ»: *Илāҳи бану қурайзадан öчўмни алмагунча жāнымны алмагыл* (229v16).

32. «Вафот этмоқ»: *Дāвуд орныга олиб саг қолын ўзä йатты, Азрāил жāнын алды* (137r3 ).

Асарда қўлланган **тўш=-** «тушмоқ» тик ҳаракат феъли қадимги туркий тил манбалари ва эски туркий адабий тилнинг илк ёдгорликларида «юқоридан, баланддан ёки бирор нарса устидан пастга, ерга ҳаракат қилмоқ» дастлабки мустақил маъносидан ташқа-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ри «бирор траспорт воситаси ёки уловдан тушмоқ», «сафарда бирор жойга бориб тўхтамоқ», «ёғмоқ», «узилиб тушмоқ», «бирор нарса ичига кирмоқ, чўммоқ» (ДТС, 32) сингари маъно оттенкаларини ҳам ифодалаган. Кези келганда қайд этиш жоизки, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» да **тўш=** феълининг 26 та маъноси берилган (ЎТИЛ, II, 237-239).

Изланишларимиз мазкур лексема асар муаллифи томонидан қуйидаги маъноларда қўлланганини кўрсатди:

1. «Юқоридан, баланддан ёки бирор нарса устидан пастга, ерга ҳаракат қилмоқ»: *Ибн Йаминниң йашы ақа тахтдын тўшўб эвгä кирди* (101v21).

2. «Пасайиб бирор даражага етмоқ»: *Эл йўк алғандын соң нарх тўшди* (189v12).

3. «Мустаҳкамланган, қотирилган, тутиб турилган еридан узилиб, ўз оғирлиги билан пастга кетмоқ»: *Элтиб салāм қылдылар эрсä, қуфл тўшди, қапуғ ачылды, равзадин ўн кэлди* (199v11).

4. «Умуман бирор ерга бориб қўнмоқ»: *Сувдын кэчäрдä алтунны сувға тўшярди* (164r4).

5. «Бирор нарса ичига кирмоқ»: *Оғлан эмгäклäб барыб тануրға тўшди* (172r16).

6. «Ҳаволаб, учиб бориб ўз оғирлиги билан маълум жойга етмоқ»: *Аймышлар: йэтмиш ҳижāбдын орта бармақ андāзасынча тажаллий нуры кöрўнди, тағ алты кэсäк болды, ўчўси ўчўб Маккагä тўшди* (121v5).

7. «Сафар чоғи бирор ерда дам олиш учун тўхтамоқ»: *Маккагä бир кўнлўк йэр қалыб эрди, тўшдилäр* (179v21).

8. «Маълум бир йўналишда тарқалиб, муайян нуқтага ёйилмоқ»: *Қачан ул тўңлўклäрдин кўн тўшсä, ул гавҳарлäр йаруқлуқ бэрўрлäр эрди* (147r7).

9. «Илинмоқ»: *Бу кўн нэчä балық тутсақ сäңä бэрä-*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*лиҳ тэдиләр, ағ салдылар, нарса тўшмәди* (144v14). Ушбу мисолда тадқиқ этилаётган лексик бирлик **илин=** феълининг маънодоши сифатида кўзга ташланади: ...*Көзи көрклўккә тўшди, ал қылды, ағға илинди* (77r10).

10. «Пайдо бўлмоқ, босмоқ»: *Ул-оқ сāатда өлмәди, валэкин от андāмынға қурт тўшди* (231v18).

11. «Бирор хонадонга узатилмоқ, келин бўлмоқ»: *Тэвәләри чалықлық қылыб бурундуқлатмасалар йаңы тўшгән кэлинләрни кэлтўрўб, ўн тўзўб ырлатурлар* (198r2).

12. «Эга бўлмоқ»: *Абдул Муталлиб айды: алҳамду-лил-лāҳким, мәниң ихтийāрым савāб тўшди* (186r13).

13. «Бирор хатти-ҳаракатга киришмоқ»: *Бэрк йолға тўштиләр, ағышы-иниши тэлим* (225v8).

14. «От–уловдан ерга, пастга тушмоқ»: *Ба'зи ривāйатда кэлмиш: Йусуф атдын тўшди, атасы бирлә көрўшди* (106v19).

15. «Қандайдир сабаб ва мақсад билан бировнинг олдига бормоқ»: *Айды: қачан маликка бир иш тўшсә, ул хоруслар чақырур* (141v14).

16. «Меҳмон бўлмоқ»: *Расул алайҳиссалāм айды: тэвәмни қойуң, кимниң эшикиңә чөксә, анда тўшгәймән тэди* (220v19); *Қонақ тўшўб аш йэди* (87v19).

17. «Боқмоқ, назар солмоқ»: *Кимниң көзи Мусāға тўшсә, тирик барынча көзи көрмәс эрди* (123v15). Бу ўринда лексема **бақ=** феъли билан синонимик қаторни юзага келтирган: *Малик йана бэкләриңә бақды, йэгирми төрт миң эр бирлә атланыб, кэлдиләр* (64r16).

18. «Нурамоқ, ағанамоқ»: *Бир там көрдиләр тўшгәлў турур* (130v5).

19. «Дучор бўлмоқ, содир бўлмоқ»: *Иблисгә ул ҳāл тўшмишдин бэрў көзўмиз йашы қурымышы йоқ* (209v8).



www.ziyouz.com kutubxonasi

20. «Юзтубан ётмоқ»: *Исмāил йығлайур турур эрди, ӯнин эшитсä, йэтиб кэлди, кöрäр Исмāил öврӯлӯб йӯзӯн тӯшмиш* (48v13).

21. «Узоқлашмоқ»: *Бу мақсуддин ырақ тӯшäрмиз* (198v5).

22. «Баландликдан пастликка, жарликка бехосдан тушиб кетмоқ»: *Мундун бурун тағдын тӯшӯб бойны сöңӯки тақы қолы сынмыш эрди* (158v18).

23. «Бирор мансабдан бўшамоқ, ҳурмат-эътибордан четда қолмоқ»: *Қузы тӯшгäнлäрни йоқару кöтäргäн, öрä қопғанларны йумурлаған, бэргäнсäн, алғансан, бу абушғаға оғуллар карāмат қылғыл* (78r21).

Таҳлил этилаётган лексема от ҳамда феъл сўз туркумларига оид сўзлар билан бирикиб, қўшма феъллар ҳам ҳосил қилган ва улар қуйидаги маъноларни англатган:

24. «Фитна қилмоқ»: *Ҳақиқат йӯзӯңä сурат ниқāбын кэмишди қулларым фитнагä тӯшмäсӯнлäр тэб* (76r14).

25. «Қўлга тушмоқ, гирифтор бўлмоқ»: *Сäниң илкиңä тӯшмäсäм қамуғын öгрäнӯр эрдим* (141v7).

26. «Бошига қайғу, мусибат тушмоқ»: *Қачан уларға бир мӯң-қазғу тӯшсä, йағылары билгӯрсä, ул тāбутны чықарыб илгäрӯ қойуб, дуā қылсалар ул муң, ул йағыдын қутулур эрдилäр* (131v20).

27. «Балога қолмоқ»: *Сулаймāн бин Йасар аны билиб, балāға тӯшмäгäйин тэб Мадинадин қачты ва Шāмға барды, анда орнады* (82r14).

28. «Хабар тарқалмоқ»: *Миср халқы ара хабар тӯшдиким, Мāлик За'р бир қул оғлан кэтӯрмиш* (75r4).

29. «Ҳомиладан айрилмоқ»: *Йӯклӯк урағутлар қамуғы оғлан тӯшӯрдилäр* (136v12).

30. «Овоза бўлмоқ»: *Нāаҳллäрдин, кāфирлардин, зындықлардын мусулмāнлар ағзыға тӯшди, билмäсликдäн сöзлäйӯрлäр* (145v1).



www.ziyouz.com kutubxonasi

31. Асар муаллифи «севмоқ, яхши кўрмоқ» маъносини **сэв=** феъли билан биргаликда **тўш=** лексемасига юклаган: *Кӧз кӧргӓни жамāл ул, Сэвмӓк ани ҳалāл ул* (78v18); *Мāҳир эрӓн мэҳри тўшти, мэҳрини бэргӓн тэлим* (249v7).

32. «Бошига тушмоқ»: *Машриқдын Мағрибға тэги қайу йэрдӓ тайақ ташласа, киши башынға тўшӓр эрди* (23r9).

33. «Ёдига келмоқ»: *Бирӓгў кэлди, қылыч бирлӓ урайын тэдим эрсӓ, Расул(с.а.в.) васийати кӧңлўмгӓ тўшти* (228r13).

